ИСЛОМ ИСМОИЛОВ ЎСМИРЛАР МУНДИАЛИГА ҚАДАР ЧАЛҒИМОҚЧИ ЭМАС

2025-yil 13-may, seshanba, 37 (2249)-son

ZAKOVAT



«БАРСЕЛОНА» - «РЕАЛ» - 4:3

# «МАДРИД» УЧУН «ЭЛЬ-КЛАСИКО» АЗОБИ:

# ТЎРТ «ДУЭЛ»ДА -16 ГОЛ...



«ПАХТАКОР» - «БУХОРО» - 6:0
«НАСАФ» - «БУНЁДКОР» - 2:2
«ДИНАМО» - «СУРХОН» - 1:0

# «ШЕРЛАР» МОРЕЙРА ТАЪТИЛГА ЧИҚИШИНИ КУТИШГАНМИДИ?

**Жаҳон футболи мухлислари бир неча йил давомида «Эль-класико»лар Лионель Месси ва Криштиану Роналдусиз ўтишига кўникишди. Икки даҳоси безаган Ла Лиганинг асосий қарама-қаршиликлари уларни томоша қилган мухлислар ёдида узоқ сақланади, албатта. Тўғри, «Реал» ва «Барселона»нинг Месси ва Роналдудан кейинги тўқнашувлари ҳам ҳар сафар қизғин курашлар остида кечди. Аммо икки буюк клубнинг аргентиналик ва португалиялик юлдузларсиз ўтган «дуэл»ларида мухлислар тарафма-тараф бўлиб, бир-бирларини мазах қилишди, калака остига олишди. Оддий айтганда, тарафкашликнинг неки усули бўлса, барини ишга солишди. Лекин «Эль-класико»ларга нимадир етишмасди, барибир. Табиийки, мазкур кемтиклик Месси ва Роналдунинг йўқлиги билан изоҳланарди, ҳамма уларники каби рақобатни қўмсашарди. Шу ташналик, қўмсаш, соғинч ҳаққи-ҳурмати тақдир «Барселона»га Ламин Ямал, «Реал»га Килиан Мбаппе тимсолида янги ёрқин юлдузларни туҳфа этди. Мана, ортда қолаётган мавсумда Ханс-Дитер Фликнинг келиши ва Ламин Ямалнинг жуда тез улғайиши билан янги қиёфа касб этаётган «Барселона» ҳамда Килиан Мбаппени харид қилиш орқали яна катта мақсадлар сари дадил қадам ташлаган «Реал» ўртасидаги рақобат янги босқичга кўтарилди. Таъбир жоиз бўлса, «Эль-класико» янгиланди ва аввалги шукуҳли дамларига қайтди.**

# ЯМАЛ НИМА САБАБДАН «ЯМА»ГА ТУШМАДИ?

11 май оқшомига белгиланган «Эль-класико» ўзбекистонлик мухлислар учун ниҳоятда қулай вақтда бошланди. Балки шунинг учундир, бизда ўйинни олдинги «Эль-класико»га нисбатан кўпроқ киши кузатди. Амалда Ла-Лига олтин медали тақдирига ойдинлик киритадиган, шунинг учун финал мақомига тенг навбатдаги «Эль-класико» қизиқарлилиги ва драматик воқеаларга бойлиги билан яна янги тарих ёзди. Учрашувда «хет-трик» қайд этган Килиан Мбаппенинг «Барселона» жарима майдонида мунтазам ҳамлага тайёр туриши, Ламин Ямалнинг мудом тўп билан рақс тушишга ҳозир-у нозирлиги юракларда «Эль-класико»га нисбатан муҳаббат ва ҳурматни яна авжлантирди! Лионель Месси гўё Ламин Ямал, Криштиану Роналду эса Килиан Мбаппе қиёфасида «Эль-класико»га қайтгандек туюлди. Энг муҳими, Ламин Ямал ва Килиан Мбаппе ўртасидаги рақобат ҳали олдинда. Агар жароҳат ёки бошқа кўнгилсиз воқеалар халақит бермаса, иккиси «Эль-класико» савияси ва даражасини янада юксалтиришига ишончимиз комил.



➤ Яқин келажакда «Эль-класико» об-ҳавосини Ламин Ямал белгиласа ажабмас...

Кези келганда, «Барселона» ва «Класико» мақомини бир четга суриб, таъкидлаш жоиз, жаҳон Ламин Ямал аталмиш янги порлоқ юлдуз ёки футболнинг яқин келажакдаги даҳоси ҳаракатларини ажиб ҳайрат билан кузатмоқда. У шу шашту шижоатида давом этса, ўзини Пеле ва Марадона каби шон-шуҳратга буркайди, Месcию, Роналдуга тегишли рекордларни янгилайди. Бетараф мухлислар Ямални «Барселона»

юлдузчаси эмас, балки футбол фусунига фусун қўшган, бу бетакрор ўйинни янада мафтункор этган, унга беқиёс жозиба бағишлаган мўъжизакор афсунгар сифатида олқишлашади келажакда.

«Барселона»нинг охирги «Эль-класико»да кўрсатган руҳияти ва кайфиятига ҳам алоҳида эътибор қаратдик. Зеро, Милландаги жавоб учрашувида ўйин бобида «Интер»дан устун бўла туриб, ЧЛ финалига йўл ололмаган жамоа Ла Лига бош жангига қадар руҳан тиклана олиши масаласи бетараф мухлисларни бирдек қизиқтираётганди. Бу жиҳат Каталония клуби тарафдорларини ўйга толдиргани ҳам рост. Камолиддин Тожиев «Пахтакор» футболчиларини «яма»дан чиқариш осон бўлмаётганини қайта-қайта таъкидлаганидан сўнг «Барселона»нинг ўзбекистонлик мухлислари чиндан ҳам, ташвишга тушиб қолишди. Улар «Интер»нинг кутилмаган зарбасидан кейин Ламин Ямал ҳам «яма»дан чиқолмаслиги мумкинлигини ўйлаб, қайғуга ботишди. Ана, Александр Хомяков истеъфога чиқарилиб, жамоа муҳити бироз янгиланган, футболчилар ва мухлислар ўртасида яраш битими имзоланган бўлса-да, «Андижон» «яма»дан чиқолмади. Яъни клуб футболчилари руҳий жиҳатдан ўзларини тиклашолмади, бунинг учун уларда ирода етишмади. «Барселона» эса 4 кун ичида барчасини унутди ва «Реал»га қарши қувноқ, жозибали ва ажабтовур футбол намойиш этиш, ғалаба қозонишга ўзида куч топди. Эътибор беринг, «Барселона» футболчиларининг маҳорати ва истеъдоди ҳақида сўзламаяпмиз, балки улардаги инсоний ирода ибратга сазоворлигини таъкидламоқдамиз. Руҳият, кайфият, ирода миллат, маҳорат, истеъдод танламайди! Бу борада «Андижон» ва «Барселона» футболчилари ўртасида фарқ йўқлигини айтсак, адашмаймиз. Ҳамма гап «Барселона» ва «Андижон» футболчиларида баравар мавжуд бўлган иродани юзага чиқариш, майдонда намойиш эта билишда.

Хўш, нима сабабдан айрим футболчилар тушкунлик занжирини вақтида узишолмайди? Бу бутун бошли клубларга ҳам дахлдор саволдир. Айни шу ҳақда бош қотираётганимиз маҳал «Футболга ҳурмат - мажбуриятдир!» номли мақоламизни ўқиган мухлис алоқага чиқиб, ўз мулоҳазаларини билдирди. «Ака, футбол эмас, балки инсонга ҳурмат мажбуриятдир аввало! Футболчининг инсон сифатидаги қадри топталмаса, унинг ҳурмати жойига қўйилса, ўзидан ўзи ривожланиш бўлаверади!» - у жиғибийрон ҳолда бир клуб муҳитидаги ташвишли ҳолатларни сўзлаб берди. Айтишича, номдор клубларимиздан бирида тажрибали ва ёши катта футболчилар эндигина вояга етаётган истеъдодларни истаганча хўрлашар, бошларига ўз бутсалари билан уриб, тиззаларига тепиб, жароҳатлашдан ҳузурланишар экан. Хайриятки, ёши катта футболчилардан бири кичиклар тарафини олиб, шерикларини инсофга чақирар экан. Биз суҳбатдошимизга жавобан футбол мардлар ўйини сифатида кўрилишини эслатдик ва фикримизни Тарас Бульба ўғиллари Остап ва Андрейни қандай тоблагани, Еврил Туроннинг «Ўлмас қоялар» романида Бўронбек отаси томонидан қандай тоблангани мисолида тушунтиришга уриндик. «Буларнинг барчасини биламан, тобланишлар ёш футболчилар учун фойдали эканлигини ҳам жуда яхши тушунаман. Лекин тоблаш эмас, аксинча, хўрлаш ҳақида гапиряпман, ака!» - деди ҳафсаласиз қўл силтаб ўша мухлис тушунтиришларимиздан қониқмай.

Агар клубларимизда дарҳақиқат, шундай ноинсоний муҳит ҳукм сураётган бўлса, тушкунликдан чиқиб кетиш, иродани намойиш этиш масаласида мулоҳаза билдириш бефойда, албатта. Бундан 5-6 йил муқаддам бир ёзувчи ва бир олимнинг донгдор клубда тарбияланаётган ўғиллари тўсатдан вафот этишганида мусибатни ёзишга каламимиз ожизлик қилганди, айни пайтда соғлом йигитчаларнинг кутилмаган ўлими табиий жараён эмаслиги масаласида ҳамкасблар фикр алмашгандик. Бизга эътирозларини билдирган мухлис сўзларидан кейин ўша фожиа ёдимизга тушди. Ўзимиз гувоҳига айланган мусибатлар ва мухлис жаҳлини чиқараётган муаммоларни кўз илғамас ришталар ўзаро боғламаяптими? Бу оғриқли саволнинг жавоби клубларимиз мутасаддиларига ҳавола.

Ҳар ҳолда, «Пахтакор»да бу масалага дахлдор вазият анча яхши, шекилли. Чунки Камолиддин Тожиев Бухорога қарши кечган учрашувда жамоа таркибини бирмунча янгилади ва захирада ўтирган, ёш футболчиларга имконият яратди. Инкор этмаймиз, Педру Морейра кетмаганида ҳам «Пахтакор» катта эҳтимол билан «Бухоро»ни енгарди. Аммо бу ўринда муҳим жиҳат шуки, Педру Морейрадан фарқли ўлароқ, Камолиддин Тожиев жамоадаги муҳитни янгилашга эришди. Унутмайликки, ўзининг тоза руҳияти ва самимияти билан алоҳида ажралиб турадиган футболчилар ҳамиша ҳурматга сазовордирлар! Тажрибаси ва маҳорати юксак бўлса-да, маънавий жиҳатдан қашшоқ футболчилар эса вақтлар ўтиб, ўз хатолари учун ҳаётнинг шафқатсиз қонунлари қаршисида жавоб беришга маҳкумдирлар!

Муҳаммад ВАЛИ

## 3 ОЧКО ЧОРАК ФИНАЛ УЧУН КАМ...

Якшанба куни Хитойнинг Хаххот шаҳрида давом этаётган аёллар ўртасидаги футзал бўйича Осиё кубоги гуруҳ босқичи якунига етди. Турнирга Фаррух Зокиров бошқарувида борган Ўзбекистон терма жамоаси «А» гуруҳида 3 очко билан 3-ўринни эгаллади. Аммо бу чорак финалга чиқиш учун камлик қилди. Вакилларимиз 3-ўрин рейтингида учинчи бўлишди.

**2-тур. 8 май**
**АВСТРАЛИЯ - ЎЗБЕКИСТОН - 1:3 (1:1)**
**Голлар:** Дейси Арровсмит (11) - Гулзода Амирова (14), Оминахон Валихонова (24), Шодия Тошева (38).
**Ўзбекистон (бошланғич бешлик):** Ангелина Полюшкевич, Зумрат Назарова, Феруза Турдибоева, Рушания Сафина, Гулзода Амирова.
**Захира:** Нилуфар Бахтиёрова, Мадина Ҳикматова, Дарина Федосенко, Мадина Воҳидова, Холида Дадабоева, Айгерим Отеназарова, Дилдора Нозимова, Омина Валихонова, Шодия Тошева.



**3-тур. 10 май**
**ХИТОЙ - ЎЗБЕКИСТОН - 3:1 (1:1)**
**Голлар:** Ке Яо (10, 37), Жан Вен (32) - Мадина Воҳидова (11).

Чемпионат давомида Ўзбекистон ва Индонезия футзал масъуллари ўзаро учрашиб, ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилишди. Индонезия футзал федерацияси раиси Мичэл Цианипар қитъада футзали ривожланган мамлакатлар терма жамоалари ўртасида халқаро турнир ташкил этиш масаласи кўриб чиқилаётганлигинини маълум қилди. Унинг айтишича, Таиланд ва Япония термаларига аллақачон таклиф юборилган. Цианипар ўз навбатида, Ўзбекистон терма жамоасини ҳам Жакарта мусобақасида кўришдан бахтиёр бўлишини таъкидлади. У яна клублар ўртасидаги энг нуфузли турнир - Осиё Чемпионлар кубогига муқобил мусобақани йўлга қўйиш ғоясини ўртага ташлади. Учрашув якунида ЎФФ Терма жамоалар департаменти бошлиғи Рустам Зупаров индонезиялик функционерга эсдалик совғалари топширди.

## 1/8 ФИНАЛ ҚУРЪАСИ ЯҚИН

Ўзбекистон кубоги 1/8 финалига 23 май куни қуръа ташланиши ойдинлашди. 21 май санаси гуруҳ босқичи якунига етади. Спорт принциплари бўйича гуруҳларда сўнгги тур баҳслари бир вақтда старт олади. 1/8 финал ўйинлари эса июнь ойининг иккинчи ярмида ўтказилади. Режага асосан, 1/8 финал қуръаси Суперлига 11-туридан ўрин олган «Андижон» - «Сурхон» ўйини олдидан ташкиллаштирилади. Маълумот учун, гуруҳни пешқадам сифатида якунлаган жамоалар 1/8 финалда рақибини ўз майдонида қабул қилади.

**Ўзбекистон кубоги. Гуруҳ босқичи. 3-тур**
**13 май (сешанба)**
«ПАХТАКОР» - «НАСАФ»
**Бош ҳакам:** Рустам Чориев.
ОКМК - НАВОИЙ ФА
**Бош ҳакам:** Сардор Миродилов.
«АНДИЖОН» - «ДИНАМО»
**Бош ҳакам:** Умид Раҳимжонов
«СУРХОН» - «ЛОЧИН»
**Бош ҳакам:** Маъруф Тиллоев.
**14 май (чоршанба)**
«МАШЪАЛ» - «ОЛИМПИК»
**Бош ҳакам:** Умид Нутфуллоев.
«ШЎРТАН» - «ИШТИХОН»
**Бош ҳакам:** Маъмур Илҳомов.
«НАВБАҲОР» - ФАРДУ
**Бош ҳакам:** Акмал Раҳимов.
«НЕФТЧИ» - «ОҚ-ТЕПА»
**Бош ҳакам:** Исроил Имомназаров.

## ИСЛОМ ИСМОИЛОВ ЧАЛҒИМОҚЧИ ЭМАС



Хабарларга қараганда, Ўзбекистон U-17 терма жамоасини Осиё чемпионатида ғалаба сари етаклаган Ислом Исмоилов турли клублардан таклифлар олмоқда. Жумладан, ёш мутахассисни Суперлиганинг 2та клуби ишга чорлаётгани ҳақида маълумотлар бор. Бундан ташқари, Саудия Арабистонининг номдор клубларидан бири молиявий жиҳатдан яхши таклиф билан чиққани айтилмоқда. Лекин Ислом Исмоилов шу йилнинг ноябрь ойига белгиланган ўсмирлар ўртасидаги ЖЧ-2025га муносиб тайёргарлик кўришдан чалғимоқчи эмас. Яъни у барча таклифларни бўлажак мундиалдан кейингина кўриб чиқиши мумкинлигини билдирди.

## «РИВОЖЛАНИШ КУБОГИ»-2025: ХИЛМА-ХИЛ НАТИЖАЛАР

Олдин хабар берилганидек, U-15 ва U-14 тоифасидаги Ўзбекистон терма жамоалари айни кунлар Арманистонда давом этаётган «Ривожланиш кубоги»-2025 мусобақасида қатнашмоқда. Айдер Курбаев бошқарувидаги Ўзбекистон U-15 термаси турнирнинг дастлабки 2та ўйинида 6 очко олди. U-14 термаси эса 1тадан ғалаба (пенальтилар сериясида) ва мағлубият қайд этди. Диққатга сазовор томони, U-15 термаси латвияликларга қарши ўйинда деярли 1,5 бўлим майдонда озчилик бўлиб ҳаракатланиб, ирода кўрсатди - 3:1. Айтганча, айрим хабарларга қараганда, Ўзбекистон U-14 термасининг германиялик бош мураббийи Ларс Хопп Ереван сафарига бормаган. Ҳозирча бунинг сабаби маълум эмас.

**8 май**

**АРМАНИСТОН (U-15) - ЎЗБЕКИСТОН (U-15) - 1:2**

**Голлар:** Эммануэль Эмонкпайре (26), Диёр Ўктамов (58).

**Ўзбекистон:** Азиз Бердиев, Шеҳрож Одилов, Ҳожиакбар Зулфиқоров, Азизилло Эркинжонов, Дониёр Ўктамов, Эммануэль Эмонкпайре, Рўзимурод Рўзимуродов, Ҳасан Ўралов, Абдулазиз Шукуров, Абубакр Маматов, Яҳёбек Насруллоев.

**Захира:** Қувонч Ҳайитмуродов, Юсуфбек Маҳмуджонов, Сиддиқ Тиллоев, Диёр Ускенбоев, Усмон Шухратиллаев, Файз Очилов, Шоҳжаҳон Маҳаммаджонов, Улуғбек Хайруллаев, Беҳруз Саматов.

**10 май**

**ЛАТВИЯ (U-15) - ЎЗБЕКИСТОН (U-15) - 1:3**

**Голлар:** Абубакр Маматов (49), Ҳожиакбар Зулфиқоров (85-пен.), Рўзимурод Рўзимуродов (90+4).

**Четлатиш:** Яҳёбек Насруллоев (28, Ў.).

**8 май**

**АРМАНИСТОН (U-14) - ЎЗБЕКИСТОН (U-14) - 2:1**

**Гол:** Афруз Эрназаров (36).

**10 май**

**ЛИВАН (U-14) - ЎЗБЕКИСТОН (U-14) - 2:2**

**Пенальтилар серияси - 0:3**

**Голлар:** Элшод Қобилов (51), Фарзод Собиржонов.

**Ўзбекистон (бошланғич таркиб):** Даниэль Тараев, Собир Смайлов, Миржалол Фарҳодов, Абдуллоҳ Бахтиёров, Муҳаммадазиз Юсупов, Бахтиёр Ҳусанбоев, Ҳасанбой Баҳромов, Бекзод Ҳасанов, Жавоҳир Боймирзаев, Роман Айзаттулов, Муҳаммадюсуф Ҳакимов.

**Четлатишлар:** Ҳассан Эйд (80+2), Алекс Савма (80+4. Л.).

## СЎНГГИ 10 ЙИЛЛИК КЎЗГУСИ

ОФК охирги 10 йилда миллий ва турли ёш тоифасидаги терма жамоалар иштирокида жами 16та қитъа чемпионатини ўтказди. Ушбу турнирларда 7та мамлакат жамоалари бош совринга эга чиқди. Эътиборли факт: Ўзбекистон футболи 3та чемпионлик билан 10 йилликнинг 2-юқори натижаси эгаси бўлиб турибди.

1. Япония - 5та чемпионлик
2. **Ўзбекистон - 3та чемпионлик**
3. Қатар - 2та чемпионлик
4. Австралия - 2та чемпионлик
5. С.Арабистони - 2та чемпионлик
6. Ироқ - 1та чемпионлик
7. Ж.Корея - 1та чемпионлик

## ХОМЯКОВ ЎРНИГА ШАЦКИХМИ?

Суперлига 8-туридан сўнг «Андижон» ва «Шўртан» клублари раҳбарияти тегишлича Александр Хомяков ҳамда Анвар Бердиевни бош мураббий лавозимидан истеъфога чиқаргани маълум бўлганди. Айрим маълумотларга қараганда, «Андижон» бошқарувини Максим Шацких қўлга олади. У яқин орада ишга киришиши мумкин. Ҳар ҳолда, Максим Александрович Суперлига 9-ўриндан ўрин олган «Нефтчи»га қарши ўйин (0:2)ни бевосита «Бобур Арена» стадионида кузатди. «Бургутлар»ни мазкур учрашувда вақтинча бош мураббий сифатида Артём Петросян бошлаб тушди.




«Шўртан»ни эса вақтинча Элдор Мойлиев бошқаради. Ғузор клуби бу ҳақда ПФЛга ҳам маълумот жўнатди. Ушбу мутахассис клуб академияси директори сифатида ишлаб келаётганди. Доимий бош мураббий ролига эса «Андижон» билан хайрлашган Александр Хомяков ва «Оқ-тепа»да Сервер Жепаров штабида ишлаётган Сергей Токов номзоди кўриб чиқилмоқда.

**ОКМК ўз тарихидаги энг яхши стартни қайд этди - 9та ўйинда 22 очко. Олмалиқликлар бундан олдинги энг яхши натижани 2020 йили кўрсатишган (дастлабки 9та ўйинда 21 очко) ва мавсум якунида 3-ўринни эгаллашган эди. Миржалол Қосимов жамоаси шунингдек, ҳар қадамда «камбэк»ни амалга оширмоқда. «Пахтакор»нинг Педру Морейра йўқлигида бечора «Бухоро»ни 6та жавобсиз гол билан сийлаганини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. «Шўртан» эса Жиззахда илк ғалабага яқин келди, аммо якунда дуранг билан чекланди. «Бунёдкор» аксинча, Қаршида «Насаф» билан ўйиннинг сўнгги лаҳзасида мағлубликдан қочди.**



«Андижон» - «Нефтчи» - 0:2

# «КАМБЭК»ЛАР РОҲАТИ ЁХУД ЭНГ ЯХШИ СТАРТ!

**«АНДИЖОН» - «НЕФТЧИ» - 0:2 (0:1)**
**9 май.** Андижон. «Бобур Арена» стадиони. 9124 томошабин.
**Ҳакамлар:** Ильгиз Танташев, Андрей Цапенко, Темур Гайнуллин, Исроил Имомназаров.
**VAR ҳакамлари:** Аскер Нажафалиев, Ислом Азимов.
**Голлар:** Фаррух Сайфиев (11), Жамшид Искандеров (59).
**«Андижон»:** 25. Валижон Раҳимов, 4. Ислом Маматказин, 5. Абдувоҳид Ғуломов (11. Ислам Машуков, 84), 6. Алтин Крезиу, 7. Рустам Турдимуродов (22. Усмонали Исмоналиев, 77), 10. Илҳом Абдуғаниев (9. Мирзад Механович, 66), 13. Сардор Азимов (23. Дониёр Абдуманнопов, 46), 18. Дамир Темиров, 32. Лука Ускокович, 33. Олег Зотеев, 71. Бектемир Абдуманнонов (17. Фарҳод Соҳибжонов, 66).
**«Нефтчи»:** 1. Ботирали Эргашев, 4. Боян Цигер, 5. Икром Алибоев (14. Жамшид Болтабоев, 66), 7. Аброр Исмоилов, 10. Жамшид Искандеров (17. Муҳаммадали Ғиёсов, 90+3), 11. Қувондиқ Рўзиев (77. Билолхон Тошмирзаев, 77), 20. Анвар Ғофуров, 21. Муҳсин Убайдуллаев, 24. Ғуломҳайдар Ғуломов, 32. Зоран Марушич (22. Тома Табатадзе, 78), 34. Фаррух Сайфиев.
**Огоҳлантиришлар:** Дониёр Абдуманнопов (86) - Анвар Ғофуров (88).
**Назоратчи:** Бахтиёр Намозов.
**Комиссар:** Қудрат Мадраимов.

*** **«Андижон»** каторасига 6та ўйинда имкониятни бой берди. Бунақаси жамоа хаётида охирги марта 2016 йили кузатилганди.

***Ўйиндан кейинги фикрлар***

**Виталий Левченко («Нефтчи» бош мураббийи):** - Ўйин бошидан охиригача футболчилар ҳам, мураббийлар ва мухлислар ҳам босим остида бўлишди. Шундай қийин ўйинда 3 очко олганимиздан хурсандман. Бизда бетоб футболчилар бор, айримларда шамоллаш белгилари йўқолмаган. Шуни ҳисобга олиб, соғлом йигитларни майдонга туширяпмиз. Барча футболчилар сафга қайтишса, каттароқ кўламда ротация қилишимиз мумкин сифатга қараб. «Андижон»га келсак, таркиби ёмон эмас, сифатли футболчилар йиғилишган. Жамоада ўйин ҳам бор. Шунчаки, кичик деталларни яхшилаш керак, менимча.

**Артём Петросян («Андижон» бош мураббийи в. б.):** - Рақибнинг биринчи ва иккинчи ҳудудига ўтишни уддаладик, фақат ҳужумларни якунлашда муаммоларга дуч келдик. «Нефтчи» ҳақли равишда ғалабага эришди ва бизни тўлақонли жазолади. Ҳозир бутун жамоанинг руҳий ҳолати жуда оғир. Кетма-кет 5та мағлубият ва бош мураббийсиз

қолиш... Бундай руҳий жарликдан чиқиб олиш учун 3-4 кун камлик қилади. Йўқ, биринчи гол Олег Зотеев қанотидан урилмади. У тўп учун курашди ва устун келди. Бироқ кейин тўпни йўқотдик, узатма вақти ўнг қанот ҳимоячимиз жойини йўқотиб қўйди. 2-голда эса Зотеевнинг айби бор чиндан ҳам. Лекин исталган футболчи хато қилиши мумкин. Асосийси, Олег ўз ишига профессионал даражада ёндашади.

**«ДИНАМО» - «СУРХОН» - 1:0 (1:0)**
**9 май.** Самарқанд. «Динамо» стадиони. 13800 томошабин.
**Ҳакамлар:** Темур Тўхтасинов, Амир Галеев, Александр Сидоров, Феруз Ҳидоятов.
**VAR ҳакамлари:** Равшан Абдувоҳидов, Александр Буров.
**Гол:** Ричард Фрайдей (21).
**«Динамо»:** 1. Равшан Ягудин, 6. Жаҳонгир Ўрозов, 7. Ратиньо, 8. Санжар Қодирқулов (5. Майкон Дуглас, 46), 9. Миржаҳон Мираҳмадов (25. Ойбек Ўрмонжонов, 61) 10. Анвар Ҳожимирзаев (23. Беҳруз Облақулов, 90+4), 16. Ричард Фрайдей (11. Хислат Халилов, 61), 17. Салим Мустафоев, 14. Олександр Кучеренко, 22. Улуғбек Абдуллаев, 88. Марко Станоевич.
**«Сурхон»:** 1. Артём Потапов, 3. Суннатуллоҳ Ҳамиджонов, 5. Жамалдин Ходжаниязов, 6. Беҳзод Шамсиев, 7. Достон Турсунов, 10. Дмитрий Плетнёв, 15. Диёр Рамазонов (77. Асадбек Каримов, 46), 19. Муҳаммадали Абдураҳмонов (11. Абдуғафур Ҳайдаров, 88), 24. Шерзод Комилов (88. Дмитрий Кратков, 61), 27. Асилбек Жумаев (2. Беҳруз Каримов, 61), 66. Беҳруз Шайдулов.
**Огоҳлантиришлар:** Санжар Қодирқулов (37) - Асилбек Жумаев (50).
**Назоратчи:** Рустам Бобомуродов.
**Комиссар:** Диёр Ҳотамқулов.

*** **«Динамо»** Суперлига-2025нинг дастлабки 9та турида мағлубиятсиз серия қайд этиб, охирги 26 йилдаги энг яхши натижасини расмийлаштирди. Смарқандликлар 1999 йили элит лигада 11-турга қадар мағлубиятсиз одимлашган эди - 9та ғалаба ва 2та дуранг. Ўтган мавсумни қўшиб ҳисобласак, «Динамо» Суперлигада 10та ўйиндан буён ютқазмаяпти.

**Февзи Давлетов («Сурхон» бош мураббийи):** - Дастлабки 20 дақиқаликда яхши ўйнадик, кейин ҳимояда позицион хатолар кузатилди. Голни ҳам жуда оддий ҳолатда қўйиб юбордик. Ҳа, шундан сўнг ўйин боришини тенглаштирдик, лекин ҳужумда сифат етишмаяпти. Ўйинларда етарлича вазият яратяпмиз, фақат фойдаланиш даражаси жуда ёмон. Жамоада ҳали қилинадиган ишлар бор. Футболчилар руҳий ҳолати унча яхши эмас. Муаммолар тезроқ бартараф этилишидан умидворман. Беҳзод Шамсиев ҳимоя етакчиси ва сардорлик боғичи муҳокамадан холи...

**Вадим Абрамов («Динамо» бош мураббийи):** - «Сурхон» билан яқиндагина кубокда ўйнагандик. Қисқа вақтда бир рақибни икки марта енгиш эса осон эмас. Адашмасам, «Сурхон» бугун таркибда 8 нафар футболчини алмаштирди. Муҳими, биринчи бўлимда гол уриб олдик. Иккинчи бўлимда вазиятлардан самара чиқаролмаслигимиз оқибатида якунда валидолли ўйин бўлди. Футбол шундай, 1:0 ҳисобида устунликни сақлаш учун ўйнашга тўғри келади гоҳида. Исталган жамоада ўйин фазаларида пасайиш кузатилади. «Сурхон»нинг шундай ҳолатида гол урдик, кейин қарши ҳужумда ўйнаб, барчасини назоратда ушладик. Афсуски, бизда ёшлар жамоалари Суперлига ўйинидан кейин ўйнайди. Оқибатда ёшларни кўролмаймиз. Масалан, аввалига спектакль премьерасини қўйиб, кейин репитиция қилмайсиз-ку.

**«ҚЎҚОН-1912» - ОКМК - 1:3 (1:0)**
**10 май.** Қўқон. «Марказий» стадиони. 4701 томошабин.
**Ҳакамлар:** Аскер Нажафалиев, Руслан Сераситдинов, Ислом Азимов, Асадбек Қосимжонов.
**VAR ҳакамлари:** Достон Раҳмонов, Анвар Маражабов.
**Голлар:** Авазбек Ўлмасалиев (38-авт.) - Авазбек Ўлмасалиев (73), Асадбек Собиржонов (81, 88).
**«Қўқон-1912»:** 13. Азиз Исоқов, 4. Аслиддин Тоштемиров (20. Иқбол Маликжонов, 19), 5. Жасур Ёқубов, 6. Алишер Салимов, 7. Шота Гвазава (18. Баҳром Абдураҳимов, 89), 8. Бахтиёр Қосимов, 11. Шаҳзод Бешимов (9. Жавоҳир Ҳусанов, 89), 14. Жасур Холтўраев (69. Егор Кондратюк, 64), 19. Шаҳзод Акрамов, 22. Муҳаммаданас Ҳасанов, 44. Андро Гиоргадзе.
**ОКМК:** 1. Ҳумоюншоҳ Сайётов, 4. Миржамол Қосимов (99. Асадбек Собиржонов, 64), 6. Авазбек Ўлмасалиев, 7. Дилшод Аҳмадалиев, 9. Клейди Даци (8. Азиз Холмуродов, 46), 10. Хуршид Ғиёсов (5. Гиорги Папава, 82), 15. Ойбек Рустамов, 19. Аҳмадулло Муқимжонов (16. Наоки Сенага, 64), 20. Ислом Тўхтахўжаев, 28. Арихиро Сентоку (11. Рубен Санчес, 46), 77. Нодир Абдураззоқов.
**Огоҳлантиришлар:** . Бахтиёр Қосимов (86), Шаҳзод Акрамов (90+1) - Клейди Даци (34).
**Назоратчи:** Марат Исмоилов.
**Комиссар:** Шоҳруҳ Саид.

***Ўйиндан кейинги фикрлар***

**Миржалол Қосимов (ОКМК бош мураббийи):** - Асабий ўйин. Олдин ҳам айтганман, водий, жумладан, Қўқонда ўйнаш осон эмас. Ироддали ғалабаларда ҳеч қандай сир йўқ. Майдонга тушаётган ҳар бир футболчимиз ўйинга ўз ҳиссасини қўшишни истайди.

Давоми 8-11-бетларда

Давоми. Бошланиши 6-7-бетларда

Эшитишимча, бизда ҳам Ҳакамлар академияси очилди, бу келажакда ўз самарасини бериши керак. Ҳакам ўйин давомида тизгинни қўлдан чиқармаслиги муҳим. Ҳакамликни назорат қиладиган алоҳида қўмита, бор. Яна бир томони, фақат ишламайдиган одам хато қилмайди. Шундай экан, ҳакамларга баҳо беролмайман.




Пешқадамдан яна бир чирйли «камбэк»...

**Баҳром Ҳайдаров («Қўқон-1912» бош мураббийи):** - Ўйин давомида ОКМК ташаббусга эга бўлди, биз эса иккинчи рақамли бўлиб ўйнадик, вазиятлар яратдик, гол ҳам урдик. Футболчилар бугун катта куч сарфлашди. «Бунёдкор» билан ўйинда ҳам ҳимоядаги қўпол хато оқибатида гол қўйиб юборгандик. Бу футболчи руҳан тайёр эмаслиги ёки хатолар устида ишламаётганини англатади. Лекин битта вазият ҳақида гапириш яхши эмас. Агар вақтида 2-голни урганимизда ҳозир бу ерда умуман бошқача фикрлар янграрди. Футбол шунақа, 30 сония ичида ўйин, жамоа ҳақидаги фикрлар ўзгариб кетади. Ҳа, пешқадамга ютқаздик, лекин аламли, барибир. Чунки ғалаба қозонишимиз ҳеч гап эмасди.

*** **ОКМК** 6 йил бадалига сафарда «Қўқон-1912»ни илк марта енгди. Бунга қадар Қўқондаги охирги 3та ўйинда мезбонлар 1та ғалаба ва 2та дуранг қайд этишганди.

**«НАСАФ» - «БУНЁДКОР» - 2:2 (1:0)**
**10 май** Қарши. «Марказий» стадиони.
9859 томошабин.
**Ҳакамлар:** Олим Тўйчибоев, Алишер Усмонов, Санжар Шоюсупов, Муҳаммадали Бахтиёров.
**VAR ҳакамлари:** Иброҳим Исмоилов, Амир Галеев.
**Голлар:** Рубин Хебай (23), Ойбек Бозоров (84) - Носир Абдусаломов (78), Марко Бугарин (90+1).
**«Насаф»:** 35. Абдувоҳид Неъматов, 2. Алибек Давронов, 5. Ғолиб Ғайбуллаев (28. Шуҳрат Муҳаммадиев, 75), 6. Мурод Раҳматов (7. Акмал Мозговой, 66), 8. Зафармурод Абдураҳматов (14. Шароф Муҳитдинов, 81), 10. Драган Черан (19. Стефан Чолович, 66), 22. Игорь Голбан, 34. Шерзод Насруллаев, 77. Ойбек Бозоров, 92. Умарбек Эшмуродов, 99. Рубин Хебай (18. Ҳусайн Норчаев, 66).
**«Бунёдкор»:** 1. Абдумавлон Абдужалилов, 4. Нажмиддин Нормуродов, 6. Бобур Йўлдошев, 7. Одил Ҳамробеков, 9. Имеда Ашортиа (21. Носир Абдусаломов, 77), 11. Темурхўжа Абдухолиқов (22. Азиз Амонов, 64), 15. Марко Бугарин, 23. Асадбек Раҳимжонов (30. Сардор Абдунабиев, 64), 57. Амир Тўрақулов (8. Мартин Шролер, 46), 74. Луис Качорри, 77. Музаффар Олимжонов (10. Расул Йўлдошев, 89).
**Огоҳлантиришлар:** Одил Ҳамробеков (88), Расул Йўлдошев (90+7, Б.).
**Назоратчи:** Бахтиёр Тоғаев.
**Комиссар:** Владимир Назаров.

***Ўйиндан кейинги фикрлар***

**Илёс Зейтуллаев («Бунёдкор» бош мураббийи):** - Бугун мураккаб ҳолатдан чиқиб кетдик. Яхши ҳужум қилдик, тартибли ҳимояландик. Темурхўжа ўз тажрибаси билан жамоага катта энергия бериб туради. Шундай бўлса-да, уни алмаштирдик. Сардор Абдунабиев эса қачон захирадан ўйинга қўшилса, ритмни ўзгартиради. Ўзбекистонда футбол ривожланаётганини кўриб турибман, ўйинларда кураш сўнгги дақиқаларгача давом этмоқда. Агар яна бир қанча жиҳатлар тўғриланса, Суперлига суперчемпионатга айланади. Умуман, Қаршида «Насаф»дан очко олиб қайтиш кўп нарсаларни англатади.



«Бунёдкор» асло бўш келмоқчи эмас...

**Рўзиқул Бердиев («Насаф» бош мураббийи):** - Менимча, бугун ғалабага ҳақли эдик.

1:0 ҳисобини 2:0га, 2:1ни эса 3:1га ўзгартиришимиз мумкин эди. Йигитлар тўғри ўйин кўрсатишди, фақат битта вазиятдаги эътиборсизлик голга олиб келди. Жисмоний ва руҳий тайёргарлик яхши эди, рақиб стандарт вазиятдан фойдаланиб кетди. «Хоразм» билан учрашувдан сўнг ҳақли тарзда очко йўқотганимизни айтгандим, чунки ўйинимиз ўхшамаганди. Бугун эса етарлича вазият яратдик. Йўқ, ҳеч қандай босимни ҳис қилмаймиз. Мавсумнинг катта қисми ҳали олдинда. «Насаф» шу даражага етди-ки, ҳозир дуранг ҳам ранжитяпти. Энди даражани туширмаслигимиз керак.

**«ПАХТАКОР» - «БУХОРО» - 6:0 (2:0)**
**10 май** Тошкент. «Жар» стадиони.
4100 томошабин.
**Ҳакамлар:** Ғайрат Жўраев, Ислом Носиров, Максим Нехочин, Музаффар Якубов.
**VAR ҳакамлари:** Равшан Абдувоҳидов, Ришат Нугманов.
**Голлар:** Игорь Сергеев (22), Муҳаммадали Ўринбоев (37, 49), Башар Ресан (60), Иброҳим Ибрагимов (62), Муҳаммадали Усмонов (90+6).
**«Пахтакор»:** 12. Владимир Назаров, 6. Муҳаммадали Ўринбоев (94. Брайан Риаскос, 68), 7. Хожиакбар Алижонов (99. Улуғбек Ҳошимов, 81), 9. Иброҳим Ибрагимов, 11. Игорь Сергеев, 20. Дилшод Абдуллаев, 21. Башар Ресан (31. Муҳаммадали Усмонов, 68), 22. Умар Адҳамзода (44. Маҳмуд Маҳаммаджонов, 68), 27. Сардор Собирхўжаев (15. Диёр Ортиқбоев, 73), 55. Муҳаммадрасул Абдумажидов, 77. Дилшод Саитов.
**«Бухоро»:** 1. Ширинбой Абдуллаев (21. Отабек Боймуродов, 66), 2. Иззатилло Пўлатов (19. Билол Туплиев, 46), 6. Равшан Хайруллаев (8. Анвар Жўраев, 46), 10. Шоҳруз Норхонов (77. Асилбек Қаюмов, 66), 17. Жавоҳир Рўзиев, 25. Франье Чиряк, 27. Муҳаммад Йўлдошев, 33. Йосип Томашевич (14. Маҳмуд Жўрабоев, 66), 93. Марко Колакович, 94. Франье Икич, 97. Шаҳбоз Жўрабеков.
**Огоҳлантиришлар:** Иззатилло Пўлатов (34), Жавоҳир Рўзиев (70, Б.).
**Назоратчи:** Бобур Ҳайдаров.
**Комиссар:** Аделя Курмаева.

*** **«Бухоро»** 9 йилдан буён Тошкентда «Пахтакор»дан очко ололмаяпти.

### *Ўйиндан кейинги фикрлар*

**Улуғбек Бақоев («Бухоро» бош мураббийи):** - Ўйинни яхши бошладик, биринчи бўлимда гол ҳам урдик, бироқ VAR ҳисобламади. Билмадим, қаердан «офсайд» топишди. Такрорий лавҳани кўрдим, менимча, гол тоза урилганди. Иккинчи бўлим бошидаги хатолар эса барчасини бузиб юборди. 0:6 - бу жуда оғриқли. Мағлубиятда барча айб ва масъулиятни ўз бўйнимга оламан. Ҳозир жамоа руҳий тушкунликда. Собиқ футболчи сифатида айтаман, бундай ҳолатдан чиқиб кетиш қийин. Бунинг учун битта «портлаш» зарур. Яъни ғалаба. Бухорога қайтсак, жонажон стадионимизга 25 минг мухлис келарди, бу қўшимча руҳ бағишларди. Бахсли вазиятларда ҳакамлар мезбонларга ён босишади - бу ҳам бир плюс. Сафарда эса мухлисларнинг қўллаб-қувватлашларини ҳис қилмаяпмиз...

**Камолиддин Тожиев («Пахтакор» бош мураббийи в. б.):** - Бугунги ўйин учун тузилган режаларнинг барчаси ишлади, ҳамма ўз салоҳиятини кўрсатди. Руҳиятни кўтариб олсак, бу йигитлар юқори даражада ўйин кўрсата олишади. Йўқ, «Бухоро» кучсиз эмас. Суперлигада енгил рақиб қолмаган. Менимча бу ерда бошқа мураббий бўлса ҳам, футболчилар ўзларини кўрсатишади. «Пахтакор»дан кетмагандим, U-19 жамоа билан ишлаётгандим. Аслида Морейра штабида бўлишим керак эди, бироқ мени олмасликка қарор қилди. Буёғи раҳбариятга боғлиқ. Қаерда бўлса, ўша ерда ишлашга тайёрман.

**«НАВБАҲОР» - «ХОРАЗМ» - 1:0 (0:0)**
**11 май** Наманган. «Марказий» стадиони.
7366 томошабин.
**Ҳакамлар:** Достон Раҳмонов, Шоҳрух Аъзамов, Жамшид Бакиров, Салоҳиддин Акрамов.
**VAR ҳакамлари:** Ильгиз Танташев, Зиёдулло Абдураҳмонов.
**Гол:** Забиҳилло Ўринбоев (50-пен.).
**«Навбаҳор»:** 1. Умид Эргашев, 8. Шоҳмалик Комилов (6. Шерзод Ғуломжонов, 67), 9. Забиҳилло Ўринбоев (10. Шаҳзод Убайдуллаев, 84), 12. Саидазамат Мирсаидов, 13. Бенжамин Тейди, 17. Руслан Жиянов (22. Асадбек Жўрабоев, 84), 33. Сергей Карпович, 36. Гильерме Гедеш, 37. Алишер Одилов (11. Пўлатхўжа Холдорхонов, 67), 70. Аббос Ғуломов (55. Комил Тожиддинов, 88), 99. Игорь Габриэль.
**«Хоразм»:** 12. Сардор Қобилжонов, 5. Дилшод Жўраев (9. Жасур Азимов, 64), 7. Темур Исмоилов (77. Суннатилла Абдуллажанов, 69), 8. Ҳазрат Турсунқулов, 15. Владимир Бубанья, 22. Санжар Шоаҳмедов (11. Ҳумоюнмирзо Иминов, 46), 27. Ихтиёр Тошпўлатов, 44. Достон Турсунов, 88. Аброр Ҳусинов (66. Илҳом Алижонов, 46), 94. Рустам Абдуҳамидов, 99. Шаҳром Самиев (10. Мурод Бобожонов, 64).
**Огоҳлантиришлар:** Бенжемин Тейди (90), Умид Эргашев (90+4) - Аброр Ҳусинов (25), Ихтиёр Тошпўлатов (34), Мурод Бобожонов (76), Жасур Азимов (87).
**Назоратчи:** Темур Абдуллаев.
**Комиссар:** Ойбек Давлетмуратов.

*** **«Хоразм»** ўз тарихида Наманганда ҳали ғалаба қозонмаган.

Давоми 10-11-бетларда

Давоми. Бошланиши 6-9-бетларда

## Ўйиндан кейинги фикрлар

**Ҳаким Фузайлов («Хоразм» бош мураббийи):** - Жуда қийин бўлишини билгандик. Яхши старт олдик, аммо хатолар кузатилди, чарчоқ йиғилиб қолгандек туюлди. Бизда ҳам вазиятлар юзага келди. Тўп назоратига асосан футбол кўрсатишга уриняпмиз. Афсуски, бугун бу жабҳада «Навбаҳор»га бас келолмадик. Менимча, бугун мавсумдаги энг ёмон ўйинимиз кузатилди. Вазифа ҳали ҳам ўша - «Хоразм»ни Суперлигада олиб қолиш. Чемпионат фаворити? Айтиш қийин. Ҳар турда «камбэк» қилаётган ОКМК яхши кўринмоқда. Миржалол Қосимов ихтиёрида салоҳиятли ёшлар бор. Яна «Бунёдкор», «Насаф», «Пахтакор», «Навбаҳор» ва ҳатто «Динамо»ни ҳам ҳисобдан чиқариш ярамайди.




> ??

**Сергей Лушан («Навбаҳор» бош мураббийи):** - Қийин ўйин ва асабий якун. Йўқ, рақиб қандайдир жумбоқ бермади. Муаммо яна вазиятлардан фойдаланиш масаласида. Ҳужумчилар гол ура олишмаса, мудофаадагиларда асабийлик бошланади, ўйин бузилади. Майдон четида терлаб кетдим - ҳаво дим. Организм ўрганиши учун шундай об-ҳаво шароитига кўникиш керак. Танаффусда «гайка»лар озгина буралди. Айрим футболчилар кўрпани ўзларига тортишга уринишяпти. Буни ҳал қиламиз, албатта. Апрель ва май ойлари жуда тиғиз, шу босқичдан ўтиб олишимиз керак.

### «СЎҒДИЁНА» - «ШЎРТАН» - 1:1 (0:0)

**11 май.** Жиззах. «Марказий» стадиони. 1010 томошабин.
**Ҳакамлар:** Тўрабек Суюнов, Шоҳнур Йўлдошев, Сардор Умрзоқов, Севдиёр Ҳамроқулов.
**VAR ҳакамлари:** Ғайрат Жўраев, Александр Сидоров.
**Голлар:** Ислом Қобилов (90+5) - Отабек Аҳадов (77-авт.).
**«Сўғдиёна»:** 21. Муҳаммадюсуф Собиров, 3. Ислом Қобилов, 4. Отабек Аҳадов, 7. Хондамир Мустафоқулов, 8. Суҳроб Иззатов ( 18. Ойбек Нурматов, 70), 11. Саҳоб Рашидов (99. Умид Султонов, 60) 14. Люпче Дориев, 17. Эҳсони Паншанбе (42. Сардор Эркинов, 85), 19. Жавоҳир Қаҳрамонов, 23. Сардор Ҳошимов, 28. Станислав Андреев.
**«Шўртан»:** 1. Шоҳрух Эшбўтаев, 4. Улуғбек Худойбердиев, 6. Сирожиддин Қўзиев, 10. Темур Мамасиддиқов (22. Сардор Саъдуллаев, 58), 11. Далер Шарипов (18. Оғабек Асадов, 58), 14. Аброр Тошқўзиев, 15. Жўрабек Маннонов, 21. Муродхўжа Жабборов (7. Бекзод Сувонов, 73), 24. Дониёр Нарзуллаев, 33. Бекжон Раҳматов (99. Камрон Саидазимов, 46), 55. Азиз Пирмуҳаммадов.
**Огоҳлантиришлар:** Люпче Дориев (11), Саҳоб Рашидов (22) - Азиз Пирмуҳаммадов (45+6).
**Четлатиш:** Сардор Саъдуллаев (83, Ш.).
**Назоратчи:** Темур Галеев.
**Комиссар:** Шерзод Ражабов.

### ТУР ИҚТИБОСЛАРИ

- Кетма-кет 5та мағлубият ва бош мураббийсиз қолиш.. Бундай руҳий жарликдан чиқиб олиш учун 3-4 кун камлик қилади. **Артём Петросян** *(«Андижон» бош мураббийи в. б.).*

- Афсуски, бизда ёшлар жамоалари Суперлига ўйинидан кейин ўйнайди. Оқибатда ёшларни кўролмаймиз. Масалан, аввалига спектакль премьерасини қўйиб, кейин репитиция қилмайсиз-ку **Вадим Абрамов** *(«Динамо» бош мураббийи).*

- Агар вақтида 2-голни урганимизда ҳозир бу ерда умуман бошқача фикрлар янграрди. **Баҳром Ҳайдаров** *(«Қўқон-1912» бош мураббийи).*

- Агар яна бир қанча жиҳатлар тўғриланса, Суперлига суперчемпионатга айланади. **Илёс Зейтуллаев** *(«Бунёдкор» бош мураббийи).*

- «Насаф» шу даражага етди-ки, ҳозир дуранг ҳам ранжитяпти. Энди даражани тушириш мослигимиз керак. **Рўзиқул Бердиев** *(«Насаф» бош мураббийи).*

- Баҳсли вазиятларда ҳакамлар мезбонларга ён босишади - бу ҳам бир плюс. **Улуғбек Бақоев** *(«Бухоро» бош мураббийи).*

**«МАШЪАЛ» - «ҚИЗИЛҚУМ» - 2:2 (1:0)**

**11 май.** Ғузор. «Марказий» стадиони. 1311 томошабин.

**Ҳакамлар:** Хушнуд Суюнбоев, Аваз Абдуллаев, Бахтиёрхўжа Шавкатов, Анвар Исмоилов.

**VAR ҳакамлари:** Иброҳим Исмоилов, Санжар Шоюсупов.

**Голлар:** Ҳумоюн Муртозаев (21, 72) - Ален Машович (54, 67).

**«Машъал»:** 1. Умид Ҳамроев, 5. Самандар Очилов, 7. Ислом Баратов (9. Иброҳим Ғанихонов, 76), 8. Сардор Абдураимов (37. Шерзод Файзиев, 86), 10. Ҳумоюн Муртозаев, 15. Муҳаммадали Алиқулов, 19. Ислом Шарипов (18. Дилшод Раҳматуллаев, 76), 22. Нуржаҳон Музаффаров, 24. Авазхон Маматхўжаев, 28. Эргаш Исмоилов, 96. Иброҳим Нўъмонов (17. Анвар Муродов, 90+2).

**«Қизилқум»:** 1. Санжар Қувватов, 4. Илҳом Ваҳобов, 5. Дилшод Комилов, 8. Шаҳзод Раҳматуллаев, 11. Жамбули Жигаури, 15. Никола Кумбурович, 18. Фарҳод Бекмуродов (7. Даврон Анваров, 64), 70. Ален Машович (79. Диёр Раҳматиллоев, 82), 77. Файзулло Жуманқўзиев (10. Роман Папарига, 82), 88. Душан Мийич, 99. Элгужа Лобжанидзе.

**Огоҳлантириш:** Дилшод Комилов (29, Қ.).

**Назоратчи:** Виктор Серазитдинов.

**Комиссар:** Владимир Назаров.

### *Ўйиндан кейинги фикрлар*

**Никола Лазаревич («Қизилқум» бош мураббийи):** - Биринчи бўлимда жамоамизга фаоллик етишмади. Иккинчисида вазиятлар яратдик ва голлар урдик. Рақиб ҳам ажойиб футбол намойиш этди. Муаммолар, камчиликларни кўриб чиқамиз. Иккинчи бўлимда кўпроқ гол уришимиз мумкин эди. Суперлига тур ўйинлари олдидан қайси жамоанинг Про лигадан чиққани аҳамияти йўқолиб қолади. Легионеримиз чакки эмаслар, жисмоний ҳолатлари ҳам яхши.

**Асрор Алиқулов («Машъал» бош мураббийи):** - «Қизилқум»ни ўрганиб чиққандик, таркибида бўйдор футболчилар кўп. Иккинчи бўлим бошида сусткашликка йўл қўйганимиз қимматга тушди. Муҳими, охиригача курашдик ва яна гол урдик. Назаримда, дуранг ёмон натижа эмас. Рақиблардан чўчиётганимиз йўқ. Фақат озроқ ишонч етишмаяпти.

### ТЎПУРАРЛАР

**Игорь Сергеев** («Пахтакор») - **7та**
**Хуршид Ғиёсов** (ОКМК) - **6та** (2та пен.)
**Люпче Дориев** («Сўғдиёна») - **5та**
**Луис Качорри** («Бунёдкор») - **4та**
**Зоран Марушич** («Нефтчи») - **4та**
**Аббос Ғуломов** («Навбаҳор») - **4та...**

***

«Машъал» - «Қизилқум» ўйини Ғузордаги «Марказий» стадионида ўтказилди. Эслатма, 4 май куни 7 йиллик танаффусдан сўнг Суперлига ўйини Ғузорга қайтганди («Шўртан» - «Динамо» баҳси). Ўзбекистон кубоги гуруҳ босқичи 3-тури доирасидаги «Машъал» - «Олимпик» ўйини эса 14 май куни Муборакдаги «Баҳром Вафоев» стадионида бўлади.

***

ЎзФҲМ Эксперт ҳакамлар қўмитаси «Динамо» - «Сурхон» ўйинида кузатилган баҳсли ҳолатни тезкор равишда таҳлил қилди. 74-дақиқада «Сурхон»нинг голи ўйиндан ташқари ҳолат ташхиси билан ҳисобга олинмади. Ушбу ҳолатда лайнсмен «Динамо» ҳимоячиси билан тўп учун курашган футболчи «офсайд»да қолганини қайд этди. VAR тизими эса тасвир етарли бўлмагани ва керакли ракурслар танланмагани туфайли «офсайд»ни аниқлолмаган. Ўйиндан сўнг ҳар икки жамоа операторлари томонидан олинган тасвирларда ҳам вазиятни аниқ баҳолаш имкони бўлмаган. Хулоса: бу вазиятда ёрдамчи ҳакам кўрсатмасига асосан қарор қабул қилинган ва у ўзгаришсиз қолдирилган.

| | Жамоалар | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | ОКМК | 9 | 7 | 1 | 1 | 18-9 | 22 |
| 2 | НАСАФ | 9 | 5 | 4 | 0 | 17-6 | 19 |
| 3 | ДИНАМО | 8 | 5 | 3 | 0 | 9-3 | 18 |
| 4 | БУНЁДКОР | 9 | 4 | 4 | 1 | 13-7 | 16 |
| 5 | НЕФТЧИ | 8 | 4 | 3 | 1 | 13-10 | 15 |
| 6 | НАВБАҲОР | 9 | 4 | 2 | 3 | 15-11 | 14 |
| 7 | ПАХТАКОР | 9 | 4 | 0 | 5 | 19-10 | 12 |
| 8 | ҚЎҚОН-1912 | 9 | 3 | 3 | 3 | 7-9 | 12 |
| 9 | ҚИЗИЛҚУМ | 8 | 3 | 2 | 3 | 9-13 | 11 |
| 10 | МАШЪАЛ | 9 | 3 | 2 | 4 | 7-14 | 11 |
| 11 | СУРХОН | 9 | 3 | 1 | 5 | 7-11 | 10 |
| 12 | АНДИЖОН | 9 | 2 | 3 | 4 | 12-15 | 9 |
| 13 | СЎҒДИЁНА | 9 | 2 | 2 | 5 | 10-12 | 8 |
| 14 | ХОРАЗМ | 8 | 2 | 2 | 4 | 6-8 | 8 |
| 15 | БУХОРО | 9 | 2 | 0 | 7 | 9-20 | 6 |
| 16 | ШЎРТАН | 9 | 0 | 2 | 7 | 3-16 | 2 |

### 10-ТУР

**16 май (жума)**
20:00 «СУРХОН» - «СЎҒДИЁНА»
**17 май (шанба)**
18:00 «ҚЎҚОН-1912» - «НАСАФ»
20:00 «БУХОРО» - «ДИНАМО»
20:30 «ШЎРТАН» - «АНДИЖОН»
**18 май (якшанба)**
19:00 «БУНЁДКОР» - «НАВБАҲОР»
20:15 «ХОРАЗМ» - «МАШЪАЛ»
21:00 «ҚИЗИЛҚУМ» - «ПАХТАКОР»
**19 май (душанба)**
20:00 ОКМК - «НЕФТЧИ»

ПФЛ ва клубларнинг расмий саҳифалари, шунингдек, championat.asia, сайти маълумотларидан ҳам фойдаланилди

InterfutbolN Interfutbolofficial Interfutboluz Interfutbol.uz

## ОЗАРБАЙЖОН ФУТБОЛИ ФАХРИЙЛАРИ ТАШРИФИ

Озарбайжон футболи фахрийлари ўтган ҳафта юртимизга келишди. Меҳмонлар ташриф давомида ЎФА вакиллари ҳамроҳлигида Тошкент шаҳридаги Ҳайдар Алиев хайкали пойига гуллар қўйиб, таниқли давлат арбоби хотирасига ҳурмат бажо келтиришди. Озарбайжонликлар «Пахтакор» стадионида ўрнатилган ёдгорлик ва Боткин қабристонида 1979 йилги фожиали авиаҳалокат



қурбонига айланган жамоа аъзоларини ҳам хотирлашди. «Бунёдкор» академияси майдонида икки мамлакат фахрийлари ўртасида ташкил этилган дўстлик учрашуви эса 5:5 ҳисобида якунланди.

ЎФА раҳбарияти шунингдек, ўзбек футболи фахрийлари билан учрашди. Унда мамлакатимизда футбол ривожи йўлида узоқ йиллар меҳнат қилган фахрийлар фаолияти эътироф этилди. Жумладан, шу кунларда 80 ёшини қаршилаган Баҳодир Шораҳимовга футбол жамоатчилиги номидан узоқ умр, сиҳат-саломатлик тиланди.

## ЯНА БИР ТОП-ЛИГА ТРАНСЛЯЦИЯСИ

Ўзбекистон МТРК таркибидаги «Футбол-ТВ» ва «Спорт» телеканалларидан яна бир янгилик. Ушбу каналлар яқинда Германия Бундеслига-2025/2026 ўйинларини намойиш этиш ҳуқуқини қўлга киритганди. Энди Франция чемпионатининг янги мавсуми трансляцияси бўйича ҳам келишувга эришилди. Умуман олганда, Бундеслига ва Лига 1нинг жорий мавсуми якуний турларидан ўрин олган баъзи ўйинлар ҳам «Футбол-ТВ» ва «Спорт» телеканалларида намойиш этилади. Таъкидланишича, ҳозирда бошқа турнирлар намойиш ҳуқуқи масаласида музокара жараёни давом этмоқда.

## ЛЕГИОНЕРЛАР ФОИЗИ ҚАНДАЙ?

Европа мамлакатлари миллий чемпионатларида легионерлар салмоғи жуда юқори эканлиги ўз-ўзидан тушунарли. Жумладан, Англия Премьер-лигаси ва Италия «А» сериясида рўйхатдан ўтказилган футболчиларнинг 67,5 фоизини хорижликлар ташкил этишади. Шотландияда бу кўрсаткич 66 фоиз, Кипрда 62 фоиз, Францияда 61,8 фоиз, Португалияда 61,4 фоиз, Бельгия ва Грецияда 60 фоизга тенг. SamvelKarlenovich канали маълумотига кўра, мутлақ рекорд Андорра чемпионатига тегишли - 81,2 фоиз. Оддий айтганда, ушбу мамлакат лигасида ўйнаётган ҳар 5 нафар футболчидан 4 нафари легионер ҳисобланади. Бошқа минтақаларга қарасак, Африкада энг юқори кўрсаткич Ливия (28 фоиз), Ж.Америкада Чили (25,1 фоиз), Ш.Америкада АҚШ (59 фоиз), Осиёда БАА (46 фоиз) чемпионатига тегишли. Ўзбекистон Суперлигасида эса легионерлар салмоғи 17,4 фоизга тенг.

## «КЎРИНМАС МЕДАЛЬ» ФИЛЬМИ ТАҚДИМОТИ

ЎФА, МОҚ ва gazeta.uz ҳамкорлигида тайёрланган «Кўринмас медаль» кинофильми тақдимотида футболимиз мутасаддилари, футболчилар, уларнинг ота-оналари, ОАВ ва жамоатчилик вакиллари иштирок этишди. Ушбу картина Олимпиада-2024га тайёргарлик




ва шонли йўлга бағишланган. Тадбирда ЎФА биринчи вице-президенти Равшан Эрматов футбол жамоаси илк марта Олимпиадага йўлланма олиб, халқимизнинг узоқ йиллик орзусини амалга оширганини таъкидлади. «Кўринмас медаль» фильми воситасида Олимпиадагача босиб ўтилган йўлни кейинги авлодга намуна, мотивация сифатида кўрсатиш мақсад қилинган. Хуллас, картинада «Олимпик» клуби ташкил этилишидан тортиб, Париж Олимпиадасигача босиб ўтилган машаққатли йўл кенг ёритилган.

## ОЙИГА 30 МИНГ ДОЛЛАР...

90minutuz подкастининг навбатдаги сонида қатнашган собиқ ҳимоячи Шерзод Аъзамов бир қатор масалаларда очиқ-ойдин гапирди. У жумладан, клубларнинг легионер танлашига тўхталди. «Черан вақтида «Сўғдиёна» зўр легионерлар билан шартнома тузганини айтганди, ўшанда улар ҳали клуб сафига қўшилишмаганди ҳам. Драган уларнинг баҳоси баландлигини ҳам тилга олганди. Дейлик, Люпче Дориев «Сўғдиёна»га келганида, ойига 30 минг доллар миқдорида маош олган экан. «Сўғдиёна» ўша пайт Черанни ҳам ўз сафига чорлаган ва шунча маош бермоқчи бўлган. «Сўғдиёна»ни ўртамиёнадан юқорироқ жамоа сифатида кўрсак, у легионерлар бўйича зўр танлов қилди. Бошқа клублар ҳам 5 нафар легионер ўрнига Дориев каби футболчи олиб келсин ва унинг ўйинини кўришни хоҳлайлик. Масалан, Геворкян «Шўртан» ва «Пахтакор»да ўрнини тополмай, «Насаф»га ўтди ва 100-200 ёки 1000 нафар мухлис унинг ўйини учун стадионга тушарди». «Насаф» ва «Пахтакор»нинг собиқ футболчиси шунингдек, Суперлига жадвалининг якуний ҳолатини тахмин қилди: «Менимча, ўйин жиҳатидан ОКМК, «Насаф» ва «Динамо» кучли учликка лойиқ. Тахминимча, ОКМК ва «Насаф»нинг совриндор бўлиши аниқ. «Пахтакор»ни билмадим, лекин «Нефтчи» астойдил ҳаракат қилса, учталикка киради. Яна бир масала: бизда футболчи кашф этишни ўйлайдиган мураббийлар йўқ. Ҳеч бирида Аббос Файзуллаев каби йигитларни чиқариш борасида қараш мавжуд эмас. Чунки мураббий биладики, раҳбарият қарорига кўра, исталган вақт ишдан бўшатилиши мумкин».



## СЕЛЕКЦИОНЕРЛАР СЕМИНАРИ

7-8 май кунлари Тошкент шаҳрида ЎФА ҳузуридаги ҳудудий академиялар ва футбол мактаблари селекционерлари учун мўлжалланган семинарнинг 2-модули ўтказилди. Тадбирда селекционер-мураббийларга ёш иқтидорларни танлаш мезонлари ва янги методикалар юзасидан маълумот берилди. Семинарда жами 30 нафар мутахассис иштирок этди.

## АПРЕЛЬ ОЙИ ЛАУРЕАТЛАРИ МАЪЛУМ

ПФЛ хабарига кўра, «Пахтакор» ҳужумчиси Игорь Сергеев Суперлиганинг апрель ойидаги энг яхши футболчиси бўлди. Айтиш керак, миллий жамоамизга номзод ҳужумчи ўтган ой Суперлига ва кубок турнири доирасидаги 5та ўйинда 6та гол ва 1та ассист му-




аллифига айланди. Умуман, Осиё кубоги-2023даги жиддий жароҳатдан кейин жорий мавсум «Пахтакор»га қайтган футболчи жами 9та ўйинда «7+2» натижани қайд этди. Мураббийлар номинациясида «Насаф»нинг апрель ойидаги 6та ўйинида 5та ғалабани таъминлаган (1та мағлубият) Рўзиқул Бердиев ғолиб чиқди. Суперлиганинг апрель ойидаги энг чиройли голи муаллифига аталган соврин эса «Динамо» легионери Ратиньо (Журани Феррейра)га насиб этди.

## 16 МАЙГАЧА ЙИҒИН

Ўзбекистон аёллар терма жамоаси 8 май куни навбатдаги ўқув-машғулотлар жараёнига киришди. Котрина Кулбите шогирдлари 16 майга қадар Тошкентда шуғулланишади.

**Ўзбекистон аёллар терма жамоаси йиғинига чақирилган футболчилар**

Мафтуна Жонимқулова («Севинч»), Зарина Саидова («Бунёдкор-W»), Эъзоза Севинова («Севинч»), Севинч Қўчқарова (ОКМК-W), Лейла Ораниязова (ОКМК-W), Зарина Маматкаримова («Севинч»), Мафтуна Шоймова («Севинч»), Феруза Бобохўжаева («Бунёдкор-W»), Рухшона Олимжонова (ОКМК-W) Нозима Эргашева («Бунёдкор-W»), Ильвина Аблякимова («Бунёдкор-W»), Диёра Бахтиёрова («Бунёдкор-W»), Шаҳноза Деканбаева («Локомотив»-W), Умида Зоирова («Севинч»), Комила Зарипова (ОКМК-W), Асалхон Аминжонова (ОКМК-W), Дилнура Маматқулова («Сўғдиёна-W»), Нилуфар Қудратова («Севинч»), Диёра Ҳабибуллаева («Трабзонспор», Туркия), Меҳрибон Эгамбердиева («Севинч»), Людмила Карачик («Севинч»)

**Бош мураббий:** Котрина Кулбите (Литва)

**5-тур якунига келиб, Про лига турнир жадвалида якка пешқадам пайдо бўлди - «Локомотив». «Темирйўлчилар» ўз майдонларида мавсумни жуда яхши бошлаган «Арал» дарвозасига 2та жавобсиз гол уришди ва фаворит мақомига яраша соф 1-ўринга кўтарилишди. Нукус жамоаси аксинча, энди 3-қаторда.**

# «ЛОКОМОТИВ» ЯККА ЛИДЕР, НИҲОЯТ!

**«ОЛИМПИК» - ФАРДУ - 2:1 (0:0)**
**5 май.** Тошкент вилояти. «Дўстлик» стадиони. 422 томошабин.
**Бош ҳакам:** Хушнуд Суюнбоев.
**Голлар:** Жавоҳир Муборақов (53, 59) - Риза Айвазов (90+3).
**Огоҳлантиришлар:** Жавоҳир Муборақов (86), Илья Йеличич (88, О.).
**Четлатиш:** Ибод Абелфазов (88, Ф.).

**«ЖАЙХУН» - «ОЛИМПИК-MOBIUZ» - 0:1 (0:0)**
**6 май.** Нукус. NOPSTTM стадиони. 649 томошабин.
**Бош ҳакам:** Умид Нутфуллоев.
**Гол:** Муҳаммадали Реимов (48).
**Огоҳлантиришлар:** Жўрабек Жўраев (32), Рустам Фомин (56, О.).

**«ЛОКОМОТИВ» - «АРАЛ» - 2:0 (0:0)**
**8 май.** Тошкент вилояти. «Дўстлик» стадиони. 596 томошабин.
**Ҳакамлар:** Аскер Нажафалиев, Ойбек Бобоев, Хушнуд Исмоилов, Маъмур Илхомов.
**Голлар:** Акаки Шулая (58), Анзур Исмоилов (86).
**«Локомотив»:** 1. Раҳим Давронов, 2. Бобур Асқаров, 4. Момчило Расо, 5. Анзур Исмоилов, 9. Леван Арвеладзе, 17. Муҳриддин Зоиров (10. Шодиёр Шодибоев, 68), 23. Диёр Туропов (7. Қувонч Абраев, 78), 26. Абдуллоҳ Йўлдошев, 27. Озодбек Ўктамов (11. Акаки Шулая, 46), 31. Хосров Хананов, 99. Никола Попович.
**«Арал»:** 1. Низомиддин Зиёвуддинов (25. Шоҳжаҳон Насимов, 46), 2. Бекзод Аҳмаджонов, 4. Расул Мусаев, 5. Саламат Қутибоев (55. Муҳриддин Расулов, 35), 9. Иззатулла Қутибоев (17. Руслан Қалмағамбетов, 69), 15. Обид Жўрабоев, 21. Аъзам Алиев, 27. Зулпуқар Куанишбаев (7. Дамир Низанов, 80), 44. Муҳаммадали Намозов, 77. Иззатилло Абдулҳақов, 88. Бобур Фарҳодов (23. Собит Синдаров, 80).
**Огоҳлантиришлар:** Момчило Расо (25), Бобур Асқаров (90+2) - Саламат Қутибоев (19), Муҳриддин Расулов (34).
**Назоратчи:** Бобур Ҳайдаров.
**Комиссар:** Шаҳзод Холбоев.



«Темирйўлчилар» яққол фаворит эканликларини аста-секин исботлашмоқдалар...

| Жамоалар | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 ЛОКОМОТИВ | 5 | 4 | 0 | 1 | 11-4 | 12 |
| 2 ОЛИМПИК MOBIUZ | 5 | 3 | 1 | 1 | 5-4 | 10 |
| 3 АРАЛ | 5 | 3 | 0 | 2 | 9-4 | 9 |
| 4 ОЛИМПИК | 5 | 2 | 0 | 3 | 6-7 | 6 |
| 5 ФАРДУ | 5 | 1 | 1 | 3 | 3-6 | 4 |
| 6 ЖАЙХУН | 5 | 1 | 0 | 4 | 1-10 | 3 |

**ТЎПУРАРЛАР**
**Жавоҳир Муборақов** («Олимпик») - **4та**
**Иззатилло Абдулҳақов** («Арал») - **3та**
**Акаки Шулая** («Локомотив») - **3та**
**Муҳаммадали Реимов** («Олимпик MobiUz») - **2...**

**6-ТУР**
**17 май (шанба)**
«ЖАЙХУН» - «АРАЛ»
**18 май (якшанба)**
ФАРДУ - «ОЛИМПИК MOBIUZ»
«ЛОКОМОТИВ» - «ОЛИМПИК»

**ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?**

## МУКОФОТ ҲАМ БОР

Кеча (12 май) Тошкентдаги «Юнусобод» спорт мажмуасида футзал бўйича Ўзбекистон кубоги ярим финал учрашувлари бошланди. Эътиборлиси, ЎФФ мусобақа муросасиз ўтишини таъминлаш мақсадида рағбатлантирувчи мукофот жамғармасини таъсис этган. Унга кўра, ярим финалчилар 50 миллион сўмдан олишса, 2-ўрин соҳибига 100 миллион сўм берилади. Мамлакат кубоги соҳиби эса кубокдан ташқари, 200 миллион сўмга эга чиқади.

## ҲАКАМЛАР АКАДЕМИЯСИ РАСМАН ОЧИЛДИ

ЎФА қошида Ҳакамлар академияси ташкил этилаётгани ҳақида олдинроқ хабар берилганди. Академия расман иш бошлаши муносабати билан «Чиғатой» спорт базасида истиқболли ёш ҳакамлар иштирокида алоҳида учрашув ташкил этилди. Унда янги академиянинг асосий вазифалари, ўқув-дастурлари ҳамда ёш ҳакамларга яратилган имкониятлар ҳақида батафсил маълумот берилди. ЎФА биринчи вице-президенти Равшан Эрматов ушбу лойиҳа нафақат юртимиз, балки минтақада футбол ҳакамлиги тараққиётида муҳим ўрин тутишига ишонч билдирди. У шунинг баробарида бу ташаббус мамлакатимиз ҳакамлик тизимини жаҳон стандартларига мослаштиришга хизмат қилишини таъкидлади. Академия ёш ҳакамларга тажриба алмашиш, таҳлил қилиш ва доимий ўсиш имкониятини тақдим этадиган ўқув марказидир. Ҳакамлар академияси таълим жараёни 6та модулни ўз ичига олади. Жумладан, амалий машғулотлар орқали саралаб олинган 25 нафар ҳакам 6-12 май кунлари 1-модул дарсларида иштирок этди. Ўқув курсларини муваффақиятли якунлаган ҳакамлар Биринчи лига, Про лига, Суперлига ва ОФК таснифидаги турнирларда ишлаш учун тавсия этилади.

## 3-ЎРИН УЧУН ЎЙИНДА ИШТИРОК

11 май куни Сейшель оролларида ташкил этилган соҳил футболи бўйича ЖЧ-2025 якунига етди. Аҳамиятли томони, Сенегал ва Португалия термалари ўртасида 3-ўрин учун кечган ўйинда ҳамюртимиз, ФИФА рефериси Наим Қосимов 3-ҳакам ролини бажарди. Натижаларга келсак, чорак финалга чиққан Осиёнинг икки вакили - Эрон ва Япония термалари шу раундда курашни тўхтатди. Финалда эса бразилияликлар илк марта ҳал қилувчи ўйинда иштирок этган беларусликларни доғада қолдириб, жаҳон чемпионатининг 7 карра ғолибига айланишди.

**ЖЧ-2025 (пляж футболи) «плей-офф» ўйинлари**

**Чорак финал. 8 май**
Беларусь - Эрон - 4:3
Португалия - Япония - 7:6
Сенегал - Италия - 4:3
Бразилия - Испания - 6:0
**Ярим финал. 10 май**
Бразилия - Португалия - 4:2
Беларусь - Сенегал - 5:2
**3-ўрин учун. 11 май**
Сенегал - Португалия - 2:3
**Финал. 11 май**
Бразилия - Беларусь - 4:3

## ЎФАдан ОГОҲЛИК БОНГИ

Хабарингиз бордир, Ўзбекистон миллий жамоаси 5 июнь куни ЖЧ-2026 саралаши учинчи босқичи 9-тури доирасида БАА терма си меҳмони бўлади. Бўлажак ўйинга қизиқиш жуда юқори, зеро, ғалаба вакилларимизга мундиал йўлини расман очади. Ҳозирда айрим туристик компаниялар томонидан мухлисларга ўйин чипталари кафолатланган




тур пакетлар таклиф этилаётгани кузатилмоқда. ЎФА хабарида айтишилича эса, 5 июнь куни Тошкент вақти билан соат 21:00да Абу-Дабидаги «Ал-Наҳиён Стадиум» аренасида бошланадиган учрашув чипталари ҳали расман сотувга чиқарилмаган. «Мухлисларни «ўйин чиптаси кафолатланган» пакетларни харид қилишда ҳушёр бўлишга чақирамиз», - дейилди ЎФА хабарида.

## «ДИНАМО» U-21 ЖАМОАСИГА ТЕХНИК МАҒЛУБИЯТ

U-21 биринчилиги 9-туридан ўрин олган «Динамо» ва «Сурхон» ёшлар жамоалари ўртасидаги ўйин 10 май кунига белгиланган эди. Маълум бўлишича, «Динамо» 6 май санаси ПФЛга хат йўллаб, учрашувни Жиззахга кўчиришни сўраган. Бу эса «Суперлига ва Про лига регламенти»нинг 15.8-бандига зид (ўйинга 4 кун қолганида регламентда кўзда тутилмаган масала бўйича мурожаат). «Динамо»нинг мазкур таклифига «Сурхон» розилик билдирган бўлса-да, Лига регламентнинг 5.5-бандидан келиб чиқиб, ўйинни Термизда ташкил этиш масаласини илгари сурди. Бироқ термизликлар вақт тиғизлиги ва турли масалалар туфайли «Динамо»ни ўз майдонларида қабул қилолмасликларини маълум қилишди. Оқибатда «Динамо» U-21 жамоасига ўйин учун 0:3 кўринишида техник мағлубият ёзилди.

## «АРҚАДАҒ» - «ЧАҚИРУВ КУБОГИ» ЧЕМПИОНИ!

Туркманистон етакчи клуби «Арқадағ» ОФК клублар тизимидаги учинчи даражали турнир - «Чақирув кубоги» финалида «Свайренг» (Камбоджа)ни 2:1 ҳисобида доғда қолдирди. Туркманистон президенти Гурбангули Гурбангули Бердимуҳаммедов шарафига ташкил этилган клуб шу тариқа ОЧЛ-2 йўлланмасини қўлга киритди. Асосийси, «Арқадағ» турнирдаги иштирок ортидан жами 1,3 миллион доллар (16,7 миллиард сўм) ишлади.

Маълумот учун, 2005-2014 йиллар оралиғида ўтказилган «Чақирув кубоги» (ОФК президенти кубоги)да Туркманистон клублари («Небитчи» ва МТТУ) 2 марта зафар қучганди. Умуман, бу мусобақада Марказий Осиё вакиллари 9-марта чемпион бўлишди. Яъни Турманистоннинг 3та клубидан ташқари, «Регар-ТадАЗ» (Тожикистон) 3 марта, «Дордой» (Қирғизистон) 2 марта ва «Истиқлол» (Тожикистон) 1 марта бош соврин ютган. «Арқадағ» ғалабаси Туркманистон квотасини ҳам оширди:

«Арқадағ» - ОЧЛ-2 гуруҳ босқичи

«Аҳал» - ОЧЛ-2 саралаши «плей-офф» босқичи (мағлубиятга учраса, «Чақирув кубоги»га қўшилади)

«Алтин Асир» - «Чақирув кубоги» гуруҳ босқичи




**«ЧАҚИРУВ КУБОГИ»-2024/2025. ФИНАЛ**
**10 май**

«СВАЙРЕНГ» (Камбоджа) - **«АРҚАДАҒ» (Туркманистон) - 1:2 (0:0, 1:1, 0:0, 0:1)**
Пномпень (Камбоджа). 51610 томошабин.
**Голлар:** Криа (82) - Сапаров (59), Аннадурдиев (112).

Айтганча, Иорданияда «Ал-Ҳусайн», Баҳрайнда эса «Ал-Муҳаррақ» клублари чемпионликни қўлга киритиш асносида ОЧЛ-2 йўлланмасини ўз номига расмийлаштирди.

## АРНОЛЬД - ИРОҚ ТЕРМА ЖАМОАСИ БОШ МУРАББИЙИ

Австралиялик 61 ёшли мутахассис Грэм Арнольд Ироқ миллий жамоаси бош мураббийи лавозимига тайинланди. Ҳозирча шартнома бандлари ошкор этилгани йўқ. Арнольд фаолияти давомида Австралия миллий ва U-23 термалари, шунингдек, «Сидней» клубида ишлаган. У жумладан, Австралия термасини 68та ўйинда майдонга бошлаб тушиб,



39та ғалаба 10та дуранг ва 19та мағлубият қайд этган. Таъкидланишича, Люк Уилкшир ҳам Ироқ термаси штабида иш бошлайди. Катта эҳтимолки, Арнольднинг келажаги ироқликлар ЖЧ саралаши учинчи босқичини қандай якунлашларига боғлиқ. Эслатма, мундиалга чиқиш имкониятини сақлаб турган жамоа 5 июнь куни Ж.Корея термасини қабул қилади. 10 июнда эса Иордания термасига қарши сафар ўйинида майдонга тушади.

## «ШАБАБ-АЛ-АҲЛИ»ДАН «АЛ-АЙН»ГА

«Шабаб-Ал-Аҳли» клуби билан БАА чемпионига айланган Эрон миллий жамоаси ҳужумчиси Сардор Азмун фаолиятида яна ўзгариш кузатилса, ажабмас. Хабарларга қараганда, у Клублар ўртасидаги ЖЧда қатнашадиган «Ал-Айн» сафини тўлдиришга мойил.

## ИСПАНЧА УСЛУБ БИЛАН

БАА футболида истеъдодларни саралашда испанча услуб. Бето - Испанияда таълим олган ва Валенсия академиясида 3 йил ишлаган мураббий. У БАА футболига юзланиши билан янги муҳитга тез мослашиш учун араб тилини ўрганган. Бето шу тариқа БАА бўйлаб иқтидорларни аниқлаш тизимини яратган. Унинг ғояси бўйича дастлаб 12-14 ёшли футболчилардан иборат «элит гуруҳ» шакллантирилади U-15 терма жамоасига захира сифатида. Ҳозирги жамоа таркибидаги футболчилардан 80 фоизи айнан «элит гуруҳ» орқали танланган экан. Бетонинг ёндашуви оддий - барча истеъдодларга имкон бериш ва мунтазам кузатув орқали энг муносибларини саралаш.

# БИР «ЎЙИН» ТАРИХИ

**Интернетда ўсмирлар ўртасидаги Осиё мусобақалари видеоларини томоша қилиш жараёнида битта қизиқарли лавҳага дуч келдим. Бундан 9 йил олдин Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси дарвозабони Жасур Умрзоқов томонидан урилган гол видеоси ОФКнинг YouTube платформасида энг кўп кўрилган лавҳалар рўйхатида 2-ўринда экан. Шу факт ўлароқ, ушбу ғаройиб голнинг ўзига хос тарихи ҳақида ҳам озгина тўхталишни лозим топдим.**



КХДР ўсмирлари атайин жиддий курашгандилар - турнир сеткаси нуқтаи назаридан ҳийла...

2016 йили U-16 тоифасидаги Осиё кубоги финал босқичи Ҳиндистонда ўтказилади. Ушбу мусобақада Темур Олимхўжаев бошқарувидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси иштирок этганди. Вакилларимиз жой олган гуруҳда Таиланд, Яман ва КХДР терма жамоалари бор эди. Олимжўжаев шогирдлари дастлабки турда таиландлик тенгдошларига қарши майдонга тушиб, 5:3 ҳисобида устун келишади. Турнинг иккинчи баҳсида эса КХДР термаси Яман жамоасини 2:0 ҳисобида енгади. 2-турда жамоамиз Асадбек Собиржонов томонидан урилган ягона гол эвазига яманликлардан 3 очко тортиб олади. Корейслар эса Таиланд термасини ишонч билан маҳф этишади - 4:1. Хуллас, 3-тур олдидан гуруҳдан чиқувчи 2та жамоа аниқ бўлган, фақат қайси бирининг 1-ўрин орқали ўтишига ойдинлик киритиш қолганди:

1. ҚХДР - 6 очко (6-1)
2. Ўзбекистон - 6 очко (6-3)
3. Яман - 0 очко (0-3)
4. Таиланд - 0 очко (4-9)

Асосий ҳодисот шуки, чемпионликка асосий даъвогар сифатида эътироф этилган Ироқ термаси «С» гуруҳида кутилмаганда, тўплар нисбати бўйича 2-ўринни банд этади. Нисбатан заиф саналган Уммон термаси эса 1-ўрин орқали кейинги раундга чиқади. Хуллас, КХДР термаси ироқликлардан қочиш учун 3-турда ютқазиши керак эди. 1-ўриндан воз кечишнинг яна бир томони йўқ эмасди: агар қайсидир жамоа чорак финалда Ироқ термасини мағлубиятга учратса, ярим финалда гуруҳ ўйинларида нақ 21та гол урган японларга тўқнаш келарди. Бу ҳолат икки рақиб жамоада 1-ўринга нисбатан «нафрат»ни янада оширади. 3-тур тафсилотларига келсак, ўйин кутилганидек, жуда суст бошланади ва шундай давом этди. Бироқ 49-дақиқага келиб, дуранг натижа ҳам жамоаси зарарига ишлашини тушунган КХДР термаси кипери дарвозабонимиз Жасур Умрзоқов тепган тўпни атайин ўтказиб юборади - ўта кулгули гол. Ўзи хоҳламаган ҳолда ҳисобни очган жамоамиз қолган вақтда ҳужумкор футбол кўрсатади ва 3:1 ҳисобида ғалаба қозонади. «Плей-офф»нинг илк раундида эса ҳаммаси кутилганидек тус олади: бўлажак чемпион - Ироқ термаси вакилларимизни ортга ЖЧ йўлланмасисиз жўнатади. Ҳийла ишлатиб, гуруҳда 2-ўринни банд этган КХДР термаси эса чорак финалда Уммон жамоасини енгиб, жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритади, гарчи чемпионликка эришмаган бўлсада...

Манба: SamvelKarlenovich

InterfutbolN Interfutbolofficial Interfutbol.uz Interfutboluz

Давоми. Бошланиши газетамизнинг 35 (2247)-сонида.



- Агар Ўзбекистон футболи тўғри йўлдан кетса, бундан ҳамма фойда кўради. Танқид қиляпсанми, ўрнига муқобил вариантни илгари сур - бу ўзбек футболидаги ҳолатга ҳам мос келадиган эски ҳақиқат. Fergana.media ижодкорлари таниқли таҳлилчи, иқтисод ва ҳуқуқ соҳалари бўйича халқаро эксперт Алишер Аминов билан суҳбатда футболимиз атрофидаги масалаларни кенг муҳокамага қўйишди. Айтиш керак, ФИФА эксперти ҳисобланган Алишер Анатольевич вақтида Ўзбекистонда спортни ривожлантириш дастурини тайёрлаган ва бу борада мураккаб масалаларнинг аниқ ечимини таклиф этганди.

# АЛИШЕР АМИНОВ ФУТБОЛИМИЗ ИСТИҚБОЛИ ВА КАМЧИЛИКЛАРИ ҲАҚИДА

**- Шундай фикр борки, ЎФА президенти лавозимида ким ишлашидан қатъий назар, унинг умумий ҳолат юзасидан холис маълумотга эга бўлмаслиги асосий муаммолардан бири саналади...**

- Бу муаммонинг номи бор: қобилиятсизлик. Агар маълумот раҳбарга ўнлаб фильтрлар орқали ва кимларнингдир фойдасига талқин этилган ҳолда етиб борса, демак, бу унинг лаёқатли эмаслигини англатади. Аслида барчаси номзодни илгари сурганлар томонидан талаб қилиниши керак: раҳбар назорат ва мувозанат тизимини тушуниб, «тўғри» одамлар гуруҳи манфаати йўлида қарор қабул қилса, бас.

**- Клуб хўжайинлари қарор қабул қилиш тизимига қандай таъсир кўрсатишади?**

- Ҳеч қандай. Улар бутунлай «катта ўйин» қоидаларига қарамлар. Жумладан, трансферлар қоидалари, клублар ва футболчилар ўртасидаги муносабатлар даражаси, меъёр ва регламент масалаларида.

**- Шахсан сиз ПФЛ раҳбари ролида кимни кўряпсиз?**

- Ҳозирда ПФЛни собиқ журналист Диёр Имомхўжаев бошқармоқда. Қисқа вақт ичида ЎФА тизимида таъсири ҳозир ҳам сезилаётган кўплаб хатоларга йўл қўйган Умид Аҳмаджонов томонидан қўйилган кадр. Имомхўжаев журналист ролида ассоциацияни юмшоқлик билан танқид қиларди, лекин профессионал футбол бўйича тажриба ва махсус билимга эга эмасди. Назаримда, бугун мамлакат ичидан лига ишини яхшилай оладиган мутахассис топиш қийин. ПФЛнинг собиқ президенти Фарҳод Магометовда тажриба ҳам, билим ҳам бор, аммо ЎФА раҳбарияти бефарқ, яъни унга талаб йўқ. Яна Осиёнинг турли мамлакатларида мусобақалар ўтказиш бўйича катта тажриба тўплаган ЎФФнинг собиқ мутахассислари бор. Масалан, 10 йилдан буён ОФК тузилмалари, БАА ва Қатар федерацияларида муваффақиятли ишлаб келаётган Алишер Никимбаев. Аммо уни таклиф қилишлари даргумон. Чунончи, Алишер ўзбек футболи бошқарув тизимига хос миллий хусусиятларни яхши билади. Ўзини ҳурмат қиладиган мутахассис эса нотўғри тизим томонидан белгиланган доирада ишламайди. Тушунарлики, ассоциациянинг оператив фаолиятига масъул вице-президент Равшан Эрматов ўз ёнида ислоҳотларга мойил кучли менежерлар ишлашларини истамайди. Равшан - тизимнинг классик маҳсули. У шунчаки, бошқача бўлолмайди. Қисқаси, юқори малакали мутахассисларнинг ЎФАни четлаб ўтишаётганида ҳайратланарли томони йўқ.

**- Реал вариант топиш мумкинми?**

- Менимча, энг мақбул вариантлардан бири - Бундеслигани бошқаришда муваффақиятли тажриба тўплаган германиялик менежерларни таклиф қилиш.

**- Шундай мутахассислар билан танишмисиз?**

- Ҳеч ким олдимга қандайдир вазифа

қўйгани йўқ, лекин Германия футбол иттифоқи ва Бундеслига раҳбарияти билан мулоқотлар тажрибасидан келиб чиқиб, бемалол айтаман, муносиб мутахассисларни топиш мумкин. Бу ҳолатда ЎФА тубдан ўзгаришига тўғри келади: мустақил мутахассислар тушунчаларга асосланган мавжуд тузилмага қўшилмайдилар, аксинча, тартиб ўрнатиш учун жиддий чоралар кўрадилар. Тушунарлики, бундай жамоа арзонга тушмайди. Лекин кейинчалик харажатларни ортиғи билан қоплайдиган кучли лига ташкил этиш йўлида чиқимдан қочмаслик - нормал ҳолат. Хуллас, агар давлат маблағи сарфланадиган бўлса, уни «чап» томон - легионер-мураббийлар эмас, балки юқори малакали менежерларга йўналтириш лозим. ЎФА раҳбарияти бунга тайёрми? Менда катта шубҳа бор. Шунинг баробарида ЎФА раҳбарияти энди футбол мутахассислари тайёрлаш бўйича фундаментал дастур ишлаб чиқишни бошлаши керак. Тартибли ҳаракатлар ва қарорлар қисқа вақтда аниқ натижалар бериши мумкин.

**- Инқироз хавфи сурункали экан, клубларнинг молиявий барқарорлиги нималарга асосланиши керак?**

- Маҳаллий субъектлар ва давлат корхоналари маблағи ҳисобидан профессионал спорт жамоаларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида қонун ишлаб чиқиш зарур. Бундай ҳужжат давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг умумий тамойиллари, мазмуни, чора-тадбирлари ва ажратилган бюджет маблағидан фойдаланиш мониторинги механизмларини белгилайди. Бюджет шаффофлиги ФИФАнинг асосий талабларидан бири бўлиб, футбол ўзини-ўзи таъминлашига қаратилган стратегик тўғри йўналишдир. ЎФАнинг молиявий регламенти клублар фаолиятини моддий томондан қўллаб-қувватлаш тамойилларини белгиловчи асосий меъёрий ҳужжат бўлиши шарт. Хулоса ўрнида айтганда, молиявий регламент клубларни пул мукофоти миқдорини тартибга солиш (иш ҳақини чеклаш) тамойилига риоя этишга мажбур қилади. Регламент талаблари шунингдек, ЎФА юрисдикция органлари ва Ўзбекистонда ҳали ҳам яратилмаган Спорт арбитраж суди қарорларига риоя қилмаганлик учун клуб раҳбарлари жавобгарлиги тамойилини ҳам белгилайди. Бундан ташқари, молиявий регламент клуб раҳбарлари малакасини даврий текшириш, моддий назорат қўмитасини шакллантириш тартиби, тўлов қобилиятини мажбурий белгилаш принципини тартибга солади. Хуллас, бу клубнинг молиявий ва тўлов мажбуриятларини бажариш қобилиятини тасдиқловчи ҳужжатлар рўйхатини ўз ичига олади, футболчиларни сотиб олиш ва уларни ушлаб туриш харажатини чеклаш принципларини ўрнатади, яна кўплаб мутлақо зарурий ҳамда ўта фойдали қоида-меъёрларни белгилайди.

**- ЎФАнинг мутахассислар тайёрлаш билан боғлиқ таълим фаолияти масаласига бир неча марта тўхталгансиз. Сир эмас, охирги 10 йилда мураббийлар ва ҳакамлар тайёргарлиги даражаси кескин тушиб кетди. Қандай сабабларга кўра?**

- Сабабларни комплекс тарзда кўриб чиқиш керак. Дейлик, ОФК ва ФИФА томонидан ўтказилаётган мураббийлик таълими семинарлари савияси анча пасайди. Мамлакатда илмий-услубий ва илмий-тадқиқот ишлари бўйича ягона режа йўқ. Ихтисослаштирилган спорт ўқув юртида футбол кафедраси ўқитувчиларини тайёрлаш тизими даражаси юқори эмас юмшоқ айтганда. Илмий ва услубий адабиётлар танқид қилиш даражасида кам нашр этилмоқда, махсус конференциялар етарли эмас, профессионал мураббийлар иштирокидаги маъруза формати деярли унутилган. Умумий сарф-харажат фонида футбол фанига арзимас маблағ ажратилаётгани ҳақида гапириш ҳам уятли. Афсуски, Ўзбекистонда футбол назарияси ва методологиясида ном қозонган олимлар деярли қолишмади. Қолганларига ҳам талаб паст. Дейлик, футбол назарияси ва методологияси бўйича юқори савияли мутахассис Шамиль Исеев ўқув жараёнига жалб этилмайди, унинг роли терма жамоалар фаолиятини таҳлил қилиш билан чекланади...

Ҳакамларни тайёрлашда ҳам муаммолар бундан кам эмас. Биринчидан, ҳакамлар корпуси ПФЛ қаноти остида, яқин ўтмишнинг ажойиб рефериси Равшан Эрматов тайёргарлик жараёнига бевосита алоқадор эмас. Ўзбекистонлик энг яхши методикачи Фарҳод Абдуллаев бир неча йиллардан буён Саудия Арабистонида ишламоқда, мамлакат номидан фақат инструктор вазифасини бажармоқда. Ваҳоланки, у ҳакамларни тайёрлаш тизими ҳолатини жуда яхши тушунади. Эрматовнинг уринишларига қарамай, Абдуллаев қайтиш ниятида эмас, чунки уни на иш ва на моддий шароит билан таъминлашга тайёрлар.

***Давоми газетамизнинг кейинги сонларида***

InterfutbolN Interfutbolofficial Interfutbol.uz Interfutboluz

## ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ. БИРИНЧИ ЛИГА. 4-ТУР

### «ҒАРБ» МИНТАҚАСИ

**5 май**

**БУХДУ - ХОРАЗМ ФА - 2:0 (0:0)**
**Голлар:** Ислом Бойсариев (53-пен.), Чингиз Коиров (56).

**«НАСАФ-ФАРМ» - БУХОРО ФА - 2:2 (1:1)**
**Голлар:** Асадбек Рамилов (38), Яшнар Бердираҳмонов (73) - Суҳроб Раҳимов (17), Дилбек Толибоев (57).
**Четлатишлар:** Санжар Ўралов (6) - Сардор Иззатов (90).

**«АРАЛ АКАДЕМИЯ» - «ҚИЗИРИҚ» - 0:0**

**«КАТТАҚЎРҒОН» - «ҚУМҚЎРҒОН-1977» - 1:0 (0:0)**
**Гол:** Достон Ибрагимов (54-пен.).

**6 май**

**НАВОИЙ ФА - «ЛОЧИН» - 1:5 (0:4)**
**Голлар:** Меҳрож Қўлдошев (81) - Худоёрхон Саъдуллаев (15), Аслиддин Турсунпўлатов (22), Зафар Полвонов (32-пен., 40), Жавлон Одилов (75).


«Насаф-Фарм» - Бухоро ФА - 2:2

| Жамоалар | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 ЛОЧИН | 4 | 3 | 1 | 0 | 12-4 | 10 |
| 2 БУХДУ | 4 | 3 | 1 | 0 | 8-2 | 10 |
| 3 КАТТАҚЎРҒОН | 4 | 3 | 0 | 1 | 7-4 | 9 |
| 4 АРАЛ АКАДЕМИЯ | 4 | 2 | 1 | 1 | 3-3 | 7 |
| 5 ҚУМҚЎРҒОН-1977 | 4 | 2 | 0 | 2 | 5-3 | 6 |
| 6 ҚИЗИРИҚ | 4 | 1 | 2 | 1 | 2-4 | 5 |
| 7 БУХОРО ФА | 4 | 1 | 1 | 2 | 6-5 | 4 |
| 8 ХОРАЗМ ФА | 4 | 1 | 1 | 2 | 3-5 | 4 |
| 9 НАСАФ-ФАРМ | 4 | 0 | 1 | 3 | 2-8 | 1 |
| 10 НАВОИЙ ФА | 4 | 0 | 0 | 4 | 1-11 | 0 |

**ТЎПУРАРЛАР**

**Зафар Полвонов** («Лочин») **- 4та (1та пен.)**
**Сардор Хидирбаев** («Арал Академия») **- 3та**
**Достон Ибрагимов** («Каттақўрғон») **- 3та** (1та пен.)...

**5-ТУР**

**15 май (пайшанба)**
«ҚУМҚЎРҒОН-1977» - БУХДУ
**16 май (жума)**
ХОРАЗМ ФА - НАВОИЙ ФА
БУХОРО ФА - «КАТТАҚЎРҒОН»
**18 май (якшанба)**
«ҚИЗИРИҚ» - «НАСАФ-ФАРМ»
**19 май (душанба)**
«ЛОЧИН» - «АРАЛ АКАДЕМИЯ»

### «ШАРҚ» МИНТАҚАСИ

**5 май**

**«ПАХТАКОР-ФАРМ» - АНДИЖОН ФА - 0:0**

**6 май**

**ФАРҒОНА ФА - «ДЎСТЛИК» - 1:4 (1:2)**
**Голлар:** Азиз Иброҳимов (5) - Жавоҳир Алижонов (21), Сардор Асатиллаев (37), Адҳам Баҳодиров (61), Саидмурод Каримов (78).

**ОКМК-СЕМУРҒ» - «БОҒДОД» - 1:1 (0:0)**
**Голлар:** Отабек Бахтиёров (88) - Муҳаммадбилол Эшонқулов (81).

**7 май**

**«ЦЕМЕНТЧИ» - НАМАНГАН ФА - 1:0 (0:0)**
**Гол:** Шаҳбоз Қўчқоров (47).

**«ЛОКОМОТИВ БФК» - «НАВБАҲОР-ФАРМ» - 1:0 (1:0)**
**Гол:** Саидаббос Абдулҳафизов (44).
**Четлатиш:** Камрон Неъматжонов (34, Н.).


«Локомотив БФК»

| Жамоалар | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 ДЎСТЛИК | 4 | 4 | 0 | 0 | 13-5 | 12 |
| 2 ОКМК СЕМУРҒ | 4 | 3 | 1 | 0 | 10-3 | 10 |
| 3 АНДИЖОН ФА | 4 | 2 | 1 | 1 | 7-5 | 7 |
| 4 ЦЕМЕНТЧИ | 4 | 2 | 1 | 1 | 7-6 | 7 |
| 5 ЛОКОМОТИВ БФК | 4 | 2 | 1 | 1 | 6-7 | 7 |
| 6 БОҒДОД | 4 | 1 | 2 | 1 | 8-8 | 5 |
| 7 ПАХТАКОР-ФАРМ | 4 | 1 | 1 | 2 | 4-8 | 4 |
| 8 НАВБАҲОР-ФАРМ | 4 | 1 | 0 | 3 | 5-6 | 3 |
| 9 ФАРҒОНА ФА | 4 | 0 | 1 | 3 | 4-10 | 1 |
| 10 НАМАНГАН ФА | 4 | 0 | 0 | 4 | 3-9 | 0 |

**ТЎПУРАРЛАР**

**Жавоҳир Алижонов** («Дўстлик») **- 5та**
**Абдулвосид Восиджонов** («Боғдод») **- 3та**
**Исохон Йўлдошев** («Навбаҳор-фарм») **- 3та...**

**5-ТУР**

**15 май (пайшанба)**
«БОҒДОД» - «ЦЕМЕНТЧИ»
НАМАНГАН ФА - «ПАХТАКОР-ФАРМ»
**16 май (жума)**
«НАВБАҲОР-ФАРМ» - ОКМК СЕМУРҒ»
**17 май (шанба)**
«ДЎСТЛИК» - «ЛОКОМОТИВ БФК»
АНДИЖОН ФА - ФАРҒОНА ФА

## ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ. БИРИНЧИ ЛИГА. 4-ТУР

**«МАРКАЗ» МИНТАҚАСИ**

**6 май**

**ОҚ-ТЕПА» - «БУНЁДКОР-ФАРМ» - 1:2 (0:1)**

**Голлар:** Бобур Лапасов (59-пен.) - Давлатжаҳон Муҳиддинов (31), Диёр Қўзибоев (74).

**«АҲМЕДОВ» ФК - СИРДАРЁ ФА - 2:1 (2:0)**

**Голлар:** Асилбек Алиев (7, 45+2) - Аҳад Абдураҳмонов (60).

**Фойдаланилмаган пенальти:** Муҳаммадали Адҳамов (78, С.).

**7 май**

**«ЛОКОМОТИВ-ФАРМ» - «ЗАМИН» - 2:3 (0:2)**

**Голлар:** Муҳаммад Абдурашидов (60), Николас Акопов (85-пен.) - Абдувоҳид Охтоев (13, 27, 52).

**Четлатиш:** Иброҳим Қурбонов (90, Л.).

**ТОШКЕНТ ВИЛ. ФА - «ИШТИХОН» - 1:3 (0:2)**

**Голлар:** Амирхон Турдибоев (90+3) - Ғолиб Сарибоев (7), Сайёд Давронов (30), Амиржон Сафаров (84).

**8 май**

**«ЧИҒАТОЙ» - ЖИЗЗАХ ФА - 3:0 (0:0)**

**Голлар:** Ҳусан Акмуратов (53), Хуршид Файзиев (57), Азамат Абдурашидов (90+1).

InterfutbolN Interfutbolofficial

| | Жамоалар | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | ЧИҒАТОЙ | 4 | 4 | 0 | 0 | 12-3 | 12 |
| 2 | ЗАМИН | 4 | 3 | 1 | 0 | 12-5 | 10 |
| 3 | БУНЁДКОР-ФАРМ | 4 | 2 | 2 | 0 | 5-3 | 8 |
| 4 | ИШТИХОН | 4 | 2 | 0 | 2 | 8-6 | 6 |
| 5 | АҲМЕДОВ ФК | 4 | 2 | 0 | 2 | 4-4 | 6 |
| 6 | ОҚ-ТЕПА | 4 | 1 | 1 | 2 | 8-5 | 4 |
| 7 | ЛОКОМОТИВ-ФАРМ | 4 | 0 | 3 | 1 | 3-4 | 3 |
| 8 | ТОШКЕНТ ВИЛ. ФА | 4 | 1 | 0 | 3 | 4-14 | 3 |
| 9 | СИРДАРЁ ФА | 4 | 0 | 2 | 2 | 3-6 | 2 |
| 10 | ЖИЗЗАХ ФА | 4 | 0 | 1 | 3 | 1-10 | 1 |

**ТЎПУРАРЛАР**

**Азамат Абдурашидов** («Чиғатой») - **5та** (2та пен.)
**Абдувоҳид Охтоев** («Замин») - **3та**
**Асилбек Алиев** («Аҳмедов» ФК) - **3та...**

**5-ТУР**

**15 май (пайшанба)**

СИРДАРЁ ФА - «ЧИҒАТОЙ»

«БУНЁДКОР-ФАРМ» - «АҲМЕДОВ» ФК

**16 май (жума)**

ЖИЗЗАХ ФА - ТОШКЕНТ ВИЛ. ФА

**18 май (якшанба)**

«ЗАМИН» - «ОҚ-ТЕПА»

**19 май (душанба)**

«ИШТИХОН» - «ЛОКОМОТИВ-ФАРМ»

## ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ (ФУТЗАЛ). ЧОРАК ФИНАЛ

# БУГУН ФИНАЛЧИЛАР АНИҚЛАНАДИ

**Кеча Тошкентда футзал бўйича Ўзбекистон кубоги ярим финал ўйинлари илк ўйинлари бўлиб ўтди. Бугун эса жамоалар иккинчи тўқнашувда паркетга тушади. Эслатма, агар 2та ўйин натижаси бўйича барча кўрсаткичлар тенг келса, ғолиб томон пенальтилар серия орқали аниқланади. Дейлик, Бухорода бўлган чорак финал баҳсларида битта шундай ҳолат кузатилди. Яъни «Локомотив» - ОКМК жуфтлигининг ҳар икки ўйинида дуранг қайд этилди ва ярим финал чиптаси тақдирига пенальтилар серияси ойдинлик киритиб берди.**

**ИККИНЧИ ЎЙИНЛАР**

**7 май**

«ЛОКОМОТИВ» - **ОКМК - 2:2 (0:1)**

**Пенальтилар серияси - 3:4**

**Голлар:** Бобур Эргашев (35, 37) - Дониёр Тоҳиров (4), Музаффар Абдукаримов (28).

**Биринчи ўйин - 3:3**

«НЕФТЧИ» - **ВМВ - 0:8 (0:4)**

**Голлар:** Музаффар Аҳаджонов (4), Шаҳзод Саъдиев (6), Машраб Одилов (10), Муҳаммадали Ҳусанбоев (15), Алекс да Сильва (26), Бекзод Мирқосимов (30, 39), Серхио Родриго (33).

**Биринчи ўйин - 0:9**

**8 май**

«ПАХТАКОР» - **OIL STAR - 2:6 (2:5)**

**Голлар:** Жамолиддин Нормирзаев (6, 6) - Орзужон Асқаров (4, 11), Дониёр Саидов (9, 11), Артур Умуров (16, 29).

**Биринчи ўйин - 4:4**

«СУРХОН» - **SQB - 0:6 (0:2)**

**Голлар:** Акбар Усмонов (9, 16), Азиз Темиров (32), Хусниддин Илёсов (36), Дилмурод Шавкатов (36), Абдулборий Илёсов (40).

**Биринчи ўйин - 0:4**

---

**ЯРИМ ФИНАЛ**

**12-13 май (душанба-сешанба)**

ВМВ - ОКМК

OIL-STAR - SQB

**ФИНАЛ**

**2 июнь (душанба)**

**ТЎПУРАРЛАР**

**Музаффар Аҳаджонов** (ВМВ) - **14та**
**Хебберт Оливейра** (ВМВ) - **13та**
**Акбар Усмонов** (SQB) - **10та**
**Серхио Родриго** (ВМВ) - **10та**
**Аширбек Тўлқинов** (ВМВ) - **9та...**

# ЖЧ-2026 САРАЛАШИ - ТЎРТИНЧИ РАУНД МАСАЛАСИ

**ОФК миқёсидаги ЖЧ-2026 саралашида 4та йўлланма тақдирига ойдинлик киритиб берадиган учинчи босқич якунига яқинлашган сари кўпчилик кейинги босқич тартибига ҳам қизиқа бошлаши ўз-ўзидан тушунарли. Таниқли функционер Алишер Никимбаев шуни эътиборга олган ҳолда, ўз канали орқали ЖЧ-2026 саралаши тўртинчи раундига боғлиқ бир қатор саволларга жавоб берди.**

***

ОФК ҳудудидаги ЖЧ-2026 саралаши тўртинчи раунди ўйинлари марказлашган тизимда 2та мамлакатда ташкил этилиши белгиланган. ОФК аввалига мезбон томонларни жамоаларнинг учинчи босқичда тўплаган очколари миқдорига қараб аниқлашни ўйлаганди. Бироқ кейинчалик Мусобақалар ўтказиш қўмитасининг йиғилишида тўртинчи босқичга чиққан ҳар бир жамоага мини-турнир мезбонлик ҳуқуқини олиш учун ариза топшириш имкониятини бериш тўғрисида қарор қабул қилинди. Якунда мезбон мамлакатларни ОФК танлайди. Иштирокчи жамоалар эса қуръа олдидан ФИФА рейтингига асосан саватчаларга бўлинади. Савол: ОФК мезбон мамлакатларни қайси параметрлар бўйича танлайди? Бу аниқ масала:

*- Логистика (виза, бошқа мамлакатлардан рейслар)*

*- Жамоаларни қабул қилиш шароити (меҳмонхоналар даражаси)*

*- Стадионлар ва машғулотлар майдонлари*

Яна бир савол: тўртинчи раундда учинчи босқични 3-ўринда якунлаган 3та жамоа бир гуруҳдан жой олиши ҳам мумкинми? Мумкин. Учинчи босқичда бир гуруҳда ўйнаган икки жамоанинг яна ўзаро рақиб бўлиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас. ОФК Мусобақалар қўмитаси қарорида қуръа ташлаш жараёнида терма жамоалар ФИФА рейтинги бўйича саватчаларга бўлиниши кўрсатилган. Тўғри, учинчи босқичда битта гуруҳда ўйнаган жамоалар ажратилиши ҳам мумкин, аммо ҳозирча бу борада ҳеч қандай хабар йўқ. Келинг, учинчи босқичнинг ҳозирги ҳолатига кўра, саватчалар таркиби қандай бўлишини кўриб чиқайлик:

**1-саватча**

Қатар («А» гуруҳида 4-ўрин) - 55-ўрин

Саудия Арабистони («С» гуруҳида 3-ўрин) - 58-ўрин

**2-саватча**

Ироқ («В» гуруҳида 3-ўрин) - 59-ўрин

БАА («А» гуруҳида 3-ўрин) - 65-ўрин

**3-саватча**

Уммон («В» гуруҳида 4-ўрин) - 77-ўрин

Индонезия («С» гуруҳида 4-ўрин) - 123-ўрин

Демак, ҳозирги ҳолатда 3-ўрин эгаларининг битта гуруҳга тушишлари имкони йўқ. Лекин битта гуруҳ жамоалари яна ўзаро тўқнаш келиши мумкин.

***

Ўқувчидан савол: <u>«Янги Зеландия термаси қитъалараро «плей-офф» раундида қайси конфедерация вакили билан ўйнайди?»</u> Катта эҳтимолки, ўқувчи Янги Зеландия эмас, Янги Каледония термасини назарда тутган. Жорий саралаш «плей-офф» формати шундайки, жуфтликлар барча 6та иштирокчи аниқланганидан кейин маълум бўлади:

КОНКАКАФ - 2та жамоа

ОФК - 1та жамоа

АФК - 1та жамоа

КОНМЕБОЛ - 1та жамоа

ОкФК - 1та жамоа (Янги Каледония)

Форматга кўра, ФИФА рейтинги бўйича 2та энг яхши жамоа тўғридан-тўғри «плей-офф» босқичи финалига йўл олади. Қолган 4та жамоа эса аввалига ярим финал раундида ўйнайди. Хуллас, ҳозирча Янги Каледония термаси қайси конфедерация вакилига қарши ўйнашини айтиб бўлмайди.

***

Яна бир савол: <u>«БАА термасига қарши ўйиндан олдин Фабио Лима масаласида ФИФАга мурожаат қилолмаймизми? Хабарларга қараганда, у бошида Ўзбекистоннинг сохта паспорти билан БААда рўйхатдан ўтган. ЎФА ҳукумат билан келишиб, унинг паспорти чиндан ҳам сохталаштирилганини аниқлаб, ФИФАга расмий сўров ёки шикоят юбориши мумкинми? Бу исботланса, БАА термасининг қайсидир натижаларига таъсир қиладими (балки техник мағлубият)? Агар таъсир қилса, Лима фақат ўша сохта паспорт билан ўйнаган даврдаги баҳслargами ёки БАА паспорти билан ўйнаган кейинги учрашувлари ҳам ҳисобга олинади?»</u> Очиғи, ФИФАга Фабио Лима масаласида нега бирор нарса ёзишимиз кераклигини тушунмаяпман. У Ўзбекистон фуқароси сифатида «рўйхатдан ўтиш»ни 10 йил аввал тўхтатган. Демак, сохталаштириш ва унинг БАА терма жамоаси футболчиси сифатидаги ҳозирги ҳолати ўртасида ҳеч қандай

боғлиқлик йўқ. Ушбу жиноий воқеанинг тагига етишни истайдиган томон бўлса - бу Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот идоралари. Аммо текширув 10 йил олдин амалга оширилмаган экан, нега энди ўтмишни айлантириш керак? Майли, дейлик, Фабио да Лимани июнь ойигача қандайдир йўл билан рақкибнинг асосий таркибидан узоқлаштиришга уриниш керакдир. Лекин бу на ёрдам беради, на зарар келтиради. Шикоятнинг қонуний истиқболларини кўрмаяпман. Агар мақсад сохта ҳужжатлар келиб чиқишини тушунтиришни талаб этиш асносида шунчаки, ўйин олдидан футболчини, БАА ассоциациясини асабийлаштириш бўлмаса, албатта. Бу бизга керакми? Айтганча, қаердадир Фабио да Лимага сохта паспортни ўзим берганимни ўқисам, асло ҳайрон қолмайман. Вақтида БАА Про-лигасида ишлаганимда, маҳаллий футбол ассоциацияси ходимларига Ўзбекистон Солиқ қўмитаси сайти орқали гўёки Фабиога берилган рақамли паспортга эга киши шахсини қандай аниқлаш мумкинлигини батафсил тушунтирганман. Аммо БААда ҳам, Ўзбекистонда ҳам бу масалада сукут сақлашдан кимдир манфаатдор эди. Про-лигадан кетганим ва кейин БААни бутунлай тарк этганим сабабларидан бири шу эди. Ғоя бўйича терговни талаб қиладиганларнинг биринчи қаторида туришим керак эди, лекин бу вазиятни аллақачон ортга ташладим. Ҳаттоки, Фабио ва унга бошқа мамлакат эмас, Ўзбекистон паспортини берганлардан миннатдорман ҳам (дейлик, Жусилей Фаластин фуқароси эди, тушунишимча, яна сохта паспорт). Акс ҳолда, ҳали ҳам Амирликларда ишлаётган бўлардим ва мисол учун, ЖЧ-2022 ташкилий қўмитасига киролмасдим. Эсласангиз, «Капалак эффекти» номли фильм бор эди. Тизимга кичик таъсир қандай катта ва олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида, жумладан, бутунлай бошқа жойда. Мана, Фабио Лиманинг ҳикояси - мен учун шахсий «капалак эффекти».

***

Элита ОЧЛнинг янги мавсуми қачон бошланади? «Насаф» ва «Андижон» қачон ўйнайди? Элит ОЧЛ-2025/2026 «Ғарб» минтақаси гуруҳ босқичи 1-тури 15-16 сентябрь кунларига белгиланган. ОЧЛ-2да эса ўйинлар 16-17 сентябрь кунлари бошланади. Ҳар икки турнир гуруҳ босқичига август ойи ўрталарида қуръа ташланади.

***

ФИФА Қатарда ўтказиладиган ўсмирлар ўртасидаги ЖЧ-2025га қуръа ташлаш жараёнида терма жамоалар жой оладиган саватчалар таркибини эълон қилди. Ҳеч қандай янгилик йўқ, ҳаммаси айнан биз ҳисоблагандек: пасайиб борувчи коэффициентларни ўз ичига олган охирги 5та турнирдаги очколар йиғиндиси. Савол: 3та жамоа рейтинг бўйича тенг ҳолда, Ўзбекистон термаси нега Италиядан олдинда ва Марокашдан пастда? Гап шундаки, очколар тенг бўлса, устунлик энг яқин турнирда кўпроқ очко олган жамоага берилади. Келинг, 8,4 баллдан тўплаган Марокаш, Ўзбекистон ва Италия жамоаларини кўриб чиқайлик. 2023 йилги турнирда ушбу 3та жамоадан 2таси (Марокаш ва Ўзбекистон) иштирок этди. Демак, Италия термасининг бу икки жамоадан пастда туриши ўз-ўзидан аён. Энди Марокаш ва Ўзбекистон термаларининг ЖЧ-2023даги кўрсаткичларини солиштирамиз. Ҳар икки томон 2тадан ғалаба ва 1тадан дуранг қайд этган - 7 очко. Бундан олдинги турнирлар кўрсаткичларига қарасак, Марокаш ҳам, Ўзбекистон ҳам 1,4 баллни 2013 йили ишлаган. Бундай ҳолатда навбати билан конфедерацияларнинг алоҳида турнирдаги рейтингига қаралади. Шу критерия бўйича АФК устунликка эга: 2023 йили Африка жамоалари ўртача ҳисобда 8 очко, ОФК вакиллари эса 4,4 балл тўплаган. Шунинг учун Марокаш термаси юқорига қўйилган.

**ОК-2025 (U-16): куръадан олдинги саватчалар**

| POT 1 | POT 2 | POT 3 | POT 4 |
|---|---|---|---|
| Qatar | Korea Republic | Costa Rica | United Arab Emirates |
| Brazil | Morocco | Tajikistan | Portugal |
| France | Uzbekistan | Panama | Czechia |
| Mali | Italy | Indonesia | Republic of Ireland |
| Germany | Belgium | Korea DPR | Switzerland |
| Mexico | New Zealand | Côte d'Ivoire | Zambia |
| Argentina | Chile | Tunisia | Egypt |
| England | Venezuela | New Caledonia | Uganda |
| Japan | Croatia | Canada | Bolivia |
| Paraguay | Colombia | South Africa | Saudi Arabia |
| USA | Honduras | Austria | El Salvador |
| Senegal | Burkina Faso | Haiti | Fiji |

Алишер НИКИМБАЕВ, «Футболиум»

# «17+21» - БУ ЎША ШАКИРИ НАТИЖАСИ



Кўринишидан, Жердан Шакири ҳали-вери тўхтамоқчи эмас...

**Кечаги кун қаҳрамонларидан бири Жердан Шакири қадрдон клуби - «Базель» сафида Швейцария чемпионатини шунчаки, ёндирди, гўё. Диққат қилинг, 33 ёшли фахрий футболчи мавсум давомида «Гол+пас» тизими бўйича 38 очко тўплади: «17+21»! Асосийси, Жердан худди 2009 ва 2011 йиллардаги каби «олтин дубль» томон дадил одимламоқда, йўл-йўлакай чинакам шедевр голлардан коллекция ясамоқда санъат асари каби. Салмоқли факт: Шакири «Гол+пас» тизими бўйича Швейцария чемпионати рекордини такрорлади (30та ўйинда 15та гол ва 20та ассист). Муайян мавсумда 35та самарали ҳаракат - бу ушбу статистика юритила бошланган даврдан буён кузатилган энг яхши натижа. Швейцария лигасининг 2019/2020 йиллар мавсуми «Янг Бойз» либосида тўп сурган Жан-Пьер Нсаме айнан 35 балл (32та гол ва 3та ассист) тўплаганди.**

Ҳа, Жердан Шакири 33 ёшида ҳам чинакамига нур сочмоқда: Швейцария миллий лигасида чиройли голлар, заргарона узатмалар ва жонажон клуби «Базель» билан чемпионлик сари қадам. Шакири чиндан ҳам, кўп гол урмоқда, яна ўта нозик дид билан. Умуман, у айни пайт статистика бўйича Швейцария чемпионатининг энг яхши футболчиси бўлиб турибди. Дейлик, «Ивердон»га қарши кечган ўйин (5:0)да енгилгина гол уришдан ташқари, ассистентлик бобида «хет-трик»ка эришди. Жерданнинг умумий статистикаси эса кишини шунчаки, шошириб қўяди - 35та ўйинда 38та самарали ҳаракат (17та гол ва 21та ассист) - чемпионатнинг бош юлдузи мақомига мос эффект! Шакири шунинг баробарида ўта чиройли голлар уришни ҳам унутган эмас. Мухлислар унинг Швейцария миллий жамоаси либосида яратган шедевр мисоли голларини яхши эслашса керак. Мана, фахрий ҳужумкор ярим ҳимоячи 12 апрель куни «Цюрих»га қарши муҳим ўйинда «дубль» қайд этиб, жамоасининг 4:0 ҳисобидаги ғалабасига катта ҳисса қўшди. Айниқса, биринчи голи ҳақиқий дурдона асар бўлди. Рақиб ҳимоячиси Жерданни охиригача таъқиб этишга уринди, хавбек эса ўзига хос нафис ҳаракатлар воситасида дарвозага яқинлашиб, ўткир бурчакдан ўта кучли зарба йўллади. Якунда тўп дарвозабон ёнидан ўтиб, тўсинга тегди, кейин устун билан «ўпишди» ва тўрга «илинди». Фахрий футболчи 2024 йилнинг декабрь ойида эса стандарт вазиятлар бўйича ажойиб ижрочи эканлигини эслатганди. Ўшанда унинг кучли айланма зарбасидан «Сьон» клуби жабр чекди. Аниқроқ тавсифласак, Швейцария кубогидан ўрин олган баҳсда Шакири зарбасидан кейин тўп «жонли девор»ни айланиб ўтиб, устун ёнидан дарвозага кирди, кипер эса шунчаки, томошабин ролини бажарди. Умуман, Жердан жорий мавсум 4та жарима зарбасидан 3та гол урди - ажойиб. Жердан айни пайт Швейцария чемпионатининг энг яхши тўпурари (15та гол) ва ассистенти (20та самарали узатма) бўлиб турибди. Голда иштирок этиш масаласида унга чинакам рақобатчи йўқ. Мисол учун, асосий таъқибчиси Мирослав

Стеванович («Серветт») 34та ўйинда 19 балл ишлади (10та гол ва 9та самарали узатма). Шакирини эса олдинда «плей-офф» ўйинлари ва 1 июнь кунига белгиланган «Биль-Бьен»га қарши кубок финали кутмоқда.

«Базел»га келсак, клуб Швейцария лигаси асосий босқичида «Серветт»ни нақ 9 очко ортда қолдириб, 1-ўринни эгаллади ишонч билан. Шакири жамоаси шунингдек, мамлакат кубоги финалига йўл олди. Қисқаси, Шакирида 14 йиллик танаффусдан кейин ўз юртида яна бир бора «олтин дубл»ни нишонлаш имконияти катта. Айтиш керак, Жердан «Базел»га қайтиш учун 2024 йилнинг ёзида «Чикаго Фэйр» билан манфаатли шартномасини бекор қилди. Қадрдон клубида унга дарҳол 10-рақамли футболкани топширишди. Футболчи эса қайтишини оддий изоҳлади: «Ҳозир тўлиқ ғурурни ҳис қиляпман. Албатта, «Базель» либосини қайта кийганимдан бағоят хурсандман. Болалигимдан клубга боғланганман, ўзаро чуқур муносабатларга эгамиз. Аввалига оддий мухлис эдим, кейин футболчи сифатида унутилмас лаҳзаларни бошдан кечирдим. Айнан «Базел»да шаклландим, халқаро даражада танилдим. Энди фаолиятим якунигача шу ерда ўйнашни, мухлисларни яна ва яна қувонтиришни хоҳлайман. «Базель» - янги тажриба ва имкониятларни ўрганиш учун яхши вариант».

Эслатма, Жердан «Базель» сафидаги дебютини 2009 йилнинг июль ойида «Сент-Галлен»га қарши лига ўйинида нишонлаганди. 17 ёшли йигитча илк голини эса яна бир неча ҳафтадан кейин Европа Лигаси саралашида «Рейкьявик» дарвозасига урганди 3:1 ҳисобида хотима топган учрашувда. Умуман, дарҳол асосий таркибдан жой олган бақувват ярим ҳимоячи секин-аста тезликни оширади ва атиги 1-2 ойдан кейин етакчилик ролига даъвогарлик қила бошлайди. Мухлислар эса йигитчанинг ўйинларидан ҳайратланиб, унга тезда чиройли лақаб беришади - Shaq-Attack. Умуман, Шакири биринчи мавсумдаёқ 7та гол ва 5та ассист қайд этиб, жамоа билан «олтин дубл»ни расмийлаштиради. Кейинги мавсум индивидуал томондан янада самарали чиқади: 7та гол ва 10та ассист. Жумладан, ЧЛда «Рома»га қарши кечган ўйинда гол ва самарали узатма. «Базель» эса якунда чемпионлик унвонини ҳимоя қилади, аммо кубок турнири чорак финалида Иккинчи лига вакили «Биль-Бьен»га 1:3 ҳисобида имкониятни бой бериб, курашдан чиқиб кетади - кутилмаган омадсизлик. Дарвоқе, Шакири ўша азобли ўйинни захирада кузатганди. Учинчи мавсумга келиб, Шакири Швейцария чемпионатидаги илк даври учун энг юқори самарадорликни қайд этади: «Гол+пас» тизими бўйича «9+12» ва кўплаб ҳал қилувчи зарбалар. «Базель» эса «Люцерн»ни 20 очко даражасида ортда қолдириб, навбатдаги чемпионликни қўлга киритади, қўшимчасига кубок финалида ҳам шу рақибни доғда қолдиради. 2012 йилга келиб, топ-клублар ортиқ кутолмайди ва пойгада «Бавария» устун келиб, ўша даврнинг энг умидли ёш ярим ҳимоячиларидан бири учун чамаси 12 миллион евро тўлайди. Жердан трансфер амалга ошган вақт атиги 20 ёшда эди.

Шакири фаолияти давомида «Бавария»дан ташқари, «Ливерпуль» ва «Интер»да ҳам ўйнади. Тўғри, Мюнхен ва Ливерпулда 3 йил ушланиб қолган бўлса, «нерадзурралар» сафида атиги ярим мавсум тўп сурди. Муҳими, ярим ҳимоячи Швейцария миллий жамоасида қойилмақом йўлни босиб ўтди. Дейлик, Европа чемпионати финал босқичида 5та гол уриб, Швейцария термаси рекордини ўрнатди. Асосийси, терма жамоалар миқёсидаги йирик турнирларни супергоооллари билан безади. Дейлик, ЖЧ-2014дан бошлаб, ҳар бир йирик мусобақа (жаҳон ва Европа чемпионати)да гол урди. Евро-2024дан кейин эса терма жамоадаги фаолиятини якунлади. У Швейцария термаси тарихидаги тўпурарлар рўйхатининг 4-ўрнида, ўйинлар сони бўйича эса 3-қаторда.

**Факт.** Жердан Шакири 2017/18 йиллар мавсумидан кейин Швейцария чемпионатида қаторасига 2та ўйинда 3тадан ассист қайд этган биринчи футболчи бўлди.

**Швейцария миллий жамоаси тарихидаги тўпурарлар**

1. Александар Фрай - 42та гол
2. Макс Абеглен - 34та гол
   Кубилай Тюркильмаз - 34та гол

**4. Жердан Шакири - 32та гол**

**Швейцария миллий жамоаси гвардиячилари**

1. Гранит Жака - 135та ўйин
2. Рикардо Родригес - 127та ўйин
3. Жердан Шакири - 125та ўйин

Манба: sports.ru, Жаҳонгир МИРЗО тайёрлади

## ЧЛ-2024/2025. ЯРИМ ФИНАЛ. ЖАВОБ ЎЙИНЛАРИ

*** **«Интер»** ва **«Барселона»** клублари ярим финалнинг 2та ўйинида жами 13та гол урди. Бу турнир тарихидаги энг сермаҳсул ярим финал тўқнашувларидан биридир. «Ливерпуль» ва «Рома» ўртасидаги мавсум-2017/2018 ярим финалида ҳам 13та гол қайд этилганди (5:2 ва 4:2)

*** **«Интер»** 972 кундан буён ЧЛнинг уй ўйинида мағлубиятни тан олмаяпти. «Нерадзуррилар» ўз майдонларида охирги марта 2022 йилнинг 7 сентябрь куни «Бавария»га 0:2 ҳисобида ютқазишганди.

*** «Интер» **Симоне Инзаги** бошқарувида 4та ўйиндан буён «Барселона»га ютқазмаяпти - 2та ғалаба ва 2та дуранг.

*** **Лаутаро Мартинес** ЧЛнинг муайян мавсуми «Интер» учун энг кўп гол урган футболчилардан бирига айланди - 9та. Мавсум-2002/2003да Эрнан Креспо шундай натижага эришганди.

*** **Дензель Дюмфрис** («Интер») ЧЛ ярим финалида 5та самарали ҳаракат (2та гол ва 3та ассист) тўплаган биринчи ҳимоячи бўлди. Турнир тарихида фақат Алессандро Дель Пьеро (6та самарали ҳаракат) ва Роберто Фирмино (5та самарали ҳаракат) шундай ёки яхшироқ кўрсаткич қайд этган.

*** **Генрих Мхитарян** («Интер») 4та клуб билан 5 марта еврокубоклар финалига чиққан биринчи футболчи бўлди.

*** **Франческо Ачерби** («Интер») еврокубокларда илк марта гол урди. 37 ёшли футболчи ҳисобида ЧЛнинг 36та ва ЕЛнинг 30та ўйини бор.

*** **«Барселона»** 10 йилдан буён ЧЛ финалини кўрмаяпти. «Блаугрfavorite» охирги марта 2015 йили финалга чиққан ва турнир ғолибига айланган эди. Қолаверса, Ханс-Дитер Флик жамоаси ЧЛда кетма-кет 3та ўйинда ғалаба қозонолмади - 2та мағлубият ва 1та дуранг.

*** **«Барселона»** ярим финалнинг 2та ўйинида 7та гол қўйиб юборди - бу охирги 12 йилда кузатилган энг ёмон натижа. Каталонияликлар мавсум-2012/2013 ярим финалида «Бавария»дан айнан 7та гол қабул қилишганди (0:4 ва 0:3). Умуман, «Барселона» жорий мавсум ЧЛда 24та гол қўйиб юбориб, ўз тарихидаги антирекордни янгилади. Жамоа 1999/2000 йиллар мавсумида 23та гол қабул қилганди.

*** **Ламин Ямал** («Барселона») ЧЛ ярим финалида 14та муваффақиятли




Бундай драма турнир тарихида илк марта кузатилди-ёв...

### ҲАФТА ҚАҲРАМОНИ - ЯН ЗОММЕР («ИНТЕР»)

«Барселона»га қарши учрашувда 14та «сэйв» амалга ошириб, «Интер»нинг финалга чиқишига катта ҳисса қўшган дарвозабон Ян Зоммер ЧЛда ҳафтанинг энг яхши футболчиси сифатида эътироф этилди. Швейцариялик кипер махсус сўровда «ПСЖ» ҳимоячиси Ашраф Ҳакимидан кўпроқ овоз тўплади.

**6 май**

**ИНТЕР** (Италия) - БАРСЕЛОНА (Испания) - **4:3 (2:0, 1:3, 1:0, 0:0)**

**Голлар:** Лаутаро Мартинес (21), Чалханоглу (45+1-пен.), Ачерби (90+3), Фраттези (99) - Эрик Гарсия (54), Ольмо (60), Рафинья (87).

**Ўйиннинг энг яхши футболчиси:** Ян Зоммер («Интер»).

**Биринчи ўйин - 3:3**

**7 май**

**ПСЖ** (Франция) - АРСЕНАЛ (Англия) - **2:1 (1:0)**

Париж. «Парк-де-Пренс» стадиони. 47511 томошабин.

**Бош ҳакам:** Феликс Цвайер (Германия).

**Голлар:** Фабиан Руис (27), Ҳакими (72) - Сака (76).

**Фойдаланилмаган пенальти:** Витинья (69, П.).

**ПСЖ:** Доннарумма, Ҳакими, Маркиньос, Пачо, Нуну Мендеш (Рамуш, 88), Жоау Невеш,

дриблинг ишлатди. Бу борада турнир рекорди Лионель Мессига тегишли - 2008 йили «Барса» сафида «МЮ»га қарши ўйинда 16та омадли уриниш.

*** **Рафинья** («Барселона») жорий ЧЛда «Гол+пас» тизими бўйича 21 балл (13та гол ва 8та ассист) тўплаб, Криштиану Роналдуга тегишли турнир рекорди (мавсум-2013/2014да 17 гол ва 4та ассист)ни такрорлади. Фарқи шуки, Рафинья бу натижага 14та ўйинда эришди, Роналду эса 11та баҳсда. Умуман, Рафинья жорий мавсум клуби ва терма жамоаси сафидаги жами 60та ўйинда 36та гол ҳамда 23та ассист тўплади.

*** **«ПСЖ»** ЧЛда 2-марта финалга чиққан Франциянинг биринчи клуби бўлди. Парижликлар 2020 йили ҳал қилувчи ўйинда «Бавария»га 0:1 ҳисобида имкониятни бой беришганди. Луис Энрике жамоаси жорий мавсум «квадрупл» (4та соврин) қайд этиш имкониятига эга. Ҳозирга қадар 2та турнир (Франция чемпионати ва мамлакат суперкубоги)да зафар қучган клубни Франция кубоги ва ЧЛ финаллари кутмоқда.

*** Жорий ЧЛда «Гол+пас» тизими бўйича 12 балл (8та гол ва 4та ассист) тўплаган **Усмон Дембеле** бу борада «ПСЖ» рекордини ўрнатди.

*** **«Арсенал»** қаторасига 4-марта турли кубок турнирлари ярим финалида омадсизликка учради. «Канонирлар» бунга қадар ЕЛ-2020/2021, Англия лига кубоги-2021/2022 ва 2024/2025нинг шу босқичида курашни тўхтатишганди. Лондон клуби қаторасига 2-мавсумни совринсиз якунлайди. Қолаверса, «Арсенал» 19 йилдан буён ЧЛ финалига чиқолмаяпти. Жамоа 2006 йили турнирнинг ҳал қилувчи ўйинида «Барселона»га ютқазганди (1:2).

*** 23 ёшли **Букайо Сака** («Арсенал») ЧЛдаги 18-ўйинида 10та гол маррасига етди. Турнир тарихида англияликлардан фақат Гарри Кейн 10та гол учун бундан камроқ ўйин (12та) сарфлаган.

*** ЧЛ тарихида илк марта осиёлик 2 нафар футболчи икки жамоа сафида финалга йўл олди - эронлик **Меҳди Тареми** («Интер») ва кореялик **Ли Кан Ин** («ПСЖ»). Демак, 17 йиллик танаффусдан сўнг Осиё футболи вакили турнир ғолибига айланади. ЧЛда осиёликлардан охирги марта кореялик Парк Жи Сун («МЮ» билан 2008 йили) зафар қучганди. Финалда ўйнаган Осиёнинг охирги вакили - Сон Хюн Мин («Тоттенхэм», 2019 йил).

*** ЧЛ ярим финалида **5 нафар испаниялик** футболчи гол урди - бу турнир рекорди. Яъни ярим финалда муайян мамлакатдан 5 нафар футболчининг гол уриши илк марта кузатилди.

*** ЧЛ финали охирги 5 йил бадалига илк марта **Англия** ёки **Испания** клубларисиз ўтади.

## ҲАФТА РАМЗИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ

**Дарвозабон:** Ян Зоммер («Интер»)

**Ҳимоячилар:** Ашраф Ҳакими («ПСЖ»), Маркиньос («ПСЖ»), Франческо Ачерби («Интер»), Жерар Мартин («Барселона»)

**Ярим ҳимоячилар:** Николо Барелла («Интер»), Френки де Йонг («Барселона»), Фабиан Руис («ПСЖ»)

**Ҳужумчилар:** Ламин Ямал («Барселона»), Хвича Кварацхелия («ПСЖ»), Лаутаро Мартинес («Интер»)

Витинья, Фабиан Руис, Барколя (Дембеле, 70), Дуэ (Лукас Эрнандес, 74), Кварацхелия.
**Арсенал:** Райя, Тимбер (Уайт, 83), Салиба, Кивер, Льюис-Скелли (Калафьори, 68), Томас Парти, Райс, Эдегор, Сака, Мерино, Мартинелли (Троссард, 69).
**Огоҳлантиришлар:** Нуну Мендеш (18), Кварацхелия (86) - Райс (26), Льюис-Скелли (56), Калафьори (86), Сака (86).
**Ўйиннинг энг яхши футболчиси:** Ашраф Ҳакими («ПСЖ»).
**Биринчи ўйин - 1:0**

**ФИНАЛ**

31 май. Мюнхен. «Альянц Арена» стадиони.
ПСЖ - ИНТЕР

**ТЎПУРАРЛАР**

**Гирасси** (Боруссия Д.) - **13та**
**Рафинья** (Барселона) - **13та**
**Левандовски** (Барселона) - **11та**
**Кейн** (Бавария) - **11та**
**Лаутаро Мартинес** (Интер) - **9та**
**Усмон Дембеле** (ПСЖ) - **8та...**

## ЕЛ-2024/2025. ЯРИМ ФИНАЛ. ЖАВОБ ЎЙИНЛАРИ

**8 май**
БУДЁ-ГЛИМТ (Норвегия) - **ТОТТЕНХЭМ** (Англия) - **0:2 (0:0)**
Будё. «Аспмюра» стадиони. 8030 томошабин.
**Бош ҳакам:** Маурицио Мариани (Италия).
**Голлар:** Соланке (63), Педро Порро (69).
**Будё-Глимт:** Хайкин, Шевольд, Мое (Эукленн, 72), Гуннерсен, Бьоркан, Эвьен, Берг, Сальтнес (Нильсен, 72), Бломберг (Серли, 61), Хауге (Мяаття, 84), Хег (Хельмерсен, 61).
**Тоттенхэм:** Викарио, Педро Порро, Ромеро, ван де Вен, Удожи, Кулушевски, Биссума, Бентанкур, Жонсон (Сарр, 68), Соланке, Ришарлисон (Тель, 61).
**Огоҳлантиришлар:** Хег (26) - Жонсон (33), Викарио (66).
**Биринчи ўйин - 1:3**

◆• **«Тоттенхэм»** 31 йиллик танаффусдан сўнг ЕЛ/УЕФА кубоги финалига йўл олди. «Шпорлар» мавсум-1983/1984нинг ҳал қилувчи ўйинида «Андерлехт»дан устун келиб, бош совринни қўлга киритишганди.

◆• **«МЮ»** жорий мавсум ЕЛда 35та гол урди. Бу турнир тарихидаги 3-юқори маҳсулдорликдир. Рекорд ЕЛ-2010/2011да «Порту» томонидан ўрнатилган - 37та гол («Челси» эса мавсум-2018/2019да 36та гол урган). «МЮ» шунингдек, жорий мавсум еврокубокларда мағлубиятсиз одимлаётган ягона клубдир. Рубен Аморим жамоаси ЕЛнинг 14та ўйинида 9та ғалаба ва 5та дуранг қайд этди.

◆• **«МЮ»** 62 мавсум бадалига «Олд Траффорд»даги ўйинларда мавсум бўйи илк марта 40та гол қўйиб юборди «Қизил иблислар» охирги марта 1962/1963 йиллар мавсуми ўз майдонларида бундан кўпроқ гол қабул қилишганди.

◆• **Бруну Фернандеш** («МЮ») жорий мавсум 17-марта голга ассисттентлик қилди. Португалиялик ярим ҳимоячининг мавсум-2024/2025даги умумий статистикаси: 53та ўйинда 19та гол ва 17та самарали узатма.

◆• **Мэйсон Маунт** «МЮ»да илк бора «дубль» қайд этди. У иккинчи голини деярли майдон марказидан урганини ҳам айтиш ўринли.

◆• **«МЮ»** ва **«Тоттенхэм»** бу мавсум 4-марта тўқнаш келадиган бўлди. Олдинги 3та ўйинда ҳам «шпорлар» ғалаба қозонишган: АПЛда - 3:0 ва 1:0, Англия Лига кубогида - 4:3.

◆• Келаси мавсум ЧЛда **АПЛ**дан 6та жамоа қатнашиши ойдинлашди. Зеро, ЕЛ ғолиби («МЮ» ёки «Тоттенхэм») ҳам асосий евротурнирга кўтарилади. Шу тариқа ЧЛ тарихида илк марта муайян чемпионатдан 6та клуб иштирок этадиган бўлди.

**МЮ** (Англия) - АТЛЕТИК (Испания) - **4:1 (0:1)**
Манчестер. «Олд Траффорд» стадиони. 73298 томошабин.
**Бош ҳакам:** Даниэль Зиберт (Германия).
**Голлар:** Маунт (72, 90+1), Каземиро (80), Хойлунд (85) - Хаурегисар (31).
**МЮ:** Онана, Линделёф (Амасс, 81), Магуайр, Йоро, Мазрауи (Шоу, 62), Каземиро (Майну, 81), Угарте (Маунт, 62), Доргу, Бруну Фернандеш, Хойлунд, Гарначо (Диалло, 62).
**Атлетик:** Агирресабала, Горосабель (де Маркос, 62), Йерай Альварес, Унай Нуньес, Берчиче, де Галаррета (Прадос, 61; Весга, 73), Хаурегисар, Жало (Олабаррьета, 62), Унай Гомес (Гурусета, 67), Беренгер, Саннади.
**Огоҳлантиришлар:** Мазрауи (25), Каземиро (59), Доргу (90+1) - Хаурегисар (39), Унай Нуньес (78), Беренгер (78), Саннади (89).
**Биринчи ўйин - 3:0**




➤ «Қизил иблислар» ЕЛда бошқача шиддат кўрсатишмоқда, чиндан ҳам...

**ФИНАЛ**
**21 май (чоршанба)**
ТОТТЕНХЭМ - МЮ
Бильбао (Испания). «Сан-Мамес» стадиони.

Interfutbol.uz Interfutboluz

**ТЎПУРАРЛАР**
**Фернандеш** (МЮ) - **7та**
**Хег** (Будё-Глимт) - **7та**
**ал Кааби** (Олимпиакос) - **7та**
**Хойлунд** (МЮ) - **6та**
**Омородион** (Порту) - **6та**
**Осимхен** (Галатасарой) - **6та...**

## КЛ-2024/2025. ЯРИМ ФИНАЛ. ЖАВОБ ЎЙИНЛАРИ

**8 май**
**ЧЕЛСИ** (Англия) - **ЮРГОРДЕН** (Швеция) - **1:0 (1:0)**
Лондон. «Стэмфорд Бриж» стадиони. 32464 томошабин.
**Бош ҳакам:** Жоау Пиньейру (Португалия).
**Гол:** Дьюзбери-Холл (38).
**Челси:** Йоргенсен, Гюсто, Адарабиойо, Бадяшиле, Кукурелья (Меука, 46), Ачимпонг, Рис Жеймс (Чалоба, 70), Уолш, Дьюзбери-Холл, Санчо (Антви, 70), Жорж.
**Юргорден:** Ринне, Косуги, Тенхо, Уне-Ларссон (Алемайеху, 63), Берг, Финндельль (Сельфвен, 86), Свенссон (Вученович-Перссон, 81), Гулликсен (Атли, 86), Хаарала (Даниэльссон, 63), Токмак Нгуен, Приске.
**Огоҳлантиришлар:** Адарабиойо (17) - Свенссон (53).
**Биринчи ўйин - 4:1**

ФИОРЕНТИНА (Италия) - **БЕТИС** (Испания) - **2:2 (2:1, 0:0, 0:1, 0:0)**
Флоренция. «Артемио Франки» стадиони. 21252 томошабин.
**Бош ҳакам:** Гленн Нюберг (Швеция).
**Голлар:** Гозенс (34, 42) - Антони (30), Абде Эззалзули (97).




**Андалусия клуби энди ўз тарихида илк марта еврокубоклар финалида ўйнайди...**

◆• **«Челси»** 2021 йилдан буён илк марта еврокубоклар финалида ўйнайди. Жамоа ўшанда ЧЛ финалида «Манчестер Сити»ни 1:0 ҳисобида енгиб, 4-еврокубокни қўлга киритганди.

◆• Мануэль Пеллегрини бошқарувидаги **«Бетис»** ўз тарихида илк марта еврокубоклар финалига чиқди. Бунга қадар Кубок эгалари кубоги чорак финали Андалусия клуби учун энг яхши натижа эди. Яна бир факт: «Бетис» еврокубоклар финалида Испания номидан ўйнайдиган 12-клубдир. Испания шу билан Германияга тенглашиб олди. Биргина Англияда финалчилар кўпроқ - 15та клуб.

◆• Бразилиялик вингер **Антони** «Бетис» сафида кетма-кет 3та ўйинда гол урди.

**Фиорентина:** де Хеа, Додо (Кольпани, 106), Понграчич (Заньоло, 106), Комуццо, Раньери, Гозенс (Бельтран, 95), Мандрагора, Ёсин Адли (Ричардсон, 46), Фажоли (Фолоруншо, 88), Гудмундссон (Паризи, 95), Мойзе Кин.
**Бетис:** Виейтес, Сабали (Бельерин, 87; Пабло Гарсия, 114), Бартра (Нобель Менди, 58), Натан, Рикардо Родригес, Кардосо, Ло Чельсо (Абде Эззалзули, 58), Иско, Антони, Бакамбю (Альтимира, 91), Форнальс (Руибаль, 91).
**Огоҳлантиришлар:** Додо (43), Понграчич (77), Ричардсон (77), Мойзе Кин (84), Фажоли (87), Раньери (99), Фолоруншо (110) - Форнальс (43), Натан (84), Руибаль (99), Виейтес (120+3).
**Биринчи ўйин - 1:2**

---

**ФИНАЛ**
**28 май (чоршанба)**
БЕТИС - ЧЕЛСИ
Вроцлав (Польша). «Вроцлав» стадиони.

**ТЎПУРАРЛАР**
**Пюлюлю** (Ягеллония) - **8та**
**Бакамбю** (Бетис) - **7та**
**Гиу** (Челси) - **6та**
**Кучис** (Целе) - **6та**
**Н'Кунку** (Челси) - **5та**
**Мандрагора** (Фиорентина) - **5та...**

**ZAKOVAT - ТУРЛИ-ТУМАН БОШҚОТИРМАЛАР ГАЗЕТАСИ!**




**Газетада бериладиган турли хил бошқотирмалар орқали билимингизни синаш билан бирга бўш вақтингизни мазмунли ўтказишингиз мумкин. Бундан ташқари, ZAKOVATда ибратли ҳикоятлар, пурмаъно мақолалар, турли соҳадаги рекордлар ва ичакузди латифалар ҳам ўрин олган.**

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 328**

**25 апрель куни Астанадаги «Астана Арена» стадионида жаҳон ва Қозоғистон футболи афсоналари терма жамоалари ўртасида ўртоқлик-шоу ўйини ташкиллаштирилди ва унда одатдагидек, дўстлик ғалаба қозонди - 2:2. Тадбирни ёритиш мақсадида қозоқ диёрига ташриф буюрган Россиянинг championat.com нашри ижодкорлари ўйиндан олдин Нидерландия миллий жамоаси собик ярим ҳимоячиси Кларенс Зеедорфни интервьюга чорлашди.**



## Кларенс ЗЕЕДОРФ:

# «АНЧЕЛОТТИ - БУЮК МУТАХАССИС, «РЕАЛ» БУНИ ҲЕЧ ҚАЧОН ИНКОР ЭТМАЙДИ»

**- Ташқи кўринишингизда катта ўзгариш йўқ, ваҳоланки, яқинда 49 ёшни қарши олдингиз. Бу жисмоний машғулотлар таъсирими ёки генетикага боғлиқ ҳолат?**

- На униси ва на буниси. Шунчаки, ҳамиша соғлом турмуш тарзига қатъий амал қиламан. Ҳаётда ҳар доим фаол бўлиш ва қувноқ юришга одатланганман. Шунинг баробарида танамга етарли даражада ғамхўрлик қилишни ҳам биламан. Масалан, умуман ичмайман, чекмайман. Қисқаси, ҳаётдан тўлиқ завқланиб яшайман.

**- Дейлик, охирги марта қачон сигарета тутангансиз?**

- Ишонмаслигингиз мумкин, лекин ҳақиқат шуки, ҳатто ўсмирлигимда ҳам бирор марта тамакини синаб кўрган эмасман.

**- Гавда тузилишингизга қарасак, спорт залига тез-тез бориб турадиган одамга ўхшайсиз...**

- Ҳа, шундай. Ҳозиргача спорт билан шуғулланаман, фақат меъёрида. Эҳтимол, футболчилик фаолиятим давомида спорт залида кўпроқ ишлагандирман, лекин бутсаларимни михга илганимдан кейин ҳам бу жараённи тўхтатиб қўймадим. Мисол учун, айни пайт ҳафтасига камида 2-3 марта спорт залига бораман. Ташқи кўринишимга келсак, қайтараман, бу фақат спорт билан мунтазам шуғулланиш маҳсули эмас. Эҳтимолки, ташқи кўринишимда тўғри овқатланиш, тўғри яшаш ва стрессни муносиб енгиб ўтиш ҳиссаси кўпроқдир...

**- Нима, футболчилик фаолиятингиздан кейин ҳам стресс билан курашишга тўғри келган ҳолатлар бўлдими?**

- Албатта, ахир ҳамма маълум даражада стрессга дуч келиши мумкин. Зеро, ҳаёт фақат футболдан иборат эмас. Шундай экан, баъзан кундалик ҳаётда ҳам қандайдир муаммоларга юз тутасиз, муҳими - уларга тик қараш ва тўғри ечим топиш. Қисқаси, ҳар қандай муаммони ўрнида ижобий ҳал этишга уринаман.

**- Футболчи сифатида ЧЛнинг 4 карра ғолибига айлангансиз 3та клуб билан (*«Аякс» билан мавсум-1994/1995да, «Реал» билан мавсум-1997/1998да, «Милан» билан мавсум-2002/2003 ва 2006/2007да*). Айтингчи, ҳар бири алоҳида**

**тарих саналган ушбу ғалабалардан қай бири сиз учун энг муҳими ва қадрлиси?**

- Айтганингиздек, ЧЛдаги ҳар бир зафар муайян тарихдир. Демакки, ҳар бирининг ўзгача сарлавҳа билан бошланадиган воқеликлари бор. Оддий айтганда, турли ёшда турли жамоалар билан бошдан кечирилган такрорланмас саргузаштлар, унутилмас хотиралар... Бундан ташқари, ғалабаларда қайсидир клуб тарихидан жой олишдек ғурур ҳам бор.

**- Айнан қайси маънода?**

- Масалан, ёш-лигимда йирик турнирларда қўлга киритилган совринларнинг аҳамиятини унча тушунмаганман. ЧЛдаги ғалабаларга оддий қараганим ҳам рост. Кейинчалик барчасини теранроқ англадим. Қаранг, «Аякс» нақ 30 йилдан буён ЧЛда ғалаба қозонолмаяпти, демакки, 1995 йилги турнирда чиндан ҳам, ўта жиддий вазифа уддасидан чиқиб, тарихга татигулик совринни қўлга киритганмиз. Шунинг баробарида ўша буюк ғалаба воситасида клуб тарихига ўчмас муҳр босганмиз. Қайтараман, ўша вақтда қандай ишни амалга оширганимизни тушунмаганмиз.

**- Бундай воқелик 1998 йили «Реал» билан ҳам такрорланган эди...**

- Ҳа, ҳаммасини яхши эслайман, ўша мавсумдаги муваффақиятга қадар «Мадрид» ҳам 30 йилдан кўпроқ вақт давомида ЧЛ тахтига чиқолмаганди. Шундан кейин эса «Реал» қайтди ва турнирда мунтазам равишда ғалаба қозонишга одатланди, ҳақиқий қиролга айланди. Кейинчалик «шалпангқулоқ» кубокни «Милан» билан ҳам 2 марта қўлга киритдим. Агар Истанбулда «Ливерпул»га қарши кечган ўйинда аср трагедияси рўй бермаганида, «шалпангқулоқ»ни 3 марта ютишимиз ҳам мумкин эди. Хуллас, футболчи қўлга киритган совринлари ва натижаларини вақт ўтгани сайин чинакамига қадрлар экан. Айниқса, бир неча йиллардан сўнг мухлисларнинг ғалабага нисбатан муносабатларини кўрганида.

**- Энди Россияда ўтказган ўйинларингиз ҳақида сўрашга ижозат берсангиз. Айтингчи, рус футболи ҳақида гап очилса, хаёлингизга дастлаб нималар келади?**

- 1998 йили «Реал» сафида Россия клубларига қарши кечган ўйинларимизни яхши эслайман. Дейлик, Москвада «Спартак»нинг жиддий қаршилигига дуч келгандик. Аксига олиб, ўша куни ҳаво жуда совуқ эди, адашмасам, -20 даража атрофида. Яширмайман, совуқ таъсирида ўйин тезроқ тугашини хоҳлаганмиз. Ҳа, олдинлари ҳам совуқ об-ҳаво шароитида ўйнагандик, аммо Россиядаги изғирин бошқача эди. Умуман олганда, бир қатор россиялик-лар билан танишман ва ҳалигача ўзаро муносабатимиз яхши.

**- Фаолиятингизда йўлларингиз кесишган футболчилар ҳақида гапиряпсизми?**

- Йўқ, фақат улар ҳақида эмас. Россияда бошқа соҳага дахлдор дўстларим ҳам бор. Спортнинг гўзаллиги шу - бутун дунё бўйлаб айланасиз ва турли миллат вакиллари билан танишасиз. Бу жараёнда миллат ва байроқ иккинчи масалага айланади.

**- Жиянингиз, 24 ёшли ҳимоячи Квентин Зеедорф жорий йил бошида София «Славия»сидан Россия чемпионати Биринчи дивизиони иштирокчиси «Балтика»га ўтиши мумкин эди. Лекин трансфер сўнгги паллада амалга ошмади...**

- Очиғи, бундан ўзим ҳам бироз ҳайрон қолдим. Квентин ҳали ёш ва жуда иқтидорли футболчи. Аммо бизга унинг тиббий кўрсаткичлари қониқарли эмаслигини айтишди.

**- Демак, кўрикдан ўтолмаган, шундайми?**

- «Балтика»га жиддий клуб сифатида қарагандик. Лекин жамоа раҳбарлари келажакда жиянимнинг саломатлиги билан боғлиқ муаммо рўй беришидан чўчишди, шекилли. Тўғриси, бу шахсан мен учун бироз ғалати туюлди. Чунки фаолиятим давомида бундай ҳолатни ҳеч қачон учратмагандим. Билганим шуки, Квентин мутлақо соғлом, ғайратли ва истеъдодли йигит. Ўйлайманки, у бир неча йил ичида юқори даражага кўтарилади.

**- Қизиқ, вақтида Россия клубларидан ҳам бирор марта таклиф олганмисиз?**

- Это‘О «Анжи»да ўйнаган пайт менга ҳам қизиқишганди, лекин аниқ таклиф тушмаган.

**- Замонавий футболдан ўйин услуби бўйича сизга ўхшаш бирор футболчини ажратиб кўрсата оласизми?**

- Шуни ишонч билан таъкидламоқчиманки, ҳар бир футболчи ўзига хос фазилат, устунлик ва камчиликларга

Давоми 32-бетда

**ЖАҲОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ФУТБОЛИ АФСОНАЛАРИ ЎЙИНИ**

**ҚОЗОҒИСТОН - ЖАҲОН ТЕРМАСИ - 2:2**

***25 апрель.*** *Астана. «Астана Арена» стадиони.*

***Голлар:*** *Азат Нургалиев (2та) - Гаиска Мендьета, Димитар Бербатов.*

***Жаҳон афсоналари термаси:*** *Виктор Байя, Марко Матерацци, Хавьер Занетти, Кристиан Заккардо, Дуглас Майкон, Жей-Жей Окоча, Димитар Бербатов, Сержиньо, Клод Макелеле, Халилу Фадига, Кларенс Зеедорф, Эстебан Камбьяссо, Гаиска Мендьета, Фернандо Морьентес.*

**Давоми. Бошланиши 30-31-бетларда**

эга. Шундай экан, футболчиларни ўзаро таққослашдан маъно йўқ, айниқса, турли давр вакилларини.

**- «Реал»нинг собиқ футболчиси сифатида айтингчи, клубнинг жорий мавсумдаги муваффақиятсизликлари сабаби нима?**

- Тўғриси, «Мадрид»нинг уйинида айтишга арзирли жиддий камчиликни кўрмаяпман. Биргина факт шуки, футболда ҳар доим нуқул ғалаба қозонишнинг иложи йўқ. Унутмаслик керак, «Мадрид» замонавий футболда жуда кўп совринларга эришди. Карло Анчелотти эса бир қатор рекордларни янгилади. Эҳтимол, жорий мавсум жамоада нимадир ўхшамаётгандир, аммо «Қироллик клуби» ҳамиша совринлар учун курашда фаворит бўлиб қолаверади.

**- Охирги хабарларга қараганда, «Реал» тез орада Карло Анчелотти билан хайрлашади...**

- Ҳа, буниси ачинарли. Эҳтимол, чиндан ҳам, унинг «Мадрид»даги саргузаштлари тугаётгандир. Лекин «Реал»да амалга оширган ишлари учун Анчелоттига нисбатан ҳурматни сақлаш шарт. Менимча, дон Карло ЧЛ тарихидаги энг яхши мутахассислардан биридир. У жумладан, «Реал Мадрид»ни қайта оёққа турғазиш асносида ЧЛда ғолиб чиқди. Тасаввур қиляпсизми? Ҳа, баъзи одамлар бошқаларнинг муваффақиятсизлигини кўришдан завқланишади, лекин унутмаслик керак, ҳаётда ҳеч ким ва ҳеч бир жамоа доимий равишда ғалаба қозонолмайди. Балки «Реал» ҳозир янгича ғоя ва ислоҳотларга эҳтиёж сезаётгандир. Аммо клуб Анчелоттининг буюк мутахассис эканлигини ҳеч қачон инкор этмайди.

> - Қаранг, «Аякс» нақ 30 йилдан буён ЧЛда ғалаба қозонолмаяпти, демакки, 1995 йилги турнирда чиндан ҳам, ўта жиддий вазифа уддасидан чиқиб, тарихга татигулик совринни қўлга киритганмиз. Шунинг баробарида ўша буюк ғалаба воситасида клуб тарихига ўчмас муҳр босганмиз. Қайтараман, ўша вақтда қандай ишни амалга оширганимизни тушунмаганмиз.

**Манба: championat.com, Х.ЮСУПОВ тайёрлади**



# ТЕЛЕҲУҚУҚЛАР СОТУВИ: АПЛ - КОСМОС!

**ТЕЛЕҲУҚУҚЛАР ДАРОМАДИ**

| | | |
|---|---|---|
| **АПЛда** | | |
| 18 | ЛУТОН | €149,8M |
| 19 | БЕРНЛИ | €142,9M |
| 20 | ШЕФФИЛД | €142,4M |
| **«А» серияда** | | |
| 1 | ИНТЕР | €101,0M |
| 2 | МИЛАН | €87,4M |
| 3 | ЮВЕНТУС | €86,7M |

Англия Премьер-лигаси жаҳон футболида мутлақ етакчи эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Нафақат томошабоплик ва рақобат, балки футбол атрофидаги ишлар нуқтаи назаридан ҳам. АПЛ айниқса, трансляция масаласида жуда-жуда илгарилаб кетгани - айни ҳақиқат!

Рақобат юқори даражадами, ўйинлар томошабопми, трансляция ҳуқуқига харидорлар топилади, албатта. Ҳа, Европанинг кучли 5та лигасини олсак, ҳар бири ТВ-ҳуқуқлар ортидан жуда кўп пул топади. Фақат шуниси борки, АПЛ ва бошқа лигалар ўзаро таққосланса, ўртада фарқ жуда катта. АПЛ бу борада - космос! Ўтган мавсум АПЛ аутсайдерлари телеҳуқуқлардан «А» серия етакчиларига нисбатан кўпроқ улуш олишганининг ўзи умумий манзарани кўрсатиб турибди.

Эътибор қаратинг, АПЛда 20-ўринни банд этган «Шеффилд Юнайтед» Италия чемпиони - «Интер»дан нақ 41,4 миллион евро кўпроқ ишлабди. Қойил! Бундан нима чиқади? «А» серияда шоҳ бўлгунча АПЛда гадо бўл». Шундайми?

**«Ливерпул»ни АПЛда енгилгина чемпионлик сари етаклаган нидерландиялик Арне Слот бир қатор эътиборли натижалар қайд этди. Дейлик у лига тарихида дебют мавсумидаёқ тахтга кўтарилган 6-мураббий бўлди.**

# ИЛК УРИНИШДАЁҚ ОЛТИН МАРРА!




Арне Слот - АПЛда чемпионлик нашидасини сурган нидерландиялик биринчи мураббий...

Ҳа, «Ливерпуль» бошқарувини ўтган йилнинг ёзида қўлга олган Арне Слот дебют мавсумини АПЛ чемпионлиги билан безади. Эслатма, «қизиллар» лиганинг 34-турида «Тоттенхэм»ни йирик ҳисоб (5:1)да доғда қолдириш асносида муддатидан олдин Англия чемпионига айланишди. АПЛ тарихига назар солсак, Слотдан олдин атиги 5 нафар мураббийга клубдаги биринчи мавсумидаёқ чемпионликни нишонлаш насиб этганди. Булар - Жозе Моуриньо («Челси» билан мавсум-2004/2005да), Карло Анчелотти («Челси» билан мавсум-2009/2010да), Мануэль Пеллегрини («Манчестер Сити» билан мавсум-2013/2014да), Клаудио Раньери («Лестер» билан мавсум-2015/2016да) ва Антонио Конте («Челси» билан мавсум-2016/2017да).

Яна бир факт: Арне Слот АПЛда ғолиб чиққан нидерландиялик биринчи мураббий бўлди. Ишониш қийин, лекин ҳақиқат шуки, Нидерландия футболи вакиллари бунга қадар АПЛда бирор марта якуний ғалаба нашидасини суришмаганди. Шу ўринда чемпионлик ўйинига оид қизиқарли кўрсаткичга эътибор қаратиш ўринли. «Ливерпуль» жорий мавсум «Тоттенхэм»га нақ 15та гол «тортиқ» этиб, 129 йиллик рекордини такрорлади. Мерсисайдликлар мавсум давомида «шпорлар» билан 4 марта тўқнаш келишди (АПЛ ва Лига кубогида 2 мартадан) ва жами 15та гол уришди: 4:0, 6:3, 0:1, 5:1. Статистик маълумотларга кўра, «Ливерпуль» ўз ҳаётида муайян мавсум бирор рақибни бунчалик «сийламаганди». Фақат узоқ 1895/1896 йиллар мавсумида бечора «Ротерхэм» дарвозаси айнан 15 марта ўққа тутилган.

«Ливерпул» Англия биринчилигидаги юбилей - 20-ғалабаси шарафига 26 май куни чемпионлик паради ўтказади. Яъни жамоа сўнгги турдан ўрин олган «Кристал Пэлас»га қарши ўйиннинг эртасига усти очиқ автобусда шаҳар бўйлаб сайрга чиқади.

## ВИРЦ «БАВАРИЯ»ДА ЎЙНАШГА РОЗИ

Bild нашри журналисти Кристиан Фалькнинг маълумотига кўра, «Байер» етакчиси Флориан Вирц фаолиятини «Бавария»да давом эттиради. Германия миллий жамоаси ярим ҳимоячиси Мюнхен клуби билан шартнома тузишга розилик берди. «Бавария» эса трансфер учун Леверкузен клубига 100 миллион евро тўлайди. Футболчи 5 йиллик келишувга асосан, 100-125 миллион евро (йилига 20-25 млн. евро) олади. Бордию, клублар келишолмаса, 22 ёшли ярим ҳимоячи яна 1 йил кутишга тайёр. Маълумот учун, жорий мавсум Бундеслиганинг 29та ўйинида 10тадан гол ва ассист тўплаган Вирц амалдаги шартномага асосан, 2027 йилнинг ёзигача «Байер» ихтиёрида бўлади.

## ХАБИ АЛОНСО «БАЙЕР»ДАН КЕТАДИ, ДЕМАК...

«Байер» бош мураббийи Хаби Алонсо жорий мавсум якунида жамоадан кетишини расман эълон қилди. Испаниялик мутахассис Леверкузен клубида 2022 йили иш бошлаганди. Алонсо ортда қолган вақтда «доришунослар»ни Бундеслигада чемпионлик сари етаклаш баробарида Германия кубогида ҳам ғалабани таъминлади. Аввалроқ ушбу мутахассис



фаолиятини собиқ клуби - «Реал»да давом эттириши маълум бўлганди. «Байер»да эса Хаби Алонсо ўрнини «Комо» бош мураббийи Сеск Фабрегас эгаллаши мумкин. Жамоа раҳбарияти унга бош номзод сифатида қарамоқда.

Кутилишича, Хаби Алонсо «Реал»да 2028 йилнинг ёзигача мўлжалланган шартнома асосида иш бошлайди. Мадрид клуби эса компенсация сифатида «Байер»га 12 млн. евро тўлайди. AS нашри хабарига кўра, Клублар ўртасидаги ЖЧ-2025да «Реал»ни ким бошқариши ҳали аниқ эмас. Ҳозирда икки вариант бор: Хаби Алонсо ва клубнинг маслаҳатчи директори Сантьяго Солари. Бу вақтда Бразилия миллий жамоаси раҳбарияти «Мадрид»дан кетиши аниқ бўлган Карло Анчелотти билан тезроқ шартнома тузишни истамоқда. Таъкидланишича, италиялик 65 ёшли мутахассис шу ҳафта охирига қадар Бразилия футбол конфедерацияси билан битимни расмийлаштиради. Агар шундай бўлса, Анчелотти Бразилия термасида йилига 9 миллион евро миқдорида маош олади. Шартлашувга биноан, дон Карло «пентакампеонлар»ни ЖЧ-2026 ярим финалига олиб чиқса, йиллик сумма автоматик равишда 11 миллион еврога оширилади. Айтиш керак, олдинроқ бразилияликлар Анчелотти номзодидан воз кечиб, бор эътиборни «Ал-Ҳилол»дан бўшаган Жорже Жезусга қаратишгани ҳақида хабарлар урчиганди.

## ТАРИХИЙ ЎЙИН ВА ТАРИХИЙ РЕКОРД

ЧЛ жорий мавсумини безаган «Интер» - «Барселона» ўйини чипталари сотувидан 14,7 млн. евро тушди. Ярим финалнинг жавоб учрашувини «Сан Сиро» («Жузеппе Меацца») стадионида 75504 мухлис бевосита томоша қилди. Corriere dello Sport нашрида ёзилишича, шу билан Италия футболи тарихида чипталар сотуви даромади бўйича рекорд ўрнатилди. Олдинги энг юқори кўрсаткич ЧЛ-2022/2023 ярим финалидан ўрин олган «Интер» - «Милан» ўйинида қайд этилганди (12,5 млн. евро). Таъкидлаш керак, Италия футболи тарихида энг кўп даромад келтирган ЧЛнинг 10та ўйини ҳам «Интер» ёки «Милан» иштирокида бўлиб ўтган. Олдинроқ иккинчи ярим финал («ПСЖ» - «Арсенал») тушуми 12 миллион еврога етиши тахмин қилинганди. Аслида «ПСЖ»нинг уй аренаси - «Парк де Пренс» сиғими (48 минг) бўйича анча кичик, лекин Парижда чипталар баҳоси нисбатан баланд. «ПСЖ» шунинг эвазига Европада чипталар сотувидан энг кўп топадиган клублардан бири бўлиб қолмоқда.

Дарвоқе, «Барселона» ЧЛ-2024/2025даги иштирок ортидан жами 117 миллион евро ишлагани ҳам маълум қилинди.

## Қисқа сатрларда

❖ ❖ ❖ ❖ ❖

«Манчестер Сити» ярим ҳимоячиси Нико О'Райли тез орада янги шартнома остига имзо чекади. Журналист Николо Скиранинг маълум қилишича, «Сити» 20 ёшли футболчига 2030 йилнинг ёзигача амалда бўладиган битим таклиф қилмоқда.

❖ ❖ ❖ ❖ ❖

«Челчи» раҳбарияти «Боруссия» (Дортмунд)нинг бирданига 3 нафар вакилига кўз тикмоқда. Гап дарвозабон Грегор Кобель, ҳужумкор футболчилар Жейми Байно-Гиттенс ва Карим Адейеми ҳақида кетмоқда. Лондон жамоаси жумладан, 20 ёшли Байно-Гиттенсни Англияга қайтариш учун унга ҳозирги маошидан икки баравар кўп иш ҳақи таклиф этишга тайёр.

❖ ❖ ❖ ❖ ❖

«Реал» АҚШда 1250 нафар ёш иқтидорни кўрикдан ўтказади. Июнь ойига режалаштирилган тест-синовлари Даллас, Филадельфия, Вашингтон, Чикаго ва Лос-Анжелесда бўлади. Уларда сараланган 18-19 ёшли футболчилар «Кастилья» сафига жалб этилади.

❖ ❖ ❖ ❖ ❖

«МЮ»нинг собиқ футболчилари - Дэвид Бекхэм ва Гари Невилл ҳамкорликда Англия чемпионати Тўртинчи дивизиони иштирокчиси «Салфорд Сити» клубини сотиб олишди. Келишув суммаси - 15 миллион фунт стерлинг. Айнан Салфордда улғайган Бекс ушбу битимдан мамнунлигини яширмади. «Салфорд Сити»га олдинроқ сармоя киритган собиқ футболчилар - Ники Батт, Райан Гиггз, Фил Невилл ва Пол Скоулз эса ўз улушларидан воз кечишди. Энди клуб тизимига америкалик бизнесмен Деклан Келли ва Буюк Британия Савдо вазири лавозимида ишлаган лорд Мервин Дэвис ҳам қўшилишади.

Интернет хабарлари асосида Равшан ИБРОҲИМ тайёрлади

# ИККИ-УЧ КАРРА РЕКОРД!

**Сўз**

- Рақамлар яхши, лекин ҳар бир ғалаба алоҳида воқелик, барибир. Сиз ҳар мавсум бор эътиборни шу кампанияга қаратасиз. Дейлик, 3 йилча олдин ким чемпионликни қўлга киритгани бировни қизиқтирмайди. Бундеслигада ҳаммаси якуний натижага боғлиқ, чемпионлик масаласи бутун мавсум давомида сизни ҳаяжонда ушлаб туради ва умумий атмосферага катта таъсир кўрсатади. **Томас Мюллер**.




**«Бавария»да афсона даражасига кўтарилган толмас Томас Мюллер клуб билан хайрашувдан олдин турли рекордларни янгилади ёки такрорлади. Шу маънода 35 ёшли фахрий ҳужумчи учун якуний аккорд жуда чиройли чиқди.**

1. «Бавария» Бундеслига финишига 2та тур қолганида чемпионлик тахтига қайтди бир йиллик танаффусдан сўнг. Томас Мюллер эса шу билан Германиянинг 13 карра чемпионига айланди. Бу кўрсаткич Бундеслига рекордидир. 2-ўриндаги Мануэль Нойер ҳисобида 12та «Кумуш лаган» бор.

## БУНДЕСЛИГА ТАРИХИДА ЭНГ КЎП ЧЕМПИОН БЎЛГАН ФУТБОЛЧИЛАР

*Transfermarkt портали маълумоти*



| | | Клуби | Марта |
|---|---|---|---|
| 1 | **Томас МЮЛЛЕР** Илк марта: 2009/2010 | | 13 |
| 2 | **Мануэль НОЙЕР** Илк марта: 2012/2013 | | 12 |
| 3 | **Давид АЛАБА** Илк марта: 2009/2010 | | 10 |
| 4 | **Роберт ЛЕВАНДОВСКИ** Илк марта: 2010/2011 | | 10 |
| 5 | **Франк РИБЕРИ** Илк марта: 2007/2008 | | 9 |
| 6 | **Жером БОАТЕНГ** Илк марта: 2012/2013 | | 9 |
| 7 | **Хавьер МАРТИНЕС** Илк марта: 2012/2013 | | 9 |
| 8 | **Жошуа КИММИХ** Илк марта: 2015/2016 | | 9 |
| 9 | **Кингсли КОМАН** Илк марта: 2015/2016 | | 9 |
| 10 | **Свен УЛЬРАЙХ** Илк марта: 2015/2016 | | 9 |

transfer markt

2. «Бавария»нинг 35 ёшли фахрийси коллекциясидаги жами совринлар сони 34тага етди. Томас Мюллер бу борада «Реал» афсонаси Тони Кроос билан тенглашди. Яъни жорий мавсум якунида «Бавария»дан кетадиган ҳужумчи ўтган йили ёзда бутсаларини михга илган ярим ҳимоячи қатори тарихдаги энг соврindор германиялик футболчига айланди.

3. Томас Мюллер шунинг баробарида Европанинг кучли 5та лигасида кўп ғолиб бўлиш бўйича «МЮ»нинг собиқ ярим ҳимоячиси Райан Гиггзга тегишли рекордни такрорлади. Уэльс футболи афсонаси АПЛда айнан 13 марта чемпионликка эришган. Айтганча, «Бавария» билан 9-марта зафар қучган франциялик Кингсли Коман ҳисобида ҳам кучли 5та лигада қўлга киритилган олтин медаллар сони 13тага етди. Фарқи шуки, Мюллер ва Гиггз барча чемпионликни битта миллий лигада нишонлаган бўлсалар, Коман 4та «олтин»ни Франция («ПСЖ») ҳамда Италия («Ювентус»)да қўлга киритган.

Айтганча, «Бавария» Бундеслиганинг 33-турида Менхенгладбахнинг «Боруссия» клубини қабул қилди. Қарангки, Томас Мюллер Мюнхен клуби либосида 750-марта (барча турнирлар ҳисобидан) майдонга тушди. У шунча ўйинда 248та гол ва 222та ассист тўплаганини маълумот сифатида келтириш жоиз. Учрашув якунида Томас «Альянц Арена» ва мухлислар билан қайноқ муҳитда хайрлашди.

**Д.АЛИМОВ тайёрлади**

InterfutbolN Interfutbolofficial Interfutbol.uz Interfutboluz

## САУДИЯ АРАБИСТОНИ ПРЕМЬЕР-ЛИГАСИ. 31-ТУР

**30-ТУР ЎЙИНЛАРИ**

**7 май**

**АР-РАЕД - АЛ-ҲИЛОЛ - 3:5 (1:2)**
Бурайда. 7387 томошабин.
**Голлар:** Беркауий (45+3, 68), ал Жаман (90+9-пен.) - Митрович (32), Салим ал Довсарий (41, 59, 78), Малком (66).

**АЛ-АҲЛИ - АЛ-ТАВОН - 2:0 (2:0)**
Жидда. 12821 томошабин.
**Голлар:** Бакор (10), Тоуни (31).

**АЛ-НАСР - АЛ-ИТТИҲОД - 2:3 (2:0)**
Ар-Риёд. 24575 томошабин.
**Голлар:** Мане (3), Яхё (37) - Бензема (49), Канте (52), Ауар (90+4).
**Четлатиш:** Диаби (90+7, И.).

---

**10 май**

**АЛ-ХОЛУД - АЛ-ИТТИФОҚ - 1:0 (0:0)**
Ар-Росс. 3303 томошабин.
**Гол:** Маолида (68).
**Четлатиш:** Хендри (90+6, И.).

**АЛ-ВАҲДА - АЛ-ФОТИҲ - 1:0 (1:0)**
Макка. 261 томошабин.
**Гол:** Нур (8).

**АЛ-ХАЛИЖ - АЛ-РИЁД - 1:2 (1:0)**
Даммам. 4000 томошабин.
**Голлар:** Мартинш (6) - Селемани (90+3), Кал (90+14).

**11 май**

**АЛ-ТАВОН - АЛ-ҚОДИСИЯ - 0:1 (0:0)**
Бурайда. 2500 томошабин.
**Гол:** Жирото (61-авт.).

**ДАМАК - АР-РАЕД - 1:0 (0:0)**
Абха. 3500 томошабин.
**Гол:** Немер (74).

**АЛ-ШАБАБ - АЛ-АҲЛИ - 3:1 (2:1)**
Ар-Риёд. 6848 томошабин.
**Голлар:** ал Таин (26), Ҳамдалла (33, 65) - Вейга (36).
**Ал-Шабаб:** Бушан, ал Таин (Ҳарбуш, 87), ал Швирейх, Худт, Ренан, ал Жувайр, Глен Камара (Боневентура, 90), Гуанка (Канаба, 90), Харун Камара (ал Шарарий, 84), Ҳамдалла, Карраско.
**Ал-Аҳли:** Менди, Мажраший, Демирал, Ибаньес, Бакор, Александер (ал Жуҳоний, 67), Кессие, ал Рашидий (ал Набит, 67), Вейга, ал Бурайкан, Тоуни.
**Четлатиш:** Ҳамдалла (77, Ш.).

**АЛ-ИТТИҲОД - АЛ-ФЕЙХА - 3:0 (1:0)**
Жидда. 14000 томошабин.
**Голлар:** Бензема (24, 54), ал Бақовий (76-авт.).
**Ал-Иттиҳод:** Райкович, ал Шанкитий, ал Муса, Кадеш (ал Нашрий, 71), Митай, Канте, Фабиньо, ал Обайд, Ауар (Абдуллоҳ, 81), Эрнандес (ал Ғамдий, 81), Бензема (ал Биший, 57).
**Ал-Фейха:** Москера, ал Рашидий (ал Раммаҳ, 63), Варета, Абди, ал Бақовий, **Отабек Шукуров,** Цимирот (ал Ҳаражан, 62), Сакала (ал Роқий, 82), ал Кабий (ал Беше, 63), Пасуэло (ал Ҳартий, 82), Лопес.

---

**12 май (душанба)**
21:05 АЛ-ҲИЛОЛ - АЛ-ОРУБА
23:00 АЛ-ОҲДУД - АЛ-НАСР

| Жамоалар | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 АЛ-ИТТИҲОД | 31 | 23 | 5 | 3 | 72-32 | 74 |
| 2 АЛ-ҲИЛОЛ | 30 | 20 | 5 | 5 | 84-37 | 65 |
| 3 АЛ-ҚОДИСИЯ | 31 | 19 | 5 | 7 | 47-27 | 62 |
| 4 АЛ-АҲЛИ | 31 | 19 | 4 | 8 | 63-32 | 61 |
| 5 АЛ-НАСР | 30 | 18 | 6 | 6 | 64-36 | 60 |
| 6 АЛ-ШАБАБ | 31 | 16 | 6 | 9 | 58-37 | 54 |
| 7 АЛ-ИТТИФОҚ | 31 | 12 | 7 | 12 | 39-43 | 43 |
| 8 АЛ-ТАВОН | 31 | 11 | 8 | 12 | 34-33 | 41 |
| 9 АР-РИЁД | 31 | 10 | 8 | 13 | 34-45 | 38 |
| 10 ДАМАК | 31 | 9 | 7 | 15 | 37-48 | 34 |
| 11 АЛ-ХАЛИЖ | 31 | 9 | 7 | 15 | 36-51 | 34 |
| 12 АЛ-ХОЛУД | 31 | 10 | 4 | 17 | 37-59 | 34 |
| 13 АЛ-ФОТИҲ | 31 | 9 | 6 | 16 | 40-55 | 33 |
| 14 АЛ-ФЕЙХА | 31 | 7 | 12 | 12 | 25-45 | 33 |
| 15 АЛ-ВАҲДА | 31 | 9 | 5 | 17 | 39-61 | 32 |
| 16 АЛ-ОРУБА | 30 | 9 | 3 | 18 | 28-61 | 30 |
| 17 АЛ-ОҲДУД | 30 | 7 | 7 | 16 | 29-43 | 28 |
| 18 АЛ-РАЕД | 31 | 6 | 3 | 22 | 39-60 | 21 |

**ТЎПУРАРЛАР**
**Роналду** (Ал-Наср) - **23та**
**Ҳамдалла** (Ал-Шабаб) - **21та**
**Бензема** (Ал-Иттиҳод) - **21та...**

**КЕЛГУСИ ЎЙИНЛАР**

**32-ТУР**

**15 май (пайшанба)**
20:55 Ал-Қодисия - Ал-Ваҳда
21:05 Ал-Риёд - Ал-Шабаб
23:00 Ал-Раед - Ал-Иттиҳод

**16 май (жума)**
20:55 Ал-Фотиҳ - Ал-Ҳилол
21:40 Ал-Оруба - Ал-Халиж
23:00 Ал-Наср - Ал-Тавон

**17 май (шанба)**
20:55 Ал-Иттифоқ - Дамак
21:15 Ал-Фейха - Ал-Оҳдуд
23:00 Ал-Аҳли - Ал-Холуд

◆◆ **«Ал-Наср»** чемпионликка асосий даъвогар «Ал-Иттиҳод»ни 2:0 ҳисобида енга туриб, якунда мағлубиятни тан олди (2:3) ва турнир жадвалида 4-ўринга сурилди.

## ҚОЗОҒИСТОН ПРЕМЬЕР-ЛИГАСИ. 8-ТУР

**10 май**

**ЖЕНИС - ҚАЙРАТ - 1:2 (0:2)**
**Голлар:** Мика (77-пен.) - Зария (26-пен.), Громико (36).
**Четлатиш:** Анарбеков (46, Қ.).

**ҚИЗИЛ-ЖАР - УЛИТАУ - 2:1 (1:0)**
**Голлар:** Мартинович (12), Себаи (90+3) - Вачибердадзе (60).
**Четлатиш:** Молдакараев (45+1, У.).

**ТУРАН - АТИРАУ - 1:0 (1:0)**
**Гол:** Жумабек (41).
**Туран:** Хаткевич, **Одил Абдумажидов, Беҳруз Асқаров** (Згурский, 83), Милойко, **Хуршид Мухторов,** Нуримбет, Пайович, Стасевич (Маликайдар, 90+3), **Шаҳбоз Умаров** (Дорофеев, 69), Юденков, Жумабек (Свопель, 69).

**АСТАНА - ТОБОЛ - 1:3 (0:3)**
**Голлар:** Чинеду (87) - ал Мессауди (8), Сигневич (16, 37).

**11 май**

**ЖЕТИСУ - ОКЖЕТПЕС - 1:3 (1:1)**
**Голлар:** Ахмедов (30) - Жумат (27), Марат (58), Сатанов (74).

**ОРДАБАСИ - ҚАЙСАР - 5:0 (2:0)**
**Голлар:** Мораэс (18), Султанов (33-авт.), Мудрак (76-пен.), Тунгишбаев (84), Малий (90+4).

**АКТОБЕ - ЕЛИМАЙ - 1:0 (0:0)**
**Гол:** Касим (54).

| Жамоалар | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 ҚАЙРАТ | 9 | 7 | 2 | 0 | 23-6 | 23 |
| 2 АКТОБЕ | 8 | 6 | 1 | 1 | 13-4 | 19 |
| 3 АСТАНА | 9 | 5 | 3 | 1 | 15-8 | 18 |
| 4 ТОБОЛ | 8 | 5 | 2 | 1 | 12-5 | 17 |
| 5 ОКЖЕТПЕС | 8 | 4 | 2 | 2 | 11-8 | 14 |
| 6 ОРДАБАСИ | 8 | 4 | 2 | 2 | 10-7 | 14 |
| 7 ЕЛИМАЙ | 8 | 4 | 1 | 3 | 11-6 | 13 |
| 8 ТУРАН | 8 | 3 | 2 | 3 | 9-8 | 11 |
| 9 ҚИЗИЛ-ЖАР | 8 | 3 | 2 | 3 | 10-11 | 11 |
| 10 ЖЕНИС | 8 | 0 | 5 | 3 | 3-6 | 5 |
| 11 ЖЕТИСУ | 8 | 0 | 4 | 4 | 2-11 | 4 |
| 12 ҚАЙСАР | 8 | 0 | 4 | 4 | 5-16 | 4 |
| 13 АТИРАУ | 10 | 1 | 0 | 9 | 7-24 | 3 |
| 14 УЛИТАУ | 8 | 0 | 2 | 6 | 3-14 | 2 |

**ТЎПУРАРЛАР**
**Томасов** (Астана) - **6та**
**Сатпаев** (Қайрат) - **6та**
**Жумат** (Окжетпес) - **5та...**

**КЕЛГУСИ ЎЙИНЛАР**

**9-ТУР**

**17 май (шанба)**
19:00 Атирау - Жетису
19:00 Қайсар - Туран
19:00 Окжетпес - Актобе
19:00 Тобол - Ордабаси
19:00 Улитау - Астана
19:00 Елимай - Қайрат

**18 май (якшанба)**
19:30 Женис - Қизил-Жар

## ПОРТУГАЛИЯ ПРИМЕРОСИ. 33-ТУР

**10 май**

**САНТА-КЛАРА - ФАМАЛИКАН - 2:1 (1:0)**
**Голлар:** Сильва (23, 81) - Са (59).
**Четлатишлар:** Лима (83) - Сейк (45+1).

**НАСЬОНАЛ - РИУ АВЕ - 3:3 (0:3)**
**Голлар:** Андре Соуза (46), Лео Сантос (90), Костулас (90+4-авт.) - Тикназ (3, 43), Бакулас (28).

**БЕНФИКА - СПОРТИНГ - 1:1 (0:1)**
**Голлар:** Актюркоглу (63) - Тринкан (4).

**КАСА ПИА - БРАГА - 2:1 (1:1)**
**Голлар:** Бенаисса-Яхё (45), Ливолан (79) - Саласар (30).

**ЖИЛ ВИСЕНТЕ - АРОКА - 1:1 (0:0)**
**Голлар:** Санти Гарсия (58) - Пуче (56).

**11 май**

**ЭШТРЕЛА - АВС - 0:1 (0:0)**
**Гол:** Зе Луиш (85).

**МОРЕЙРЕНШЕ - ЭШТОРИЛ - 2:2 (1:0)**
**Голлар:** Мартинш (21), Марсело (55) - Бахер (76), Маркес (80).

**ГИМАРАИШ - ФАРЕНШЕ - 1:2 (0:1)**
**Голлар:** Сильва (47) - Матьяш (6), Поведа (90+2).
**Фойдаланилмаган пенальти:** Лопеш (81, Ф.).

**БОАВИШТА - ПОРТУ - 1:2 (1:2)**
**Голлар:** Рейсинью (34-пен.) - Мора (20), Маркано (25).
**Четлатишлар:** Какай (90+5) - Перес (81).

| | Жамоалар | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | СПОРТИНГ | 33 | 24 | 7 | 2 | 86-27 | 79 |
| 2 | БЕНФИКА | 33 | 25 | 4 | 4 | 83-27 | 79 |
| 3 | ПОРТУ | 33 | 21 | 5 | 7 | 62-30 | 68 |
| 4 | БРАГА | 33 | 19 | 8 | 6 | 54-29 | 65 |
| 5 | ГИМАРАИШ | 33 | 14 | 12 | 7 | 47-35 | 54 |
| 6 | САНТА-КЛАРА | 33 | 16 | 6 | 11 | 34-31 | 54 |
| 7 | КАСА ПИА | 33 | 12 | 9 | 12 | 38-42 | 45 |
| 8 | ФАМАЛИКАН | 33 | 11 | 11 | 11 | 42-38 | 44 |
| 9 | ЭШТОРИЛ | 33 | 11 | 10 | 12 | 44-53 | 43 |
| 10 | МОРЕЙРЕНШЕ | 33 | 9 | 10 | 14 | 39-50 | 37 |
| 11 | РИУ АВЕ | 33 | 9 | 10 | 14 | 38-54 | 37 |
| 12 | АРОКА | 33 | 8 | 11 | 14 | 31-48 | 35 |
| 13 | НАСЬОНАЛ | 33 | 9 | 7 | 17 | 32-47 | 34 |
| 14 | ЖИЛ ВИСЕНТЕ | 33 | 8 | 9 | 16 | 33-46 | 33 |
| 15 | ЭШТРЕЛА | 33 | 7 | 8 | 18 | 24-46 | 29 |
| 16 | ФАРЕНШЕ | 33 | 6 | 9 | 18 | 24-44 | 27 |
| 17 | АВС | 33 | 5 | 12 | 16 | 25-57 | 27 |
| 18 | БОАВИШТА | 33 | 6 | 6 | 21 | 23-55 | 24 |

### ТЎПУРАРЛАР:

**Дьокереш** (Спортинг) - **38та**
**Павлидис** (Бенфика) - **18та**
**Омородион** (Порту) - **18та...**

## РОССИЯ ПРЕМЬЕР-ЛИГАСИ. 28-ТУР

**10 май**

**ОРЕНБУРГ - ХИМКИ - 1:1 (0:0)**
Оренбург. 4274 томошабин.
**Голлар:** Караташ (52) - Руденко (79).

**ДИНАМО Мх. - ЗЕНИТ - 0:1 (0:1)**
Каспийск. 10882 томошабин.
**Гол:** Нино (37).
**Зенит:** Латишонок, Мантуан (Алип, 90), Дркушич, Нино, Сантос, Барриос, Горшков (Зделар, 77), Энрике, Гонду (Кассьерра, 63), Педро (Мостовой, 63), Соболев (Эракович, 90).

**ЦСКА - КРАСНОДАР - 1:0 (0:0)**
Москва. 21393 томошабин.
**Гол:** Гуарирапа (69).
**ЦСКА:** Акинфеев, Гайич, Дивеев (Абдулкадиров, 62), Роша, Мойзес, Обляков (Бандикян, 89), Кисляк, Жемалетдинов (Пьянич, 62), Бистрович, Глебов (Койта, 68), Мусаев (Гуарирапа, 62).
**Краснодар:** Агкацев, Петров (Гонсалес, 72), Кайо, Коста, Оласа, Черников, Ленини (Кривцов, 76), Батчи (Мозес, 84), Сперцян, Са (Олусегун, 72), Кордоба.

**11 май**

**АКРОН - АХМАТ - 3:2 (2:1)**
Самара. 2967 томошабин.
**Голлар:** Пестряков (17), Жаковац (45+4), Хубулов (85) - Талал (8), Мелкадзе (72).
**Акрон:** Васютин (Волков, 46), Савичев (Бардибахин, 81), Бокоев, Неделчару, Фернандес, Жаковац, Журасович, Лончар (Эсковаль, 74), Пестряков (Беншимол, 59), Бакаев (Хубулов, 59), Дзюба.
**Четлатиш:** Беншимол (90+6, А.).

**ФАКЕЛ - ЛОКОМОТИВ - 0:1 (0:1)**
Воронеж. 8481 томошабин.
**Гол:** Воробьёв (22).

**РУБИН - РОСТОВ - 1:0 (0:0)**
Қозон. 5600 томошабин.
**Гол:** Даку (90).
**Рубин:** Ставер, Кабутов, Тесленко, Вуячич, Грицаенко, Рожков, Вада (Йочич, 73), Иву (Иванов, 73), Хожа (Безруков, 84), Даку, Шабанхажай (Зотов, 90+4).

**ДИНАМО М. - СПАРТАК - 2:0 (2:0)**
Москва. 20992 томошабин.
**Голлар:** Карраскаль (7-пен.), Глебов (30).

---

**12 май (душанба)**
21:00 ПАРИ НН - КРИЛЬЯ СОВЕТОВ

| | Жамоалар | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | КРАСНОДАР | 28 | 18 | 7 | 3 | 54-22 | 61 |
| 2 | ЗЕНИТ | 28 | 18 | 6 | 4 | 54-18 | 60 |
| 3 | ЦСКА | 28 | 16 | 7 | 5 | 43-19 | 55 |
| 4 | ДИНАМО М. | 28 | 15 | 8 | 5 | 59-31 | 53 |
| 5 | СПАРТАК | 28 | 15 | 6 | 7 | 49-25 | 51 |
| 6 | ЛОКОМОТИВ | 28 | 14 | 7 | 7 | 45-38 | 49 |
| 7 | РУБИН | 28 | 12 | 6 | 10 | 36-40 | 42 |
| 8 | РОСТОВ | 28 | 10 | 8 | 10 | 40-41 | 38 |
| 9 | АКРОН | 28 | 10 | 5 | 13 | 37-49 | 35 |
| 10 | КРИЛЬЯ СОВЕТОВ | 27 | 8 | 6 | 13 | 33-43 | 30 |
| 11 | ДИНАМО Мх. | 28 | 6 | 9 | 13 | 25-33 | 27 |
| 12 | ХИМКИ | 28 | 5 | 11 | 12 | 32-49 | 26 |
| 13 | АХМАТ | 28 | 4 | 12 | 12 | 26-44 | 24 |
| 14 | ПАРИ НН | 27 | 6 | 5 | 16 | 21-49 | 23 |
| 15 | ОРЕНБУРГ | 28 | 4 | 7 | 17 | 25-50 | 19 |
| 16 | ФАКЕЛ | 28 | 2 | 10 | 16 | 12-40 | 16 |

### ТЎПУРАРЛАР

**Угальде** (Спартак) - **16та**
**Батраков** (Локомотив) - **13та**
**Барко** (Спартак) - **12та...**

◆◆ **ЦСКА** РПЛда ноябрь ойидан буён ютқазмаяпти - 12та ўйинда 8та ғалаба ва 4та дуранг. Қолаверса, «ҳарбийлар» тарихда илк марта муайян йили чемпионатнинг дастлабки 10та ўйинида мағлубиятни тан олишмади (7та ғалаба ва 3та дуранг). Яна бир факт: ЦСКА 2018 йилдан буён ўз майдонида «Краснодар»га ютқазмаяпти - 7та ғалаба (5таси кетма-кет) ва 1та дуранг.

◆◆ **«Краснодар»** РПЛда илк марта Москва клубларига қарши қаторасига 3та ўйинда гол урolmади («Спартак» - 0:3, «Локомотив» - 0:0 ва ЦСКА - 0:1). Қолаверса, «буқалар»нинг 3та ўйинга тенг ғолибона одимлари узилиб қолди.

### КЕЛГУСИ ЎЙИНЛАР

**29-ТУР**

**17 май (шанба)**
16:00 Оренбург - Краснодар
18:30 Химки - Рубин
21:00 Пари НН - Факел

**18 май (якшанба)**
15:30 Крылья Советов - Спартак
16:00 Ахмат - Динамо Мх.
18:30 Динамо М. - Акрон
21:00 Ростов - Зенит

**19 май (душанба)**
22:30 Локомотив - ЦСКА

## ФРАНЦИЯ 1-ЛИГАСИ. 33-ТУР

**10 май**
**РЕЙМС - СЕНТ-ЭТЬЕН - 0:2 (0:2)**
Реймс. 18630 томошабин.
**Голлар:** Тардье (3), Кардона (41).

**ОСЕР - НАНТ - 1:1 (1:0)**
Осер. 17277 томошабин.
**Голлар:** Перрен (45) - Леру (62).

**АНЖЕ - СТРАСБУР - 2:1 (1:1)**
Анже. 14391 томошабин.
**Голлар:** Леполь (15, 48) - Баква (43).

**ГАВР - МАРСЕЛЬ - 1:3 (0:0)**
Гавр. 23831 томошабин.
**Голлар:** Сумаре (66) - Гуири (56, 90+9), Гринвуд (85).
**Марсель:** Рульи, Мурильо, Балерди, Корнелиус, Гарсия (Мерлен, 76), Ронжье, Хейбьерг, Гринвуд (Фелипе, 89), Рабьо, Роу (Энрике, 62), Гуири.


«Гавр» - «Марсель» - 1:3

◆◆ **«Марсель»** 2022 йилдан буён илк марта ЧЛда ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритди. Шунингдек, «Монако» ҳам ЧЛ-2025/2026 чиптасини нақд қилди.

◆◆ **Луис Энрике** «ПСЖ» тарихидаги энг ёш бошланғич таркибни майдонга туширди. «Монпелье»га қарши ўйин вақти футболчиларнинг ўртача кўрсаткичи 21 ёшу 251 кунлик бўлди.

◆◆ «ПСЖ» ҳужумчиси **Гонсалу Рамуш** 16 дақиқага тенг ўйин вақти «Монпелье» дарвозасини 3 марта ишғол қилиб, жорий йил ҳисобидан 2-марта «хет-трик»ка эришди.

**РЕНН - НИЦЦА - 2:0 (1:0)**
Ренн. 26118 томошабин.
**Голлар:** Калимуэндо (15, 80).

**МОНПЕЛЬЕ - ПСЖ - 1:4 (0:1)**
Монпелье. 16787 томошабин.
**Голлар:** Кулибали (64) - Маюлу (44), Рамуш (49, 59-пен., 65).
**ПСЖ:** Тенас, Заир-Эмери, Тап, Бералдо, Эрнандес, Ли Кан Ин, Маюлу, Мбай, Дуэ (Камара, 60), Рамуш, Барколя (Заке, 68).

**ТУЛУЗА - ЛАНС - 1:1 (0:0)**
Тулуза. 27890 томошабин.
**Голлар:** Гбоо (48) - ал Айнауи (61).

**БРЕСТ - ЛИЛЛЬ - 2:0 (1:0)**
Брест. 14556 томошабин.
**Голлар:** Ажорк (42), Думбия (64).

**МОНАКО - ЛИОН - 2:0 (0:0)**
Монако. 13578 томошабин.
**Голлар:** Минамино (62), Закария (68).
**Монако:** Кён, Тезе (Бен-Сегир, 76), Синго, Керер, Энрике, Аклиуш, Закария (Мависса, 86), Камара (Магасса, 78), Минамино (Дьятта, 86), Эмболо, Бирет (Вандерсон, 76).

| | Жамоалар | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | ПСЖ | 33 | 25 | 6 | 2 | 89-34 | 81 |
| 2 | МАРСЕЛЬ | 33 | 19 | 5 | 9 | 70-45 | 62 |
| 3 | МОНАКО | 33 | 18 | 7 | 8 | 63-37 | 61 |
| 4 | НИЦЦА | 33 | 16 | 9 | 8 | 60-41 | 57 |
| 5 | ЛИЛЛЬ | 33 | 16 | 9 | 8 | 50-35 | 57 |
| 6 | СТРАСБУР | 33 | 16 | 9 | 8 | 54-41 | 57 |
| 7 | ЛИОН | 33 | 16 | 6 | 11 | 63-46 | 54 |
| 8 | БРЕСТ | 33 | 15 | 5 | 13 | 52-53 | 50 |
| 9 | ЛАНС | 33 | 14 | 7 | 12 | 38-39 | 49 |
| 10 | ОСЕР | 33 | 11 | 9 | 13 | 47-48 | 42 |
| 11 | РЕНН | 33 | 13 | 2 | 18 | 49-46 | 41 |
| 12 | ТУЛУЗА | 33 | 10 | 9 | 14 | 41-41 | 39 |
| 13 | АНЖЕ | 33 | 10 | 6 | 17 | 32-51 | 36 |
| 14 | РЕЙМС | 33 | 8 | 9 | 16 | 32-45 | 33 |
| 15 | НАНТ | 33 | 7 | 12 | 14 | 36-52 | 33 |
| 16 | ГАВР | 33 | 9 | 4 | 20 | 37-69 | 31 |
| 17 | СЕНТ-ЭТЬЕН | 33 | 8 | 6 | 19 | 37-74 | 30 |
| 18 | МОНПЕЛЬЕ | 33 | 4 | 4 | 25 | 23-76 | 16 |

### ТЎПУРАРЛАР

**Дембеле** (ПСЖ) - **21та**
**Гринвуд** (Марсель) - **20та**
**Калимуэндо** (Ренн) - **17та...**

### КЕЛГУСИ ЎЙИНЛАР

**34-ТУР** — **17 май (шанба)**

23:55 ПСЖ - Осер
23:55 Ланс - Монако
23:55 Нант - Монпелье
23:55 Страсбур - Гавр
23:55 Лилль - Реймс
23:55 Сент-Этьен - Тулуза
23:55 Ницца - Брест
23:55 Лион - Анже
23:55 Марсель - Ренн

## ГЕРМАНИЯ БУНДЕСЛИГАСИ. 33-ТУР

**9 май**
**ВОЛЬФСБУРГ - ХОФФЕНХАЙМ - 2:2 (1:1)**
Вольфсбург. 20145 томошабин.
**Голлар:** Эстигор (1-авт.), Винн (81) - Кадержабек (34), Бюлтер (84).

◆◆ «Бохум» ортидан **«Хольштайн»** ҳам Бундеслигада қолиш имкониятини йўқотди.

◆◆ **«РБ Лейпциг»** 2019 йилдан буён илк марта ЧЛ йўлланмасисиз қоладиган бўлди.

◆◆ **«Бавария»** Бундеслиганинг 33та ўйинида 79 очко тўплади. Бу Мюнхен клубининг охирги 5 мавсумдаги энг яхши натижасидир. «Бавария» мавсум-2019/2020ни 82 очко билан якунлаганди.

◆◆ «Бавария» дарвозабони **Мануэль Нойер** Бундеслига ўйинида майдонга тушган энг ёши катта иккинчи футболчи бўлди (39 ёшу 44 кунлик). Чемпионат рекорди сўнгги ўйинини 40 ёшу 188 кунлигида ўтказган Бернд Дрехерга тегишли.

◆◆ «Бавария» ҳужумчиси **Гарри Кейн** Бундеслиганинг жорий мавсуми ҳисобидан 25-голини нишонлади. Англиялик футболчи миллий лигаларда 6-марта бу маррани забт этди.

**10 май**
**ВЕРДЕР - РБ ЛЕЙПЦИГ - 0:0**
Бремен. 42000 томошабин.

**УНИОН - ХАЙДЕНХАЙМ - 0:3 (0:1)**
Берлин. 22012 томошабин.
**Голлар:** Бек (12, 73), Шёппнер (56).

**БОХУМ - МАЙНЦ - 1:4 (0:1)**
Бохум. 26000 томошабин.
**Голлар:** Небель (90+3) - Амири (45+3), Буркардт (73), Хольтманн (84), Мвене (54).

**ХОЛЬШТАЙН - ФРАЙБУРГ - 1:2 (1:1)**
Хольштайн. 15034 томошабин.
**Голлар:** Розенбум (24) - Манзамби (45+2), Хёлер (58).

**БАВАРИЯ - БОРУССИЯ М. - 2:0 (1:0)**
Мюнхен. 75000 томошабин.
**Голлар:** Кейн (31), Олисе (90).
**Бавария:** Нойер, Лаймер, Дайер, Станишич (Павлович, 62), Геррейру (Пальиня, 62), Киммих, Горецка, Олисе, Мюллер (Гнабри, 84), Коман (Сане, 62), Кейн (Видович, 90+2).

**11 май**

**БАЙЕР - БОРУССИЯ Д. - 2:4 (1:2)**
Леверкузен. 30210 томошабин.
**Голлар:** Фримпонг (31), Хофманн (90+2) - Брандт (33), Рюэрсон (43), Адейеми (73), Гирасси (77).

**АЙНТРАХТ - САНКТ-ПАУЛИ - 2:2 (1:2)**
Франкфурт. 58000 томошабин.
**Голлар:** Кристенсен (1), Батшуайи (71) - Салиакас (4), Гилавоги (16).

**ШТУТГАРТ - АУГСБУРГ - 4:0 (1:0)**
Штутгарт. 51000 томошабин.
**Голлар:** Каразор (8), Вольтемаде (51), Мийо (80), Демирович (87).
**Четлатиш:** Эссенде (12, А.).

| Жамоалар | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 БАВАРИЯ | 33 | 24 | 7 | 2 | 95-32 | 79 |
| 2 БАЙЕР | 33 | 19 | 11 | 3 | 70-41 | 68 |
| 3 АЙНТРАХТ | 33 | 16 | 9 | 8 | 65-45 | 57 |
| 4 ФРАЙБУРГ | 33 | 16 | 7 | 10 | 48-50 | 55 |
| 5 БОРУССИЯ Д. | 33 | 16 | 6 | 11 | 68-51 | 54 |
| 6 МАЙНЦ | 33 | 14 | 9 | 10 | 53-41 | 51 |
| 7 РБ ЛЕЙПЦИГ | 33 | 13 | 12 | 8 | 51-45 | 51 |
| 8 ВЕРДЕР | 33 | 13 | 9 | 11 | 50-56 | 48 |
| 9 ШТУТГАРТ | 33 | 13 | 8 | 12 | 61-51 | 47 |
| 10 БОРУССИЯ М. | 33 | 13 | 6 | 14 | 55-56 | 45 |
| 11 АУГСБУРГ | 33 | 11 | 10 | 12 | 34-49 | 43 |
| 12 ВОЛЬФСБУРГ | 33 | 10 | 10 | 13 | 55-54 | 40 |
| 13 УНИОН | 33 | 9 | 10 | 14 | 33-50 | 37 |
| 14 САНКТ-ПАУЛИ | 33 | 8 | 8 | 17 | 28-39 | 32 |
| 15 ХОФФЕНХАЙМ | 33 | 7 | 11 | 15 | 46-64 | 32 |
| 16 ХАЙДЕНХАЙМ | 33 | 8 | 5 | 20 | 36-60 | 29 |
| 17 ХОЛЬШТАЙН | 33 | 6 | 7 | 20 | 49-77 | 25 |
| 18 БОХУМ | 33 | 5 | 7 | 21 | 31-67 | 22 |

**ТЎПУРАРЛАР**

**Кейн** (Бавария) - **25та**
**Гирасси** (Борусия Д.) - **21та**
**Шик** (Байер) - **19та...**

**КЕЛГУСИ ЎЙИНЛАР**

**34-ТУР**

**17 май (шанба)**
18:30 Санкт-Паули - Бохум
18:30 Боруссия М. - Вольфсбург
18:30 Майнц - Байер
18:30 Аугсбург - Унион
18:30 Фрайбург - Айнтрахт
18:30 Хайденхайм - Вердер
18:30 Хоффенхайм - Бавария
18:30 Боруссия Д. - Хольштайн
18:30 РБ Лейпциг - Штутгарт

## ИТАЛИЯ «А» СЕРИЯСИ. 36-ТУР

**9 май**

**МИЛАН - БОЛОНЬЯ - 3:1 (0:0)**
Милан. 71076 томошабин.
**Голлар:** Сантьяго Хименес (73, 90+3), Пулишич (79) - Орсолини (49).
**Милан:** Меньян, Томори (Тиав, 14), Габбия, Павлович (Уокер, 65), Алехандро Хименес (Чуквуэзе, 66), Эрнандес, Лофтус-Чик (Муса, 78), Рейндерс, Пулишич, Жоау Фелиш, Йович (Сантьяго Хименес, 65).

**10 май**

**ЛАЦИО - ЮВЕНТУС - 1:1 (0:0)**
Рим. 48000 томошабин.
**Голлар:** Весино (90+6) - Коло-Муани (51).
**Ювентус:** ди Грегорио, Савона, Вейга, Калулу, Веа, Кошта (Луис, 79), Тюрам, Локателли, Маккенни, Гонсалес (Консейсау, 46; Влахович, 86), Коло-Муани (Ажич, 76; Гатти, 86).
**Четлатиш:** Калулу (60, Ю.).

**ЭМПОЛИ - ПАРМА - 2:1 (1:0)**
Эмполи. 12040 томошабин.
**Голлар:** Фаццини (11), Анжорин (86) - Журич (73).
**Четлатиш:** Валенти (31, П.).

**КОМО - КАЛЬЯРИ - 3:1 (2:1)**
Комо. 13602 томошабин.
**Голлар:** Какре (40), Стрефецца (45+2), Кутроне (78) - Адопо (22).

◆◆ **«Милан»** жорий мавсум «А» серия ўйинлари давомида ҳисобда ортда борган ҳолда, якунда 22 очко ишлади. Бу Европанинг кучли 5та лигасидаги иккинчи яхши натижадир («Атлетико» Ла Лигада ирода эвазига 23 очко олди).

◆◆ **Кристиан Пулишич** «Милан» сафида кетма-кет 2-мавсум «Гол+пас» тизимида 20 очко ишлади (11та гол ва 9та ассист). Америкалик футболчи ўтган мавсум 12та гол ва 8та ассист тўплаганди.

◆◆ **«Комо»** Италия чемпионати тарихида дебют мавсумида кетма-кет 6та ғалаба қайд этган 2-клубга айланди. 1973 йилда «Лацио» худди шундай натижага эришганди.

◆◆ **«Ювентус»** Игор Тудор бошқарувидаги 7та ўйиндан атиги 3тасида ғалаба қозонди.

**11 май**

**УДИНЕЗЕ - МОНЦА - 1:2 (0:0)**
Удине. 20845 томошабин.
**Голлар:** Лукка (75) - Каправи (52), Бальде (90).

**ВЕРОНА - ЛЕЧЧЕ - 1:1 (1:1)**
Верона. 27709 томошабин.
**Голлар:** Коппола (41) - Крстович (24).

**ТОРИНО - ИНТЕР - 0:2 (0:1)**
Турин. 26537 томошабин.
**Голлар:** Залевски (14), Аслани (50-пен.).

**НАПОЛИ - ЖЕНОА - 2:2 (1:1)**
Неаполь. 41526 томошабин.
**Голлар:** Лукаку (15), Распадори (64) - Мерет (32-авт.), Васкес (84).
**Наполи:** Мерет, ди Лоренцо, Ррахмани, Оливера, Спинаццола, Замбо-Ангисса, Лоботка (Гилмор, 13), Мактоминей, Политано (Нерес, 89), Распадори (Биллинг, 80), Лукаку.

---

**12 май (душанба)**
21:30 ВЕНЕЦИЯ - ФИОРЕНТИНА
23:45 АТАЛАНТА - РОМА

| Жамоалар | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 НАПОЛИ | 36 | 23 | 9 | 4 | 57-27 | 78 |
| 2 ИНТЕР | 36 | 23 | 8 | 5 | 75-33 | 77 |
| 3 АТАЛАНТА | 35 | 20 | 8 | 7 | 71-31 | 68 |
| 4 ЮВЕНТУС | 36 | 16 | 16 | 4 | 53-33 | 64 |
| 5 ЛАЦИО | 36 | 18 | 10 | 8 | 59-46 | 64 |
| 6 РОМА | 35 | 18 | 9 | 8 | 50-32 | 63 |
| 7 БОЛОНЬЯ | 36 | 16 | 14 | 6 | 54-41 | 62 |
| 8 МИЛАН | 36 | 17 | 9 | 10 | 58-40 | 60 |
| 9 ФИОРЕНТИНА | 35 | 17 | 8 | 10 | 53-35 | 59 |
| 10 КОМО | 36 | 13 | 9 | 14 | 48-49 | 48 |
| 11 ТОРИНО | 36 | 10 | 14 | 12 | 39-42 | 44 |
| 12 УДИНЕЗЕ | 36 | 12 | 8 | 16 | 39-51 | 44 |
| 13 ЖЕНОА | 36 | 9 | 13 | 14 | 32-45 | 40 |
| 14 КАЛЬЯРИ | 36 | 8 | 9 | 19 | 37-54 | 33 |
| 15 ВЕРОНА | 36 | 9 | 6 | 21 | 31-64 | 33 |
| 16 ПАРМА | 36 | 6 | 14 | 16 | 41-56 | 32 |
| 17 ЛЕЧЧЕ | 36 | 6 | 10 | 20 | 25-58 | 28 |
| 18 ЭМПОЛИ | 36 | 5 | 13 | 18 | 29-56 | 28 |
| 19 ВЕНЕЦИЯ | 35 | 4 | 14 | 17 | 28-49 | 26 |
| 20 МОНЦА | 36 | 3 | 9 | 24 | 27-64 | 18 |

**ТЎПУРАРЛАР**

**Ретеги** (Аталанта) - **24та**
**Кин** (Фиорентина) - **17та**
**Тюрам** (Интер) - **14та...**

**КЕЛГУСИ ЎЙИНЛАР**

**37-ТУР**

**18 май (якшанба)**
18:00 Ювентус - Удинезе
18:00 Рома - Милан
18:00 Парма - Наполи
18:00 Монца - Эмполи
18:00 Лечче - Торино
18:00 Интер - Лацио
18:00 Верона - Комо
18:00 Женоа - Аталанта
18:00 Фиорентина - Болонья
18:00 Кальяри - Венеция

АНГЛИЯ ПРЕМЬЕР-ЛИГАСИ. 36-ТУР

# ЕЛ ФИНАЛЧИЛАРИГА ҚАРАНГ...

**ЕЛда финалга чиққан «МЮ» ва «Тоттенхэм» АПЛда яна мағлубият домига тушди бир хил ҳолатда. Яъни «қизил иблислар» ўз майдонларида «Вест Хэм»дан 2та жавобсиз гол қабул қилишди, «шпорлар» эса қадрдон ареналарида «Кристал Пэлас»дан. Икки жамоа шу тариқа жадвалда 16-17-ўринларга сурилди - ақлга сиғмас манзара...**

*** **«Манчестер Сити»** 2 ойдан буён ютқазмаяпти - 10та ўйинда 7та ғалаба ва 3та дуранг.

*** **«Саутгемптон»** 2,5 йил бадалига АПЛда «Манчестер Сити»дан илк марта очко олди. «Авлиёлар» шунингдек, 2021 йилдан буён «шаҳарликлар»га биринчи марта гол уриш имкониятини беришмади.

*** **Олли Уоткинс** «Астон Вилла» учун АПЛда 75-голини уриб, клуб рекодчиси Габриэль Агбонлахордан ўзиб кетди.

*** **«Брентфорд»**нинг АПЛдаги ғалабали серияси 4та ўйинга етди. Жамоа чемпионатнинг юқори лигасида охирги марта 86 йил олдин шундай серия қайд этганди.

*** **«Челси»** АПЛда март ойидан буён илк марта мағлубиятга учради. Лондонликлар бунга қадар каторасига 6та ўйиндан 4таси ғалаба қозониб, 2тасини дуранг натижа билан якунлашганди.

*** «Челси» ҳужумчиси **Николас Жексон** жорий мавсум АПЛда 4 марта қизил карточка олди. Бу сенегаллик футболчининг 2025 йилдаги самарали ҳаракатлари сони (3та)дан кўп.

«Ньюкасл» - «Челси» - 2:0




➤ «Қарғалар» «аристократлар»нинг мағлубиятсиз серияларини узиб қўйишди...

**10 май**

**ФУЛХЭМ - ЭВЕРТОН - 1:3 (1:1)**
Лондон. 27653 томошабин.
**Голлар:** Хименес (17) - Миколенко (45+3), Кин (70), Бету (73).

**ИПСВИЧ - БРЕНТФОРД - 0:1 (0:1)**
Ипсвич. 29511 томошабин.
**Гол:** Шаде (18).

**САУТГЕМПТОН - МАНЧЕСТЕР СИТИ - 0:0**
Саутгемптон. 30937 томошабин.
**Манчестер Сити:** Эдерсон, Льюис (Савиньо, 76), Аканжи, Диаш, Гвардиол, Бернарду Сильва, Макети (Доку, 46), Ковачич (Мармуш, 86), де Брюйне, Фоден (Нико , О'Райли, 76), Холанд.

**ВУЛВЕРХЭМПТОН - БРАЙТОН - 0:2 (0:1)**
Вулверхэмптон. 31297 томошабин.
**Голлар:** Уэлбек (28-пен.), Груда (85).

**БОРНМУТ - АСТОН ВИЛЛА - 0:1 (0:1)**
Борнмут. 10000 томошабин.
**Гол:** Уоткинс (45+6).
**Астон Вилла:** Мантинес, Кэш, Конса, Мингс (Торрес, 70), Динь, Камара, Онана, Рожерс (Маатсен, 90), Асенсио (Макгин, 70), Рэмзи, Уоткинс.
**Четлатиш:** Рэмзи (80, А.).

**11 май**

**НЬЮКАСЛ - ЧЕЛСИ - 2:0 (1:0)**
Ньюкасл. 52231 томошабин.
**Голлар:** Тонали (2), Гимараэс (90+1).
**Челси:** Санчес, Кайседо, Чалоба (Санчо, 75), Колуилл, Кукурелья, Лавиа (Гюсто, 75), Фернандес, Нету, Палмер, Мадуэке (Жеймс, 46), Жексон.
**Четлатиш:** Жексон (36, Ч.).

**МЮ - ВЕСТ ХЭМ - 0:2 (0:1)**
Манчестер. 73804 томошабин.
**Голлар:** Соучек (26), Боуэн (57).
**МЮ:** Байиндир, Мазрауи, Йоро

(Магуайр, 52), Шоу (Линделёф, 52), Дьялло (Эриксен, 83), Майну, Угарте (Доргу, 59), Амасс, Бруну Фернандеш, Маунт (Гарначо, 59), Хойлунд.
**Вест Хэм:** Ареоля, Тодибо (Мавропанос, 83), Килмен, Крессуэлл, Цоуфал (Эмерсон, 83), Родригес (Альварес, 64), Уорд-Проуз, Соучек, Ван-Биссака, Қуддус (Фюллькруг, 73), Боуэн (Солер, 73).

**НОТТИНГЕМ ФОРЕСТ - ЛЕСТЕР - 2:2 (1:1)**
Ноттингем. 30245 томошабин.
**Голлар:** Гиббс-Уайт (25), Вуд (56) - Коди (16), Буонанотте (81).

**ТОТТЕНХЭМ - КРИСТАЛ ПЭЛАС - 0:2 (0:1)**
Лондон. 60254 томошабин.
**Голлар:** Эзе (45, 48).
**Тоттенхэм:** Кински, Порро (Сон Хюн, Мин, 58), Дансо, Дэвис, Спенс, Сарр, Грей, Кулушевски (Мур, 19), Бентанкур (Биссума, 46), Тель, Одобер.

**ЛИВЕРПУЛЬ - АРСЕНАЛ - 2:2 (2:0)**
Ливерпуль. 55000 томошабин.
**Голлар:** Гакпо (20), Диас (21) - Мартинелли (47), Мерино (70).
**Ливерпуль:** Алиссон, Брэдли (МакАлистер, 66), Конате, ван Дейк, Робертсон, Гравенберх (Эллиотт, 83), Жонс (Александер-Арнольд, 66), Салоҳ, Собослаи, Гакпо (Нуньес, 66), Диас (Жота, 79).
**Арсенал:** Райя, Уайт (Тирни, 78), Салиба, Кивёр, Льюис-Скелли, Эдегор, Парти, Мерино, Сака (Зинченко, 88), Троссард (Калафьори, 78), Мартинелли.
**Четлатиш:** Мерино (79, А.).

## ЧЕМПИОНШИП. «ПЛЕЙ-ОФФ»

### ЯРИМ ФИНАЛ

**9 май**
**БРИСТОЛЬ СИТИ - ШЕФФИЛД ЮНАЙТЕД - 0:3 (0:1)**
**Голлар:** Берроуз (45+3-пен.), Брукс (73), О'Хара (79).
**Жавоб ўйини: 13 май (сешанба)**

**10 май**
**ПРЕСТОН - САНДЕРЛЕНД - 1:2 (0:0)**
**Голлар:** Рудони (70) - Исидор (68), Маенда (88).
**Жавоб ўйини: 14 май (чоршанба)**

## *Ўйиндан кейинги фикрлар*

**Хосеп Гвардиола («Манчестер Сити» бош мураббийи):** - «Саутгемптон» фақат орқада ўтирди - ҳимояланди ва ҳимояланди, вақтни беҳуда ўтказди. Очиғи, рақиб бунчалик чуқур ҳимояланишини кутмагандим. Биз ҳам яхши ҳимояландик, аммо ҳужумда сўнгги қадам етишмади. Эрлинг Холанд майдонда бунчалик кўп ўйнашини ўйламагандир, аммо бизга жарима майдони ичида шундай футболчилар керак эди. Нима дердим, натижани қабул қиламиз, ҳаммаси ўз қўлимизда.

| | Жамоалар | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | ЛИВЕРПУЛЬ | 36 | 25 | 8 | 3 | 83-37 | 83 |
| 2 | АРСЕНАЛ | 36 | 18 | 14 | 4 | 66-33 | 68 |
| 3 | НЬЮКАСЛ | 36 | 20 | 6 | 10 | 68-45 | 66 |
| 4 | МАНЧЕСТЕР СИТИ | 36 | 19 | 8 | 9 | 67-43 | 65 |
| 5 | ЧЕЛСИ | 36 | 18 | 9 | 9 | 62-43 | 63 |
| 6 | АСТОН ВИЛЛА | 36 | 18 | 9 | 9 | 56-49 | 63 |
| 7 | НОТТИНГЕМ Ф. | 36 | 18 | 8 | 10 | 56-44 | 62 |
| 8 | БРЕНТФОРД | 36 | 16 | 7 | 13 | 63-53 | 55 |
| 9 | БРАЙТОН | 36 | 14 | 13 | 9 | 59-56 | 55 |
| 10 | БОРНМУТ | 36 | 14 | 11 | 11 | 55-43 | 53 |
| 11 | ФУЛХЭМ | 36 | 14 | 9 | 13 | 51-50 | 51 |
| 12 | КРИСТАЛ ПЭЛАС | 36 | 12 | 13 | 11 | 46-48 | 49 |
| 13 | ЭВЕРТОН | 36 | 9 | 15 | 12 | 39-44 | 42 |
| 14 | ВУЛВЕРХЭМПТОН | 36 | 12 | 5 | 19 | 51-64 | 41 |
| 15 | ВЕСТ ХЭМ | 36 | 10 | 10 | 16 | 42-59 | 40 |
| 16 | МЮ | 36 | 10 | 9 | 17 | 42-53 | 39 |
| 17 | ТОТТЕНХЭМ | 36 | 11 | 5 | 20 | 63-59 | 38 |
| 18 | ИПСВИЧ | 36 | 4 | 10 | 22 | 35-77 | 22 |
| 19 | ЛЕСТЕР | 36 | 5 | 7 | 24 | 31-78 | 22 |
| 20 | САУТГЕМПТОН | 36 | 2 | 6 | 28 | 25-82 | 12 |

### ТЎПУРАРЛАР

**Салоҳ** (Ливерпуль) - **28та**
**Исак** (Ньюкасл) - **23та**
**Холанд** (Манчестер Сити) - **21та...**

### КЕЛГУСИ ЎЙИНЛАР

**37-ТУР**

**16 май (жума)**
23:55 Челси - МЮ
**18 май (якшанба)**
16:00 Эвертон - Саутгемптон
18:15 Астон Вилла - Тоттенхэм
18:15 Вест Хэм - Ноттингем Форест
19:00 Брентфорд - Фулхэм
19:00 Лестер - Ипсвич
20:30 Арсенал - Ньюкасл
**19 май (душанба)**
23:55 Брайтон - Ливерпуль
**20 май (сешанба)**
23:55 Кристал Пэлас - Вулверхэмптон
23:55 Манчестер Сити - Борнмут

## НИДЕРЛАНДИЯ ЭРЕДИВИЗИОНИ. 32-ТУР

**9 май**
**ВИЛЛЕМ II - ХЕРАКЛЕС - 1:2 (0:1)**
**Голлар:** Бокила (51) - Месик (16), Хорнкамп (66-пен.).

**10 май**
**ВАЛВЕЙК - ХЕРЕНВЕН - 3:1 (1:1)**
**Голлар:** Маргарет (10), Укили (75), Локеса (79) - Николаеску (36-пен.).
**Четлатиш:** Себауи (56, Х.).

**ФОРТУНА - НАК - 1:0 (1:0)**
**Гол:** Сирхейс (30).

**АЛМЕРЕ СИТИ - СПАРТА - 0:3 (0:0)**
**Голлар:** ван Берген (57), Эрдхайзен (68), Хлинссон (90).

**11 май**
**ЗВОЛЛЕ - ГОУ ЭХЕД ИГЛС - 1:1 (0:0)**
**Голлар:** Намли (65) - Линтхорст (50).

**ТВЕНТЕ - УТРЕХТ - 2:0 (1:0)**
**Голлар:** Влап (21), Ротс (57).

**ФЕЙЕНООРД - ПСВ - 2:3 (2:0)**
**Голлар:** Пайшао (5), Рид (10) - Перишич (50), Ланг (73, 90+9).
**Четлатиш:** Рид (90, Ф.).

**АЯКС - НЕК - 0:3 (0:0)**
**Голлар:** Хансен (59), Перейра (67), Уаисса (82).
**Аякс:** Паасвер, Гоэй, Шутало (Янсе, 46), Ругани (Годтс, 59), Хато (Вейндал, 73), Классен, Хендерсон, Тейлор (Мокьо, 73), Траоре (Фиц-Жим, 59), Вегхорст, Бергхейс.

**АЗ - ГРОНИНГЕН - 3:0 (2:0)**
**Голлар:** Мейнанс (9), Поку (30), Мердинк (48).

| | Жамоалар | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | АЯКС | 32 | 23 | 5 | 4 | 63-30 | 74 |
| 2 | ПСВ | 32 | 23 | 4 | 5 | 96-37 | 73 |
| 3 | ФЕЙЕНООРД | 32 | 19 | 8 | 5 | 74-36 | 65 |
| 4 | УТРЕХТ | 32 | 18 | 8 | 6 | 61-44 | 62 |
| 5 | ТВЕНТЕ | 32 | 15 | 9 | 8 | 60-44 | 54 |
| 6 | АЗ | 32 | 15 | 8 | 9 | 54-34 | 53 |
| 7 | ГОУ ЭХЕД ИГЛС | 32 | 13 | 9 | 10 | 53-50 | 48 |
| 8 | ХЕРЕНВЕН | 32 | 11 | 7 | 14 | 40-56 | 40 |
| 9 | ФОРТУНА | 32 | 11 | 6 | 15 | 36-53 | 39 |
| 10 | СПАРТА | 32 | 9 | 11 | 12 | 37-39 | 38 |
| 11 | ГРОНИНГЕН | 32 | 10 | 8 | 14 | 38-49 | 38 |
| 12 | ХЕРАКЛЕС | 32 | 9 | 11 | 12 | 40-57 | 38 |
| 13 | НЕК | 32 | 10 | 7 | 15 | 46-45 | 37 |
| 14 | ЗВОЛЛЕ | 32 | 8 | 11 | 13 | 39-50 | 35 |
| 15 | НАК | 32 | 8 | 8 | 16 | 33-54 | 32 |
| 16 | ВИЛЛЕМ II | 32 | 6 | 7 | 19 | 32-53 | 25 |
| 17 | ВАЛВЕЙК | 32 | 5 | 7 | 20 | 39-69 | 22 |
| 18 | АЛМЕРЕ СИТИ | 32 | 4 | 8 | 20 | 21-62 | 20 |

### ТЎПУРАРЛАР

**Стейн** (Твенте) - **24та**
**Пайшао** (Фейеноорд) - **15та**
**Пэрротт** (АЗ) - **14та...**

ИСПАНИЯ ПРИМЕРОСИ. 35-ТУР

# «ЭЛЬ-КЛАСИКО»НИНГ АЗОБЛИ ТОМОНИ

**«Реал» жорий мавсум 4та «Эль-класико»да ҳам ютқазди ва бу ўйинларда жами 16та гол қўйиб юборди. «Мадрид» бутун тарихида муайян мавсум бирор рақибдан бу қадар кўп гол қабул қилмаганди. «Барселона» эса ғалаба ортидан чемпионлик масаласига нуқта қўйди деярли. Айтганча, Каталония клуби «Эль-класико»даги ғалабалар сони бўйича «Реал»га деярли тенглашди. Ҳозир «Реал»да 105та, «Барселона»да 104та ғалаба бор, яна 52та ўзаро ўйинда кучлар тенг келган.**

=== **«Валенсия»** Ла Лига иккинчи даврасида 32 очко тўплади. Бу орада фақат «Барселона» (44та) ва «Бетис» (33та) кўпроқ очко олди.

=== **«Атлетико»** қаторасига 13-марта ЧЛ йўлланмасини қўлга киритди.

=== **Александер Сёрлот** («Атлетико») Ла Лигадаги энг тезкор «хет-трик» муаллифига айланди. 11-дақиқагача собиқ клуби - «Реал Сосьедад» дарвозасига 3та гол урган (атиги 4 дақиқалик ўйин вақтида) норвегиялик 29 ёшли ҳужумчи Бестит (1929 йил) ва Мундо («Валенсия»)га тегишли чемпионат рекорди (дастлабки 15 дақиқада «хет-трик»)ни янгилади. Қолаверса, Сёрлот 30-дақиқада «покер»ни расмийлаштирди. У 2024 йилнинг 19 май куни «Реал»га қарши баҳсда ҳам 4та гол урганди «Вильярреал» сафида.

=== **Ферран Торрес** 2020 йилнинг февралидан буён Ла Лиганинг 1та ўйинида 3та ассист қайд этган «Барселона»нинг биринчи футболчиси бўлди (Лионель Мессидан кейин).

=== **Лука Модрич** («Реал») 38-«Эль-класико»да қатнашди - 16та ғалаба, 5та дуранг ва 17та мағлубият. Хорватиялик фахрий ярим ҳимоячи «Эль-класико»да энг кўп мағлубиятга учраган 3 нафар футболчидан бирига айланди.

=== **Килиан Мбаппе** «Реал»даги дебют мавсумида 39та гол урди. Франциялик ҳужумчи шу тариқа «Мадрид»даги илк мавсумида 37та гол тўплаган Иван Саморано рекордини янгилади. Мбаппе шунингдек, кетма-кет 3та «Эль-класико»да гол урди (5та).

«Барселона» - «Реал» - 4:3



➤ «Эль-класико»ни тортишувларсиз тасаввур қилиш мумкинми...?

**9 май**

**ЛАС-ПАЛЬМАС - РАЙО ВАЛЬЕКАНО - 0:1 (0:0)**
Лас-Пальмас. 20577 томошабин.
**Гол:** Альваро Гарсия (66).

**10 май**

**ВАЛЕНСИЯ - ХЕТАФЕ - 3:0 (3:0)**
Валенсия. 43357 томошабин.
**Голлар:** Пепелу (8-пен.), Диего Лопес (18), Дуро (37-пен.).

**СЕЛЬТА - СЕВИЛЬЯ - 3:2 (1:1)**
Виго. 20281 томошабин.
**Голлар:** Мориба (19), Мингеса (65), Иглесиас (90+1) - Гудель (45+8-пен.), Салас (90+8).
**Четлатиш:** Алонсо (45+6, Сель.).

**ЖИРОНА - ВИЛЬЯРРЕАЛ - 0:1 (0:0)**
Жирона. 12011 томошабин.
**Гол:** Эйонг (89).

**МАЛЬОРКА - ВАЛЬЯДОЛИД - 2:1 (1:1)**
Мальорка. 16018 томошабин.
**Голлар:** Маскарель (28), Дардер (50) - Чуки (11).

**АТЛЕТИКО - РЕАЛ СОСЬЕДАД - 4:0 (4:0)**
Мадрид. 59612 томошабин.
**Голлар:** Сёрлот (7, 10, 11, 30).

**11 май**

**ЛЕГАНЕС - ЭСПАНЬОЛ - 3:2 (2:0)**
Леганес. 11669 томошабин.
**Голлар:** Сиссе (33), Диоманде (41), Кумбула (63-авт.) - Кабрера (79), Милья (90+8).

**БАРСЕЛОНА - РЕАЛ - 4:3 (4:2)**
Барселона. 50319 томошабин.
**Голлар:** Гарсия (19), Ямал (32), Рафинья (34, 45) - Мбаппе (5-пен., 14, 70).
**Барселона:** Шесни, Гарсия (Форт, 78), Кубарси (Кристенсен, 57), Мартинес, Мартин (Бальде, 58), де Йонг, Педри, Ямал, Ольмо (Лопес, 77), Рафинья, Торрес (Гави, 89).
**Реал:** Куртуа, Гарсия, Тчуамени, Асенсио, Васкес (Эндрик, 84), Себальос (Диас, 46), Вальверде, Винисиус (Муньос, 88), Беллингем, Гюлер (Модрич, 46), Мбаппе.

**АТЛЕТИК - АЛАВЕС - 1:0 (0:0)**
Бильбао. 47947 томошабин.
**Гол:** Санчес (71-авт.).

**БЕТИС - ОСАСУНА - 1:1 (0:0)**
Севилья. 40000 томошабин.
**Голлар:** Кучо Эрнандес (64) - Будимир (75).

## Ўйиндан кейинги фикрлар

**Ханс-Дитер Флик («Барселона» бош мураббийи):** - Биз чемпионмизми? Йўқ ҳали. Ҳа, яхши ҳолатдамиз, аммо яна 3 очко олишимиз керак. Ахир барча рақиблар бизни енгишни хоҳлайди. Биринчи навбатда, юрагимни текширтиришим керак. Мудофаани сезиларли даражада яхшилашимиз шарт. Унвон? 3та соврин ютсак, ажойиброқ бўларди...

| | Жамоалар | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | БАРСЕЛОНА | 35 | 26 | 4 | 5 | 95-36 | 82 |
| 2 | РЕАЛ | 35 | 23 | 6 | 6 | 72-37 | 75 |
| 3 | АТЛЕТИКО | 35 | 20 | 10 | 5 | 60-27 | 70 |
| 4 | АТЛЕТИК | 35 | 17 | 13 | 5 | 51-26 | 64 |
| 5 | ВИЛЬЯРРЕАЛ | 35 | 17 | 10 | 8 | 61-47 | 61 |
| 6 | БЕТИС | 35 | 16 | 10 | 9 | 53-43 | 58 |
| 7 | СЕЛЬТА | 35 | 14 | 7 | 14 | 55-54 | 49 |
| 8 | МАЛЬОРКА | 35 | 13 | 8 | 14 | 33-40 | 47 |
| 9 | РАЙО ВАЛЬЕКАНО | 35 | 12 | 11 | 12 | 37-42 | 47 |
| 10 | ВАЛЕНСИЯ | 35 | 11 | 12 | 12 | 43-51 | 45 |
| 11 | ОСАСУНА | 35 | 10 | 15 | 10 | 43-51 | 45 |
| 12 | РЕАЛ СОСЬЕДАД | 35 | 12 | 7 | 16 | 32-41 | 43 |
| 13 | ХЕТАФЕ | 35 | 10 | 9 | 16 | 31-34 | 39 |
| 14 | ЭСПАНЬОЛ | 35 | 10 | 9 | 16 | 38-47 | 39 |
| 15 | ЖИРОНА | 35 | 10 | 8 | 17 | 41-53 | 38 |
| 16 | СЕВИЛЬЯ | 35 | 9 | 11 | 15 | 39-49 | 38 |
| 17 | АЛАВЕС | 35 | 8 | 11 | 16 | 35-47 | 35 |
| 18 | ЛЕГАНЕС | 35 | 7 | 13 | 15 | 35-53 | 34 |
| 19 | ЛАС-ПАЛЬМАС | 35 | 8 | 8 | 19 | 40-57 | 32 |
| 20 | ВАЛЬЯДОЛИД | 35 | 4 | 4 | 27 | 26-85 | 16 |

### ТЎПУРАРЛАР

**Мбаппе** (Реал) - **27та**
**Левандовски** (Барселона) - **25та**
**Будимир** (Осасуна) - **19та...**

### КЕЛГУСИ ЎЙИНЛАР

**36-ТУР**

**13 май (сешанба)**
22:00 Вальядолид - Жирона
23:00 Реал Сосьедад - Сельта
00:30 Севилья - Лас-Пальмас

**14 май (чоршанба)**
22:00 Алавес - Валенсия
22:00 Вильярреал - Леганес
00:30 Реал - Мальорка

**15 май (пайшанба)**
22:00 Осасуна - Атлетико
22:00 Райо Вальекано - Бетис
00:30 Хетафе - Атлетик
00:30 Эспаньол - Барселона

## ТУРКИЯ СУПЕР-ЛИГАСИ. 35-ТУР

trendyol SüperLig

**9 май**

**ИСТАНБУЛ - ФЕНЕРБАХЧЕ - 1:4 (0:1)**
**Голлар:** Бейз (90+1) - Мюлдюр (44), Шкриньяр (60), ал Носири (86), Айдин (90+3).
**Фойдаланилмаган пенальти:** Пёнтек (20, И.).
**Фенербахче:** Ливакович, Карлос (Осайи-Самуэль, 46), Амрабат, Шкриньяр, Костич, Мюлдюр, Фред (Шиманьски, 79), Юксек (Қаҳвежи, 85), Тадич, Жеко (ал Носири, 71), Талиска (Айдин, 85).

**ГАЗИАНТЕП - АЛАНИЯСПОР - 0:1 (0:0)**
**Гол:** Шпорар (52).
**Четлатиш:** Виана (80, Г.).

**10 май**

**КОНЬЯСПОР - РИЗЕСПОР - 2:1 (0:0)**
**Голлар:** Найир (47, 77) - Вaресанович (71).
**Ризеспор:** Грбич, Хойер, **Хусниддин Алиқулов,** Акайдин, Шахин, Пала (Эмюр, 46), Озжан (Акинтола, 84), Зекири (Геззал, 84), Варесанович (Юречка, 89), Олавойин, Соу.

**ЭЮПСПОР - ҚОСИМПОШО - 0:3 (0:1)**
**Голлар:** да Кошта (38, 64), Келеш (90+1).

**ТРАБЗОНСПОР - ГАЛАТАСАРОЙ - 0:2 (0:0)**
**Голлар:** Бардакжи (66), Мората (84).
**Галатасарой:** Муслера, Якобс (Кутлужу, 90), Санчес, Бардакжи, Шаллаи, Торрейра, Йилмаз (Элмали, 82), Сара (Мората, 77), Лемина (Франковски, 90+1), Акгюн (Айхан, 90+1), Осимхен.

**11 май**

**СИВАССПОР - БОДРУМСПОР - 0:0**
**Сивасспор:** Вурал, Палули, Радакович, Камара, Чифтчи, Жигержи, Койта, Мутуссами (Башсан, 81), Харисис, Родригеш (Беке, 71), Манай (Шимич, 82).

**БЕШИКТОШ - АДАНА - 4:1 (2:1)**
**Голлар:** Рафа Сильва (29), Рашица (44), Иммобиле (62), Жоау Мариу (83) - Куртулан (45+8).
**Бешиктош:** Дестаноглу, Свенссон, Палуиста, Удуохай (Терзи, 20; Уйсал, 86), Масуаку, Хазиахметович, Окслейд-Чемберлен (Ҳекимоглу, 11; Киличсой, 86), Рашица (Арройо, 73), Жедсон, Рафа Сильва, Иммобиле (Жоау Мариу, 73).

**ГЁЗТЕПЕ - ХАТАЙСПОР - 1:1 (1:1)**
**Голлар:** Канацизкуш (19) - Бутобба (27).
**Четлатиш:** Страндберг (79, Х.).

---

**12 май (душанба)**
22:00 ҚАЙСАРИСПОР - АНТАЛИЯСПОР



«Истанбул» - «Фенербахче» - 1:4

| | Жамоалар | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | ГАЛАТАСАРОЙ | 33 | 27 | 5 | 1 | 84-31 | 86 |
| 2 | ФЕНЕРБАХЧЕ | 33 | 24 | 6 | 3 | 84-33 | 78 |
| 3 | БЕШИКТОШ | 33 | 16 | 10 | 7 | 53-33 | 58 |
| 4 | САМСУНСПОР | 33 | 17 | 6 | 10 | 50-38 | 57 |
| 5 | ИСТАНБУЛ | 33 | 15 | 6 | 12 | 55-49 | 51 |
| 6 | ЭЮПСПОР | 34 | 14 | 8 | 12 | 49-44 | 50 |
| 7 | ГЁЗТЕПЕ | 33 | 12 | 11 | 10 | 54-41 | 47 |
| 8 | ТРАБЗОНСПОР | 33 | 12 | 10 | 11 | 53-42 | 46 |
| 9 | ҚОСИМПОШО | 33 | 11 | 13 | 9 | 57-56 | 46 |
| 10 | КОНЬЯСПОР | 34 | 13 | 7 | 14 | 43-46 | 46 |
| 11 | АНТАЛИЯСПОР | 32 | 12 | 7 | 13 | 35-55 | 43 |
| 12 | ГАЗИАНТЕП | 33 | 12 | 6 | 15 | 41-46 | 42 |
| 13 | ҚАЙСАРИСПОР | 32 | 10 | 11 | 11 | 40-50 | 41 |
| 14 | РИЗЕСПОР | 33 | 12 | 4 | 17 | 39-52 | 40 |
| 15 | АЛАНИЯСПОР | 33 | 10 | 8 | 15 | 38-48 | 38 |
| 16 | СИВАССПОР | 34 | 9 | 8 | 17 | 44-57 | 35 |
| 17 | БОДРУМСПОР | 33 | 9 | 8 | 16 | 24-37 | 35 |
| 18 | ХАТАЙСПОР | 33 | 4 | 8 | 21 | 36-67 | 20 |
| 19 | АДАНА | 33 | 2 | 4 | 27 | 29-83 | 4 * |

** - «Адана»дан 6 очко олиб ташланди.*

### ТЎПУРАРЛАР

**Осимхен** (Галатасарой) - **24та**
**Пёнтек** (Истанбул) - **21та**
**Банза** (Трабзонспор) - **19та...**

### КЕЛГУСИ ЎЙИНЛАР

**36-ТУР**

**18 май (якшанба)**
22:00 Галатасарой - Қайсариспор
22:00 Қосимпошо - Истанбул
22:00 Ризеспор - Гёзтепе
22:00 Анталияспор - Газиантеп
22:00 Адана - Хатайспор
22:00 Аланияспор - Бешиктош
22:00 Фенербахче - Эюпспор
22:00 Бодрумспор - Трабзонспор
22:00 Самсунспор - Сивасспор



Федерико ГАТТИ:

# «КУЧЛИ ТЎРТЛИКДАН ЖОЙ ОЛИШИМИЗ ШАРТ»

**Март ойи охирида жароҳат туфайли сафдан чиққан «Ювентус» ҳимоячиси Федерико Гатти имкон қадар тезроқ тикланиш ҳаракатида. 28 апрель куни Коверчанода ташкиллаштирган USSI тадбирида қатнашган футболчи ҳозирги ҳолати юзасидан маълумот бериш баробарида «Юве»даги фаолиятига ҳам қисқача тўхталди. Дарвоқе, ушбу тадбирда Жанлуижи Буффон ва Жан Пьер Гасперини ҳам кўриниш беришди.**

Италиялик ҳимоячи «А» серия 30-туридан ўрин олган баҳсда «Женоа» ҳужумчиси Андреа Пинамонти билан тўқнашув оқибатида майдондан эрта чиқиб кетишга мажбур бўлганди. Турин клуби тиббий хизмати маълумотига кўра, Гаттида товон суягининг мураккаб синиши аниқланди. «Агар ўзимга қўйиб беришганида, ўша учрашувда охиригача майдонда қолардим. Аммо шифокорлар жароҳат жиддийлигини айтиб, ўйнашимга руҳсат беришмади. Ҳозир имкон қадар тезроқ соғайиш ҳаракатидаман. Эҳтимол, май ойи ўрталаридан машғулотларга қайтарман, барчаси ўзимни қандай ҳис қилишимга боғлиқ», - деди Гатти ўз ҳолати ҳақида.

Федерико суҳбат давомида «Юве»нинг ҳозирги натижаларидан мутлақо қониқмаётганини яширгани йўқ. Унинг фикрича, «кекса синьора» жорий мавсум камида ЧЛ йўлланмасини қўлга киритиши шарт: «Финишда лоақал 4-ўриндан жой олишимиз керак. Ҳар қандай йўл билан бажаришимиз зарур бўлган минимал вазифа шу. Тўғри, бизни олдинда мураккаб сафар ўйинлари ҳам кутиб турибди ва катта эҳтимолки, барчаси уларда қандай натижа қайд этишимизга боғлиқ. Ҳар қандай ҳолатда энг кичик имкониятдан ҳам максимал даражада фойдаланишимиз шарт. Очиғини айтаман, ҳозирги натижалардан мутлақо қониқмаяпмиз. Назаримда, «А» серияда кучли тўртликка кириш рақобати ҳеч қачон бу қадар кескин тус олмаганди. Умуман, биз учун мавсумнинг энг муҳим қисми энди бошланмоқда».

Италиялик ҳимоячи АПЛнинг бир қатор клублари, жумладан, «Ноттингем Форест» ва «Ньюкасл»дан таклиф олганига қарамай, «Юве» билан амалдаги шартномаси муддатини 2029 йилгача узайтириш масаласида музокара бошлади. Бироқ Gazzetta dello Sport хабарига кўра, Гатти янги келишувга имзо чеккан тақдирда ҳам, клуб жиддий таклифларни кўриб чиқади. Фақат харидор жамоа футболчи трансферига чамаси 25-30 миллион евро ажратса, бас. Федериконинг ўзи эса «Альянц Стадиум»дан кетишни ўйлаётгани йўқ: «Юве»да бахтиёрликни туяётган бўлсамда, эҳтимолий трансферимга оид гап-сўзлар юрагимга оғир ботмоқда. Ваҳоланки, бу йил шахсий даражада энг яхши мавсумни ўтказяпман. Бундан кейин ҳам жамоага қўлдан келганича

ёрдам бермоқчиман. Гапнинг лўндасини айтганда, туринликман ва она шаҳрим жамоасида ўйнаяпман - бу болалик орзуларимнинг рўёби».

Гатти якунда «Ювентус»нинг келажакдаги етакчиси сифатида таърифланаётган туркиялик иқтидор Кенан Йилдиз салоҳияти ҳақида ҳам фикр билдирди: «Кенаннинг ота-онаси ва яқинларини яхши биламан. Улардаги футболга муносабат Йилдиз келажакда буюк футболчига айланиши учун ажойиб имкониятдир. Ҳар ҳолда, йигитча тўлиқ қўллаб-қувватланишни ҳис қилмоқда. Биламан, мухлислар баъзан Кенанни кескин танқид остига олишмоқда. Аммо ишонаманки, у кун келиб, жамоамизнинг энг асосий футболчиларидан бири бўлади».

Манба: jufc.ru,
МУҲАММАДХОН тайёрлади



## ДРИБЛИНГЧИЛАР РЕЙТИНГИ

GiveMeSport талқинидаги рейтинг бўйича «ПСЖ» клуби ва Грузия миллий жамоаси вингери Хвича Кварацхелия айни пайт дунёнинг энг яхши дриблингчиси бўлиб турибди. Рўйхат тузишда турли мезонлар ҳисобга олинган: дриблинглар сони, омадли уринишлар миқдори, рақобат даражаси, футболчининг ҳаракатланиш услуби.

**Жаҳон футболининг амалдаги энг кучли дриблингчилари (GiveMeSport талқини)**

1. Хвича Кварацхелия («ПСЖ»)
2. Райан Шерки («Лион»)
3. Жамол Мусиала («Бавария»)
4. Винисиус Жуниор («Реал»)
5. Усмон Дембеле («ПСЖ»)
6. Лионель Месси («Интер Майами»)
7. Ламин Ямал («Барселона»)
8. Дезире Дуэ («ПСЖ»)
9. Нико Уильямс («Атлетик»)
10. Килиан Мбаппе («Реал»)

## СУБИМЕНДИ ТРАНСФЕРИ БЎЙИЧА КЕЛИШУВ




Инсайдер Фабрицио Романонинг ёзишича, «Арсенал» ва «Реал Сосьедад» клублари ярим ҳимоячи Мартин Субименди трансфери бўйича келишувга эришди. Хабарда айтилишича, испаниялик 26 ёшли футболчи Лондон клуби билан узоқ муддатли шартнома тузишга рози. Кутилишича, томонлар яқин орада трансфер масаласида расман ҳаракат бошлашади. «Арсенал» жорий мавсум «Сосьедад»нинг жами 44та ўйинида 2тадан гол ва ассист муаллифига айланган Субименди трансфери йўлида чамаси 60 млн. евро сарфлашга тайёр. Transfermarkt портали амалдаги клуби билан шартномаси 2027 йилнинг ёзигача мўлжалланган футболчи ҳуқуқини айнан 60 «лимон»га баҳоламоқда.

Интернет хабарлари асосида Р.ИБРОҲИМОВ тайёрлади

## Қисқа сатрларда

❖ ❖ ❖ ❖ ❖

«Интер Майами» MLSнинг навбатдаги турида «Миннесота Юнайтед» меҳмони бўлиб, 1:4 ҳисобида енгилди. Флорида жамоасининг ягона голига Лионель Месси муаллифлик қилди. Шу билан аргентиналик юлдуз жорий мавсум 10та гол маррасига етди. Жами 15та ўйиндан сўнг Месси ҳисобида 2та самарали узатма ҳам бор.

❖ ❖ ❖ ❖ ❖

Италиялик Марко Росси Венгрия миллий жамоаси бош мураббийи ролидаги ишини давом эттиради. Янги келишув 2030 йилнинг ёзигача амалда бўлади. «Брешия» ва «Сампдория» клублари собиқ футболчиси Венгрия термаси бошқарувини 2018 йили қўлга олганди.

❖ ❖ ❖ ❖ ❖

Сеск Фабрегас «А» сериянинг апрель ойидаги энг яхши мураббийи бўлди. Чунончи, испаниялик мутахассиснинг жамоаси - «Комо» ўтган ой Италия чемпионатининг 4та ўйинида 4та ғалабага эришди умумий 8:1 ҳисобида.

❖ ❖ ❖ ❖ ❖

«Фиорентина» бош мураббийи Раффаэле Палладино амалдаги шартномаси муддатини узайтирди. Унга кўра, италиялик мутахассис «бинафшаранглар»га 2027 йилнинг июнигача устозлик қилади. Ўз ўрнида айтиш керак, Палладино бу мавсум «Фио»ни КЛ ярим финалига олиб чиқди.

## «РЕАЛ» НИҲОЯТДА МИННАТДОР




«Барселона»нинг «Эль-класико» олдидан ЧЛда муваффақиятсизликка учрагани «Реал» мухлисларини тўлқинлантириб юборди. El Chiringuito хабарига кўра, Миландаги ўйиннинг эртасига «Реал» машғулотлар базасида алоҳида баннер ҳам пайдо бўлди: Grazie Inter («Раҳмат, «Интер»). Мадридликлар азалий рақибни доғда қолдирган Италия клубига шу тариқа миннатдорчилик билдиришди.

## ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИ ТАНЛОВИ - САЛОҲ

Англия футбол журналистлари уюшмаси «Ливерпуль» вингери Муҳаммад Салоҳни мавсумнинг энг яхши футболчиси сифатида эътироф этди. Эътиборлиси, мисрлик футболчи ташкилотга аъзо 900 нафардан ортиқ журналист иштирок этган сўровда 90 фоиз овоз олиб, 21-асрдаги энг юқори натижага эришди. Қолаверса, Салоҳ журналистлар уюшмаси совринини 3-марта қўлга киритиб, Тьерри Анри ўрнатган рекордни такрорлади. У 2018 ва 2022 йиллар ҳам Англияда тенгсиз бўлганди ОАВ вакиллари талқини бўйича.

## АЁЛЛАР МУНДИАЛИ ЯНА КЕНГАЯДИ...

The Times журналисти Мартин Зиглернинг қайд этишича, аёллар ўртасидаги ЖЧ иштирокчилари сони 48тага оширилади. ФИФА кенгаши қарорига мувофиқ, мусобақа 2031 йилдан янги форматда ўтказилади. Ушбу турнирга АҚШ мезбонлик қилиши аниқ.

**Аёллар ўртасидаги ЖЧ эволюцияси**

1991-1995 - 12та жамоа
1999-2011 - 16та жамоа
2015-2019 - 24та жамоа
2031-... - 48та жамоа

## РОНАЛДУ ПОРТУГАЛИЯГА ҚАЙТАДИМИ?

Marca нашрида ёзилишича, «Ал-Наср» ҳужумчиси Криштиану Роналдунинг Саудия Арабистони чемпионати 30-туридан ўрин олган «Ал-Иттиҳод»га қарши ўйин (2:3)дан кейинги хатти-ҳаракати сабаб клуб раҳбарияти ўз позициясини ўзгартириши мумкин. Гап шундаки, португалиялик юлдуз финал ҳуштагидан сўнг майдондан норозиликка йўғрилган имо-ишоралар билан чиқиб кетди. Таъкидланишича, ҳозирда янги шартнома масаласида бошланган музокара жараёни тўхтаб қолган. Ваҳоланки, олдинроқ Криш ҳамкорлик муддатини 2 мавсумга узайтиришга розилиги айтилганди. Унинг амалдаги битими эса июнь ойида ўз кучини йўқотади. Шу хабар фонида 40 ёшли Роналдунинг илк клуби - «Спортинг»га қайтиши эҳтимоли ҳақида гап-сўзлар тарқалди. Жумладан, Fichajes портали хабарида айтилишича, лиссабонликлар жамоадан кетиши ойдинлашган Виктор Дьокереш ўрнини айнан Роналду билан тўлдириш имкониятини ўрганишмоқда. Криштиану жорий мавсум жами 39та ўйинда 33та гол ва 4та ассист қайд этганини қўшимча қилиш жоиз.

## Қисқа сатрларда

❖ ❖ ❖ ❖ ❖

«Рома»ни яна равон йўлга олиб чиққан Клаудио Раньери мухлислар талқини бўйича, «А» сериянинг жорий мавсумдаги энг яхши мураббийи сифатида эътироф этилди. Panini ва Aiac гуруҳлари томонидан ўтказилган сўровда 58 фоиз овоз тўплаган қария мутахассис «Наполи» бош мураббийи Антонио Контени ортда қолдирди. Энди Клаудио бобо шарафига махсус ҳайкалча ясалади ва соврин сифатида унинг ўзига топширилади.

❖ ❖ ❖ ❖ ❖

«Арсенал» ҳам «Аталанта» вингери Адемола Лукмонни АПЛга қайтариш ниятида. Инсайдер Флориан Плеттенбергнинг хабар беришича, «тўпчилар» нигериялик футболчини ёзги трансферлар режасига киритишган. Лукмоннинг ўзи ҳам Англия чемпионатига қайтиш тарафдори. Олдинроқ унга «Ливерпуль» ва «Ювентус» жиддий қизиқаётгани ҳақида хабарлар тарқалганди.

❖ ❖ ❖ ❖ ❖

«Сампдория» ҳужумчиси Массимо Кода «Катанзаро»га қарши ўйиннинг 50-дақиқасида «B» сериядаги 135-голини нишонлади. У шу аснода 20 йил олдин италиялик Стефан Швох томонидан ўрнатилган лига рекордини такрорлади. «B» серия тарихидаги энг яхши голеадорларнинг натижалари нисбатан пастлигига сабаб шуки, кучли ҳужумчилар одатда лигада узоқ вақт қолишмайди.

❖ ❖ ❖ ❖ ❖

«Рома» сардори Лоренцо Пеллегрини жароҳат туфайли жорий мавсум охиригача майдонга тушолмайди. Ярим ҳимоячи клуб машғулотларида ўнг сон мушакларини шикастлаб олди. Il Messaggero нашри тахминига кўра, футболчининг жароҳати жамоадаги келажагига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Пеллегрининг амалдаги шартномаси 2026 йилнинг ёзигача мўлжалланганини айтиш жоиз.

## АПРЕЛЬ ЛАУРЕАТЛАРИ - ВИТОР ПЕРЕЙРА ВА МАКАЛЛИСТЕР

«Вулверхэмптон» устози Витор Перейра АПЛда апрель ойининг энг яхши мураббийи сифатида тан олинди. Португалиялик мутахассис мухлислар ва экспертлар қатнашган сўровда Унаи Эмери («Астон Вилла»), Хосеп Гвардиола («Манчестер Сити»), Эдди Хау («Нью-касл») ва Арне Слот («Ливерпуль»)ни ортда қолдирди. Эътиборлиси, «бўрилар» ўтган ой чемпионат доирасидаги 5та ўйинда 100 фоизлик натижа кўрсатишганди. Футболчилар орасида эса «Ливерпуль» хав-







беки Алексис МакАллистер тенгсиз бўлди. Сўровга аргентиналик ярим ҳимоячидан ташқари, Райан Аит-Нури («Вулверхэмптон»), Харви Барнс («Ньюкасл»), Жейкоб Мёрфи («Ньюкасл»), Морган Рожерс («Астон Вилла»), Райан Сессеньон («Фулхэм») ва Йорген Странд Ларсен («Вулверхэмптон») номзоди қўйилганди. 26 ёшли лауреат апрель ойида АПЛнинг 5та ўйинида 2та гол ва 1та ассист қайд этганини қўшимча қилиш жоиз.

## ЁЗДА ОСИЁ ТУРНЕСИ

«Барселона» ёзда Осиё бўйлаб сафарга чиқади. Режага мувофиқ, каталонияликлар аввалига Японияда 1та ўртоқлик ўйини ўтказишади. Жамоа шундан кейин Ж.Кореяда ташкиллаштириладиган 2та назорат учрашувида қатнашади. Кутилишича, «Барселона» Осиё турнесига барча етакчи футболчилари билан чиқади ва 21 июль - 4 август оралиғидаги 3та ўйин ортидан камида 15 млн. евро ишлаб олади.

**Интернет хабарлари асосида Равшан ИБРОҲИМ тайёрлади**


## ЭЪЛОНЛАР

Асака туманида фаолият кўрсатаётган Якка тартибдаги тадбиркор Qo'ldashov Ilxomjon Ravshanbekovich (ЖШИР: 31303911410020)нинг думалоқ муҳри ва тўртбурчак тамғаси йўқолганлиги
**БИЛДИРИЛАДИ.**

Избоскан туманида жойлашган «Sofiya busines woman textile» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 310184067)нинг думалоқ муҳри ва тўртбурчак тамғаси йўқолганлиги
**БИЛДИРИЛАДИ.**

Булоқбоши туманида жойлашган «Muhlisabonu kelajak sari» хусусий корхонаси (СТИР: 302195190)нинг думалоқ муҳри ва тўртбурчак тамғаси йўқолганлиги
**БИЛДИРИЛАДИ.**

Избоскан туманида жойлашган «Auto sale trade-in center» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 310011621)нинг думалоқ муҳри ва тўртбурчак тамғаси йўқолганлиги
**БИЛДИРИЛАДИ.**

Андижон шаҳрида жойлашган «Porloq tekstil ravnaqi» оилавий корхонаси (СТИР: 307555238)нинг думалоқ муҳри ва тўртбурчак тамғаси йўқолганлиги
**БИЛДИРИЛАДИ.**

Бўстон туманида жойлашган «Sardorbek trade cooperation 22» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 306865288)нинг думалоқ муҳри ва тўртбурчак тамғаси йўқолганлиги
**БИЛДИРИЛАДИ.**



**МУАССИСЛАР:**
«ИНТЕРФУТБОЛМЕДИА» МЧЖ, «ОЛМАЗОР-КОСОН» ХКК

**Бош муҳаррир:**
Аҳадхон **АБДУҲАМИТОВ**

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 25 июнда 0149-сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинган



© InterFUTBOLда берилган материаллар таҳририят рухсатисиз кўчириб босилиши мумкин эмас. Таҳририятнинг муаллифлик ҳуқуқи амалдаги қонунларга биноан ҳимояланган



Газета ҳафтанинг сешанба ва пайшанба кунлари чоп этилади

Интернетдаги веб-саҳифа:
www.interfutbol.uz, ww.iff.uz

ZAKOVAT NASHRIYOT UYI МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
**Босмахона манзили:**
Косонсой шаҳри. Садача кўчаси-17

Формати А-4.
Нашр кўрсаткичи: 629.
Чоп этишга топшириш вақти: 9:00.
Топширилди: 9:00
Буюртма: 11518
Адади: 7000

ISSN 2181-5437

*Дизайнерлар:*
*Равшанхон ИБРОҲИМОВ, Жаҳонгир АБДУВАЛИХЎЖАЕВ*



Манзилимиз: 160300, Косонсой шаҳри, Садача-17.
Тел: 69-652-43-70, 69-652-43-47
E-mail: interfutbol@yandex.com, zakovat@gmail.com



*Баҳоси келишилган нархда*

**Нашр учун масъул навбатчи:**
**М.ПЎЛАТОВ**

# «БУДЁ» ЎЙИНИ УЧУН НОРВЕГЧА БАРТЕР

ЕЛ ЯРИМ ФИНАЛИ ЎРНИГА 5 КГ. БАЛИҚ ВА КИЙИК ГЎШТИ. 480 дона чипта учун 50 минг талабгор. Норвегиянинг «Будё-Глимт» жамоаси мухлислари тарихий ўйинни бевосита стадионда кузатиш учун ақлларини тўлиқ ишга солишди. Камтарин клуб ўз тарихида илк марта еврокубок ярим финали ўйинини ўз стадионида қабул қилди. «Тоттенхэм»нинг Шимолий қутбда жойлашган 50 минг кишилик Будё шаҳрига сафари арафасида бутун Норвегия шимолини кучли ҳаяжон босгани ўз-ўзидан тушунарли.






➤ «Будё Глимт»нинг ЕЛ ярим финалида ўйнагани бутун Норвегияда кучли ажиотаж келтириб чиқарди...

**Балиқ деликатесига алмаштирилган чипта.** «Будё-Глимт»нинг уй стадиони - «Аспмюра» бор-йўғи 8 мингдан ортиқ томошабинга мўлжалланган. Ярим финалга чиқарилган чипталар сотувининг якуний босқичида эса атиги 450 дона қолганди. Диққат қилинг, 450та чиптага бутун мамлакат бўйлаб 50 минг киши онлайн-навбатда турди. Сенья оролида яшовчи Торбьорн Эйде чипта ололмаслигини вақтида тушунди ва креатив йўлдан боришга қарор қилди. Яъни балиқчилик фермасида ишлаб чиқариш бўйича менежер лавозимида ишлайдиган мухлис ўзига хос бартер келишувидан фойдаланди. Оддий айтганда, Эйде ижтимоий тармоқларда 1 дона чипта эвазига 5 килограмм бокнафиск (тансиқ балиқ гўшти) таклиф қилди - бу чамаси 2500 Норвегия кронаси (1 кг. бокнафиск - 500 крона) деганидир. Тузсиз қуритилган балиқ гўшти Шимолий Норвегиянинг ўзига хос рамзларидан бири саналади. Балиқ қиш қуёши ва шамолда қисман қуритилади, лекин ичидаги гўшт юмшоқ бўлиб қолаверади. «Биз Норвегиядаги энг сифатли бокнафискни ишлаб чиқарамиз. Бу маҳсулотни Будёда топиш имконияти йўқ. Қисқаси, ўзгача бартерга кимдир қизиқиб қолиши мумкинлигини ўйладим. Аслида бу ишдан натижа чиқишига унча ишонмадим, муҳими, сўнгги паллада бокнафискни татиб кўришни истайдиган йигит топилди. Агар «Будё-Глимт» ғалаба қозонса, 5 кило балиқ гўшти 1та чиптага арзийди», - деди Эйде ўйиндан олдин NRK (Норвегия миллий телеканали)даги чиқишида. Амалда унинг севимли жамоаси 0:2 ҳисобида енгилди, бироқ бу энди бошқа масала. Бартерга рози бўлган Ойстейн Аанс эса онаси учун шундай йўл тутганини таъкидлади: «Акам Ослодан вақтида етиб келолмади ва унинг чиптаси куйиб қолмаслиги керак эди. Аслида ўша балиқ гўшти, унинг баҳоси ва қандай пиширилиши ҳақида ҳеч нарса билмайман. Шунчаки, онамнинг кўнглини олиш учун шундай кулгули бартерга кўндим».

**Чипта ўрнига кийик гўшти.** Балиқ - чипта бартеридан илҳомланган яна бир мухлис стадионга кириш ҳуқуқи эвазига кийик гўштини таклиф этди. Хуллас, Нильс Эрик Оскал ҳам худди шундай тактикани қўллаб, ғайриоддий алмашувни амалга оширди. «Қарасам, онлайн-навбатда чамаси 40000-ўринда турибман. Чипта тегмаслиги аниқ. Менда эса озгина кийик гўшти бор эди, - деди Оскал ўйин арафасида. - Шунда бартер операциясини такрорлашга жазм этдим, фақат балиқ эмас, кийик гўшти билан. Муҳими, таклифимга тезда жавоб келди. Чипта арзонга тушгани йўқ, лекин гўзал воқеликни бошдан кечириш имкониятига эгаман». Кийик гўшти қиммат турсада, уни сотиб олиш мумкин, аммо ЕЛ ярим финали Будёга яна қачон қайтишини ҳеч ким билмайди. Хуллас, Нильс чоршанба куни 5 килограмм кийик гўштини олиб, «Аспмюра» стадиони сари йўл олди...

Манба: sports.ru , Жаҳонгир МИРЗО тайёрлади